


А.Қосимов, А.Ҳамроқулов, С.Хўжаев

ҚИЁСИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИККА

КИРИШ



Мазкур қўлланма ОТ-А1-46 рақамли грант асосида
тайёрланди.

Андижон давлат университети Илмий Кенгашининг 2018 йил
августдаги -йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.

Такризчилар:

У.Ҳамдамов, филология фанлари доктори

С.Мирзаева, филология фанлари доктори,
профессор

Мазкур қўлланма адабиётшуносликнинг долзарб соҳаларидан бири бўлган қиёсий адабиётшунослик (компаративистика) масалаларига бағишланган. Унда соҳанинг тараққиёт босқичлари, асосий адабий алоқа турлари ҳамда қиёсий таҳлил масалалари ёритилган. Бундан ташқари таниқли адабиётшуносларнинг соҳага оид адабий-танқидий ишларидан намуналар берилган.

Қўлланма филология йўналишидаги бакалавриат талабалари, магистрантлар ва тадқиқотчиларга мўлжалланган.

КИРИШ

Адабиётларни қиёслаб ўрганиш – замонавий филологиянинг муҳим йўналишларидан саналади. “Қиёсий адабиётшунослик” курси бўлажак филологларда адабий алоқа шакллари ва қонуниятлари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш, бадиий матнларни қиёсий ва чоғиштирма таҳлил қилишнинг амалий кўникмаларини эгаллаш ҳамда умумгуманитар дунёқарашни кенгайтишига хизмат қилади.

Нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти қиёслаш орқали ойдинлашади. Табиат ва жамиятда асосан такрорланувчи, бир-бирига ўхшаш ёки ўз табиати, тузилиши, моҳияти билан бир-бирига зид бўлган нарса, ҳодисалар қиёслаш объекти бўлиб хизмат қилади. Бу ҳол адабиётшунослик фани, хусусан, қиёсий адабиётшунослик учун ҳам бадиий-эстетик метод бўлиб қолмоқда.

Зеро, “у ёки бу, шахсий ёки бегона боғлиқликни аниқлаш ва қиёслаш, маданиятнинг асосий ва азалий вазифаларидан бирини ташкил этади. Чунки жуда кенг маънода тушуниладиган қиёслаш(ҳар қандай таржима каби – тилдан тилга, макондан маконга, замондан замонга, маданиятдан маданиятга) бевосита маданият маконидаги инсоннинг мавжудлиги, маданиятнинг вазифаси билан боғлиқ бўлиб, унинг марказида ўхшашлик ва фарқланиш масаласи туради”.¹

Қиёслаш адабий таҳлилнинг самарали усулларида бири бўлиб, қиёсий адабиётшунослик фанининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Қиёсий адабиётшуносликнинг қўлланиш доираси жуда ҳам кенг. Тилшуносликда турли тиллар қиёслангани каби, бир миллий адабиётни бошқаси билан яхлит ҳолда қиёслаш мумкин. У ёки бу ёзувчилар ижодини, ёки уларнинг конкрет асарларини, бадиий асарларнинг сюжети, композицион қурилиши, услуби, ғоявий мазмунини қиёсан ўрганиш имконияти мавжуд. Санъат турларидан бири бўлган адабиётни бошқа санъат турлари, масалан, мусиқа, тасвирий санъат, опера ва балет каби билан қиёслаш мумкин.

Қиёсий-типологик метод бу – турли ҳодисаларни тадқиқ қилиш ва тушунтириш усули бўлиб, бунда ҳодисаларнинг шакли бўйича ўхшашлигини аниқлаш асосида, уларнинг генетик яқинлиги, яъни умумий келиб чиқиши ҳақида хулоса чиқарилади. Маданий ҳодисаларни тадқиқ қилишда қўлланиладиган қиёсий-типологик методнинг бошланғич нуқтаси бўлиб моддий маданият ва билимларнинг турли соҳалари учун умумий бўлган энг қадимги таркибий унсурларни тиклаш ва қиёслаш хизмат қилади.

Ғарбда қиёсий адабиётшунослик тарихидаги илк тажрибалар XVIII асрда Германияда амалга оширилган. Турли миллатларнинг маданий ва адабий

¹ Топоров В.Н. Пространство культуры и встречи в нем.// Восток запад. Переводы. Публикации.-М., 1989.- с.7.

анъаналарини қиёслаган немис олимлари ягона Европа ва жаҳон “маданий макони” мавжуд, деган хулосага келдилар. И.Г.Гердер Лессингнинг “Лаокоони” билан мунозара қилиб, турли халқларнинг фольклорига катта қизиқиш билан қарайди (“Қўшиқларда халқларнинг овозлари” тўплами, 1807 йил). У кишилиқ жамиятининг – энг қуйи босқичидан юқорисигача бўлган ривожланиш қонуниятларини аниқлашга интилиш, турли жаҳон халқлари, жумладан Осиё халқлари ва славянлар маданиятини тадқиқ этишга интилади. (“Инсоният тарихи фалсафасига доир ғоялар”). Бундан ташқари Гердер “маданият”, “анъана” тушунчаларини изоҳлайди; халқ маданиятининг иқлимга боғлиқлиги, бошқарув шакллари, дин ва бошқалар ҳақида гапиради, инсоният ривожланишидаги тарихийликни исботлайди.

Қадим замонлардан буён ўзбек адабиёти туркий, араб, форс тилида сўзлашувчи минтақалар адабиёти, кейинчалик рус ва Ғарбий Европа адабий анъаналари билан ўзвий алоқада бўлиб келган ва келмоқда. Зотан, миллий доиралардан четга чиқиб, кенг кўламда фикрлаш, ижодий алоқага киришиш барча даврларда ҳам илғор эстетик қарашнинг асосий хусусияти бўлган. Шунга қарамай, биз миллий адабий жараён ривожланишининг асосини бошқа мамлакатлар ва халқлар адабиёти таъсири ташкил этади деган фикрдан йироқмиз.

Адабиётлараро алоқалар, аввало, тарихий ҳодиса саналади. Н.И.Конрад алоқаларнинг бир бутун адабий жараёндаги кўлами, роли, шунингдек, айрим халқларнинг адабиётлари тарихидаги моҳияти турли даврларда ва ҳар қил тарихий шароитларда турлича эканлигини таъкидлайди¹. Алоқаларнинг адабий жараёндаги турли шакл ва кўринишларини аниқлаш миллий адабиёт табиатини белгилаш учун зарур ҳолатдир. Шунинг учун ҳам адабий алоқаларни тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири саналади. Шу билан бирга компаративистика борасидаги тажрибаларни ўрганиш ушбу соҳанинг мамлакатимиздаги ривожи учун муҳимдир.

Жамиятдаги глобаллашув замонавий жаҳон адабиёти ва маданиятидаги интеграциялашув жараёнлари қиёсий адабиётшуносликни ҳозирда филологиянинг етакчи соҳаларидан бирига айлантирди.

А.Н.Веселовский, Ф. И.Буслаев, В.М.Жирмунский, М.П. Алексеев, Н.И.Конрад, И.Г.Неупокоева, П.ван Тигем, П.Азар, Ф.Бальдансперже, Р.Уэллек, Э.Курциус, Д.Дюришин, А.Дима сингари дунё илмий жамоатчилиги тан олган олимлар эса ушбу соҳа назарий ва амалий асосларининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Маълумки, Шарқнинг Ғарб ёки Ғарбнинг Шарқ маданияти ва

¹Конрад Н.И. Запад и Восток. — М.: Наука, 1972. —С.319.

адабиётига муурожаат этиши ўзида Шарқ-Ғарб маънавий синтезини мужассам этган маданий жараённинг таркиб топишига сабаб бўлган. Бундай синтез дунёнинг барча халқари маданиятига хос хусусият саналади. Маданий — адабий алоқалардаги ўзига хос анъаналар, сўнги йилларда Ўзбекистонда кузатилаётган халқаро алоқалардаги фаоллик қиёсий адабиётшуносликка, хусусан, ўзаро алоқалар ҳамда таъсир назарияси, амалиёти масалаларига жиддий эътибор қаратишни тақозо этмоада.

Турли шаклдаги адабий алоқаларни ўрганиш тажрибаси дунё бадиий жараёнининг бирлиги ҳақидаги концепцияни ишлаб чиқиш, «жаҳон адабиёти» тушунчасига аниқлик киритиш масалалари билан ўзвий боғлиқдир. Адабиётшуносликда янги соҳа - қиёсий адабиётшуносликнинг таркиб топганлигини мана шу жараённинг мантиқий якуни дейиш мумкин. Таркиб топган даврдан бошлаб ушбу соҳанинг вазифаси миллий адабиётлар тарихига оид манбаларни тўплаш, маълум бир тизимга солиш ва фактик материалларни умумлаштириш, адабиётларнинг бир-бирига ўзаро таъсири муаммоларини кун тартибига қўйишдан иборат бўлиб келди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб адабиётшуносликнинг бир бўлими сифатида тўла шаклланган адабиётларни қиёсий ўрганиш ҳозирги замон фанининг ҳам объектив эҳтиёжига айланган. Таниқли рус адабиётшуноси академик В.М.Жирмунский таъбири билан айтганда, “тарихий ҳолатлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлаш ва уларга тарихий жиҳатдан баҳо бериш ҳар қандай тарихий тадқиқотнинг шартли элементи ҳисобланади. Қиёслаш ўрганилаётган ҳолатнинг ўзига хослигига (индивидуал, миллий, тарихий) путур етказмайди, аксинча, қиёслаш, яъни ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш ёрдамида бу ўзига хосликни аниқ белгилаш мумкин бўлади”². Лекин компаративистиканинг тадқиқот йўналиши ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқовчи оддий қиёслаш билан бирга уларни илмий ва тарихий жиҳатдан исбот қилишни ҳам ўз ичига олиши керак. Таниқли словак компаративисти Д.Дюришин қиёсий адабиётшуносликнинг тадқиқот объекти яна ҳам кенг қамровли бўлиши ҳақида фикр билдиради: “...ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни фақатгина адабий йўналишлар, жанр ва жанр кўринишлари доирасидагина эмас, балки ғоявий — психологик йўналиш, персонажлар тавсифи, композиция ва сюжет қурилиши, мотивлар, образ тизими ҳамда бадиий асар асосини ташкил этувчи компонентларни назарда тўтган ҳолда ҳам таҳлил этиш керак”³.

²Қаралсин: В.М. Жирмунский. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. Избр.труды. -М.: Наука, 1979. -С.77.

³ Д.Дюришин. Теория сравнительного изучения литературы. - М.: Прогресс. 1979. -С. 183.

Гарчи филологиянинг барча соҳаси ўз оқидга қўйган вазифаларни адо этиш учун қиёсий таҳлил воситаларидан унумли фойдаланса-да, қиёсий адабиётшуносликнинг бошқа соҳалардан фарқли томони шундаки, у таҳлил усуллари тизимини энг муҳим, аҳамиятли деб ҳисоблайди. Мисол учун айнан қиёсий адабиётшунослик фани “боқий мавзулар”, “мангу образлар”, “умуминсоний”, “сайёр сюжетлар” каби тушунчаларни тўлақонли атамаларга айлантирди.

Мангу образлар инсонга хос муҳим ижобий ёки салбий хислатларни ўзида мужассамлаштиради. Жаҳон адабиётида бундай образларга Ҳотам Тойи, Насриддин Афанди, Агасфер, Дон-Кихот, Ҳамлетлар мисол бўла олади. Мангу образлар бир муаллифдан бошқа муаллифга ўтиш хусусиятига эга бўлиб, ҳар сафар янгидан-янги қирралари очилади.

“Сайёр сюжетлар” халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган бўлса-да, бу ҳодиса ёзма адабиётда ҳам энг қадимги замонлардан буён мавжуд (масалан, кўплаб Европа халқлари масаллари Эзопа бориб тақалади, ёки ота-бола ўртасидаги жанг ҳақидаги сюжетни Фирдавсийнинг “Шоҳномасидаги” Рустам ва Сухроб, ирланд сағасидаги Кухулин ва Конлах, рус билинасида Илья Муромец ва Сокольникович жанги мисолида учратиш мумкин).

Қиёсий типологик адабиётшунослик соҳаси баъзи адабиётларда адабиёт тарихи таркибий қисмига мансуб деб берилса-да, лекин адабиётни қиёслаб ўрганиш нафақат адабиёт тарихи соҳаси, балки адабиёт назарияси, адабий танқид, адабиёт методологияси, библиография, матншунослик, манбашунослик, таржимашунослик ва бошқа шу каби соҳалар учун ҳам муҳим маълумотлар беради ва улар билан узвий алоқадор бўлади. Масалага бу жиҳатдан ёндашганда, қиёсий адабиётшуносликни адабиётшуносликнинг алоҳида бир ёрдамчи соҳа сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Адабиётни қиёслаб ўрганиш борасидаги дастлабки тадқиқотлармифологик асарлар, фольклор намуналари устида бўлганлиги боис балки, уни адабиёт тарихига мансуб деган фикрлар юзага келган бўлиши мумкин.

Адабиётни қиёслаб ўрганиш жараёнида 4 асосий масала муҳим муаммо сифатида белгиланади:

1. Ижодий метод, адабий оқим, йўналишлар, адабий жараёнлар.
2. Адабий тур ва жанрлар масаласи.
3. Ижодкорнинг услубий маҳорат масаласи.
4. Бадиий асарнинг қиймати.

Демак, адабиётни қиёсан ўрганиш адабиётшунослик ва унинг деярли барча таркибий қисмларига (адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий танқид, адабиёт методологияси, библиография, матншунослик, манбашунослик, фольклоршунослик) оид билим ҳамда маълумотларга асосланиб иш кўради.

Шу боис, компаративист олим қиёсий ўрганишга киришишдан аввал адабиётшунослик бўйича пухта билимга эга бўлмоғи лозим.

Умуман олганда миллий адабиётларнинг бир-бири билан яқин ва мустақкам алоқада эканлиги ҳамда замонавий дунёда маданиятларнинг глобаллашуви шароитларида қиёсий адабиётшунослик долзарб соҳага айланди.

Юқоридагилар асосида ўзбек тилида қиёсий адабиётшунослик бўйича ўқув қўлланмасига бўлган талабдан келиб чиқиб мазкур адабиёт яратилди. Унда соҳанинг тараққиёт босқичлари, асосий адабий алоқа турлари, хусусан бадиий таржиманинг алоқа шакли сифатидаги вазифалари, қиёсий таҳлил масалалари ёритилган.

Қўлланмада Ўзбекистонда компаративистика тарихи, ҳамда Шарқ ва Ғарб адабиёти алоқалари тадқиқига доир мавзуларга ҳам кенг ўрин ажратилган.

Мазкур ўқув адабиётига соҳанинг дунёда тан олинган олимларининг илмий-назарий қарашлари асос қилиб олинди. Мавзуларни ёритишда асосан А.Дима, Д.Дюришин сингари олимларнинг илмий хулосаларига таянилди.

Қўлланма бакалаврият талабалари, магистрантлар учун мўлжалланганлигини ҳисобга олиб унда таниқли адабиётшуносларининг соҳага оид адабий – танқидий ишларидан намуналар бериш зарур деб ҳисобладик.

Қўлингиздаги китоб қиёсий адабиётшунослик бўйича ўзбек тилидаги дастлабки ўқув манбаларидан бири эканлиги боис, уни такомиллаштириш юзасидан билдирилган фикр мулоҳазалар учун олдиндан миннатдорчилик изҳор этамиз.

КОМПАРАТИВИСТИКАНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Маълумки, қиёсий адабиётшуносликнинг ривожланиши XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган бўлиб, фаннинг ривожланиши ва тармоқланиши натижасида ҳозиги кунгача ҳам узлуксиз давом этмоқда.

У босиб ўтган йўлнинг умумлаштирувчи қисқача тавсиф нафақат фан тарихи нуқтаи назаридан зарур, шу билан бирга асосий йўналишларини пайдо бўлишидан то ҳозирги кунгача бўлган тадрижий ривожланишини кузатиш имконини беради.

Европа Уйғониш даврида қадимги юнон ва Рим цивилизациясига бўлган катта қизиқиш қиёсий хусусиятга эга бир қатор тадқиқотларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу даврда юнон ва лотин ёзувчиларининг асарлари қиёсий ўрганилган тадқиқотларда юнонларнинг римликлардан устунлиги, намуна бўлганлигига алоҳида урғу берилди. Айниқса, Вергилий томонидан Ҳомернинг эпик санъатида қўлланилган қоидалар мутлоқлаштирилганига эътибор қаратилди. Кўпгина илмий ишларда Данте ва Петраркаларнинг ижоди антик ёзувчиларининг асарлари билан қиёсланди.

Классицизм даврида мумтоз анъаналарига риоя қилган ҳолда, ўзига хос асарлар яратишга, манбаларни эса ўрта асрлардан ёки бевосита ўзига яқин бўлган тарихдан олишга эътибор қаратила бошланди. Бундай ёндашув Пьер Корнелнинг “Сид”(1636) трагедияси сюжети испан манбаларига яқин эканлигида намоён бўлади. Илк бор XII асрда пайдо бўлган ва испан романсеролари ҳамда “Родриго ҳақида дoston”⁴да (XIV аср) янгиланган “Сид” мавзусига, XVII аср испан театри (айниқса Хуан де ла Куэва ва Лопе де Вега асарларида)да қизиқиш яна кучайди. Сид образининг тўлақонли талқини Гильен де Кастро пьесаларида акс эттирилгани учун Корнель уларга мурожаат қилган. Драматург танқидчилари, ўз хоҳиш-истакларига қарши бўлса ҳам, испан ва француз драматургиясини қиёслашга мажбур бўлганлар.

XVIII асрда ўзга мамлакатлар адабиёти ва Европа адабиёти тарихи бўйича умумлаштирувчи асарларга қизиқиш ортди. Чет эл маданияти ютуқларини диққат билан кузатиб борган ёзувчилар орасидан, аввало “Фалсафий номалар”(ёки “Инглиз номалари”) асарининг муаллифи Вольтерни эслаб ўтиш зарур. У ўзининг Англияга сургун қилинганини таърифлаш баробарида французларни инглиз адабиёти билан таништиради, аниқроқ айтиладиган бўлса, Британия ороллари аҳолисининг жоҳиллик нафаси келиб турувчи одатларига француз зеболиги, орасталигини қарама-қарши қўйиб, француз трагедияларининг “даҳшатли фарслар муаллифи” Шекспир асарларидан афзаллигини таъкидлайди. Италиялик ёзувчи

⁴ Испан миллий кўшиқлари туркуми

Лодовико Антонио Муратори, “Мукаммал итальян поэзияси ҳақида” (1706) асарида Европа шеърятига уйғун бирликда баҳо беради. Италия адабиётининг илк тарихчиларидан бири Франческо Саверио Квадрио 1752 йили “Поэзия тарихи ва онги” асарида провансал шеърятининг итальян адабиётига таъсирининг баъзи жиҳатларини таҳлил этади. Ва ниҳоят, Европа адабиёти тарихи бўйича умумлаштирувчи тадқиқот (1761) муаллифи Денинни ҳам айтиб ўтиш мумкин.

Тафаккурни ҳиссий тажрибадан ажратиб қўядиган ва ақлни билишнинг бирдан-бир манбаи деб ҳисоблайдиган маърифатпарварлик даврида оқим, қиёсий-тарихий тадқиқотларнинг ривожланишига кенг йўл очиб бермас эди. Фақат XVIII асрнинг поёнига келиб, адабиётшунос Лагарп ва тарихчи Мармонтелнинг саъй-ҳаракатлари билан секин-аста компаративистика бўйича тадқиқотлар учун мақбул муҳит шаклланди. Бу даврда маданиятнинг тарихий концепциясини асослашга қаратилган ва ўз навбатида қиёсий тадқиқотлар учун ҳам жуда катта хизмат қилган Гердернинг (1844-1803) асарлари пайдо бўлди.

XIX асрнинг биринчи ярмида 1789 йилги Буюк француз инқилоби ва Наполеон урушлари таъсирида сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳалар жадал ривожланди. Бу ўз навбатида даврнинг моддий ва маънавий қадриятлари билан айирбошлаш учун ижобий шароит яратди. Буюк немис шоири И.В.Гёте маданият тарихида янги саҳифани очиб берди ва “Weltliteratur” пайдо бўлишининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадқиқотларда шу тарзда чет эл адабиётини ўрганишга қизиқиш кучайиб борди ва икки йўналишдаги маърифатпарварлик концепцияси руҳида миллий адабиётлардаги умумийликни ҳамда романтизм таъсирида шаклланган адабиётлар ўртасидаги тафовутларни аниқлашга асосланган нуқтаи назарлар устунлик қилди.

Бу пайтда немис адабиётшуноси асосчилари ака – ука Шлегеллар антик даврдан бошлаб янги замонгача қамраб олган умумжаҳон адабиёти тарихини яратишга ҳаракат қилдилар. Фридрих Шлегель Вена университетиде ўқиган машҳур маърузаларида (1812)⁵ умумжаҳон адабиётининг кенг манзарасини таърифлаб берган бўлса, унинг акаси Август Вильгельм немис китобхонлари диққатини Шекспирга, итальян, испан ва португал шеърятига қаратди ва Фридрих билан биргаликда романтизм мактабининг назарий асосларини яратди.⁶ Антик маданиятни чуқур ҳис қилиш, Ўрта аср ва Уйғониш даври ёдгорликларини ўрганиш, классицизм ва маърифатпарварлик адабиётига танқидий ёндашиш адабиётга бўлган аниқ

⁵ Fr. Schlegel, Geschichte der alten und neuen Literatur, Viena, 1812.

⁶ A. W. Schlegel, Blumensträuße italienischer, spanischer und portugiesischer Poesie, Viena, 1804.

талабларни ишлаб чиқиш имкониятини яратди.

Романтик мактабнинг тарафдори бўлмаган Фридрих Боутервек⁷, италян, испан, француз и португал поэзияси ва нотиклик санъатининг XIII асрдан XIX асргача бўлган даврдаги манзарасини тасвирлаб берди. Бу ўринда Жермина де Сталь (1766-1817) Франция ва бутун ғарб дунёсини деярли нотаниш бўлган “Бўрон ва тазйиқ”, классицизм ва романтизм даври Германияси билан таништирганлиги муҳим ўрин тутди. У моҳиятан романтик бўлган Шимол адабиётини классицизмнинг маркази бўлган Жануб адабиёти билан қиёслаб, немис адабиётининг ўзига хос жихатлари: индивидуализм, метафизика тамойилларига асосланиш, мустақиллик руҳини аниқлади ва ўқувчиларга даврнинг кўзга кўринган вакиллари – Виланд, Винкельман, Лессинг, Гёте ва Шиллер билан таништирди. У ҳар томонлама романтизмни улуғлаб, Наполеон даври Франциясини Германияга қарама-қарши қўяди.

XIX асрнинг бошларидаёқ адабий ва маданий ҳодисаларни тарихий-қиёсий нуқтаи назардан англашга интилиш, ҳар томонлама билимдонлик руҳи билан йўғрилган асарларни ёзиш, кейинчалик компаративистика фани пайдо бўлиши учун қулай заминни тайёрлаб берди.

Бу пайтда, шунингдек компаративистиканинг тарихий фан сифатида шаклланиши учун ҳам қулай шароитлар пайдо бўлди.

Бунда биринчи навбатда Франсуа Гизо и Огюстэн Тьеррилар асос солган тарих фанининг ўзи назарда тутилади. Уларнинг XIX асрнинг 30-40 йилларида яратилган Франция ва Европа тарихи бўйича кенг кўламдаги илмий тадқиқотларида тарихнинг ижтимоий-сиёсий жихатларига асосий эътибор қаратилди.

XIX асрнинг бошлари ижтимоий тарих билан бир вақтда адабиёт тарихи ва адабий танқид шаклидаги адабиёт ҳақидаги фаннинг шаклланиши даври ҳам бўлди. Нотиклик санъатининг машҳур назарийгчиси, Сорбонна университети профессори Абель Франсуа Вильмен (1822) француз адабиёти тарихи бўйича маърузалари билан ном қозонди (1828—1829), кейинроқ (1846) у антик давр ва чет эл адабиётидан амалга оширилган тадқиқотларида қиёслаш методидан кенг фойдаланди, айниқса бу Ўрта ер денгизи бўйларида яшовчи лотин халқлари адабиёти тадқиқотида яққол намоён бўлди. У ўз тадқиқотларини Италия шеърлятига, айниқса Данте асарларига, ҳамда испан эпик адабиётига бағишлади. Бунда у албатта асар яратилган даврга мурожаат қилди. Шу боис Вильменни тарихий адабий танқиднинг асосчиси деб ҳисоблаш мумкин. Унинг замондоши Жан-Жак Ампер, кейин Филарет Шаль ва Эдгар Кинелар ҳам қиёсий-тарихий тадқиқотлар ўтказдилар. Шу ўринда

⁷ Fr. Bouterwek, Geschichte der Poesie und Beredsamkeit seit dem Ende des XIII-e Jahrhunderts, 1801 — 1819.

Сент-Бёв ҳам ёзувчилар ҳақидаги тадқиқотларида, уларга таъсир кўрсатган омилларга эътибор қаратди. Айтиш жоизки, “қиёсий адабиётшунослик” атамаси ҳам биринчи марта уларнинг тадқиқотларида қўлланилган. Мисол учун, Филарет Шаль ўз изланишларининг самараси бўлган йигирма жилдли “Қиёсий адабиётшунослик бўйича тадқиқотлар”ини (1847-1864) чоп эттирди. Демак, юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқотчиларни биринчи компаративистлар деб ҳисоблашимиз учун барча асосларимиз бор, гарчи у пайтларда фаннинг аниқ методологияси бўлмаса ҳам, чунки у асрнинг охирида пайдо бўлди. Гарчи бўлажак фан ҳақида умумий тасаввурга эга бўлсалар-да, улармубошир-ташаббускорлар бўлиб қолдилар ва асосан турли адабиётлар соҳасидаги тарқоқ билимларни жамлаш билан шуғулландилар.

Европада қиёсий – тарихий методнинг шаклланишида германиялик ака-ука Гриммлар – Вильгельм ва Якобларнинг алоҳида ўрни бор. Уларнинг “Немис мифологияси” китобида мифологик мактабнинг назарий қарашлари баён этилган. Тадқиқотларида Хинд-европа халқлари фольклорининг қиёсий таҳлил қилиб, улар ўртасидаги ўхшашлик ягона илдизга бориб тақалади деб хулоса қилганлар. Ака-ука Гриммлар қадимги орий қабилаларнинг ўтмишидаги мифологик тасаввурлари кейинчалик мазкур қабилаларнинг дунё бўйлаб тарқалиши натижасида ўзининг дастлабки маъноларни йўқотиб, эртак афсонага айланадилар. Маданий ходисаларнинг, худудларнинг узоқ ва яқинлигига қарамай бир хилда такрорланиши мифологик мактаб вакиллари уларнинг келиб чиқиши (генезиси) ягонадир деган янглиш хулосаларга олиб келди. Кейинчалик улар илгари сурган фикрлар рад этилган бўлса ҳам тўпланган йирик фактик материал, унинг тасири ва энг асосийси, ундан келиб чиқадиган назарий умумлашмалар кейинги давр адабиётшунослигининг ривожига самарали таъсир этди⁸ 1859 йили немис олими Франс Ноэл Бенфей ҳинд эпоси “Панчатантра”нинг немис тилига қилган таржимасига ёзган кириш сўзи орқали соҳанинг назарий масалаларига эътиборни қаратди. Унда Бенфей асарларининг бир-бирига яқинлиги, сюжет йўналишларидаги ўхшашликларнинг сабаби фақатгина ягона миф ёки мифологик манба бўлмай, “сайёр сюжет” ходисаси билан ҳам боғлиқ деган ғояни илгари суради. Яъни, бадий асарлар бир халқдан бошқасига ўтиши мумкин. Бенфейнинг бу фикрлари тарихийлик нуқтаи назардан чекланганига қарамай адабиётшуносликда “сюжетлар кўчиши” деб аталган йўналишнинг шаклланишига асос бўлди.

XIX асрнинг биринчи чорагидаёқ Швейцарияда қиёсий тадқиқот тарафдорларини қўллаб-қувватлайдиганлар бор эди. Жанубий Европа адабиётлари бўйича асарнинг муаллифи Сисмондининг ортидан қиёсий

⁸ Эшонбоев А. Қиёсий-тарихий метод ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, №4. –Б. 38.

хукуқшунослик бўйича йирик мутахассис Йозеф Горнунг Лозаннага қиёсий адабиётшуносликдан маърузалар ўқишга таклиф қилинди (1850). Женева университетида XIX асрнинг иккинчи ярмида Ришар, Монье ва Род сингари таниқли компаративистлар фаолият кўрсатдилар. Италиялик олимлар ҳам аср бошларида ушбу фанни ривожлантиришга хиссаларини қўшдилар.

Улар орасидан биринчи бўлиб бир мунча муддат Павиан университетининг нутқ санъати профессори бўлиб фаолият юритган Никколо Уго Фосколони айтиб ўтиш керак, у “Адабиётнинг келиб чиқиши ва унинг функциялари” (1809) мавзусида кириш маърузасини ўқиди, унда қиёсий адабиётшуносликнинг бир қатор муаммоларига тўхтаб ўтди. Кейинроқ, 1829 йили, у бўлажак Европа адабиёти масаласига мурожаат қилди.

Қиёсий адабиётшунослик бу пайтга келиб қиёсий таҳлилга мурожаат қила бошлаган бошқа фанлардан ҳам ижодий туртки олди. Бу хаттоки табиий фанларда ҳам содир бўлди: Жорж Кювье⁹ қиёсий анатомиога бўйича маърузалар ўқиди (1800-1805). “Қиёсий адабиётшунослик” атамаси ҳам аслида, Ж.Кювьенинг “Қиёсий анатомия” терминига ҳамоғанг равишда пайдо бўлган.

XIX асрнинг 30-йилларида қиёсий адабиётшунослик билан бир вақтда қиёсий физиология, қиёсий эмбриология, ижтимоий фанлардан эса қиёсий мифология, кейинроқ эса қиёсий лингвистика(Форьель, ака-ука Гриммлар, Диц ва Боппнинг асарлари) сезиларли даражада ривожланди.

Қиёсий адабиётшуносликнинг шаклланишига тарихий шароитнинг ўзи, яъни XIX асргача ривожланиб борган халқаро адабий алоқаларнинг ривожига хал қилувчи таъсир кўрсатди. Бу алоқаларнинг тадрижий ривожланишида А.Диманинг фикрига кўра учта катта босқич кўзга ташланади: биринчиси ўрта асрлар адабиёти бўлиб, адабий умумийлик маълум даражада диний бирлик, умумий фольклор ва маданиятга асосланади. Иккинчи босқич Европа учун умумий бўлган антик мерос ва даврнинг умумгуманистик ғоялари асосига қурилган. Ва ниҳоят учинчи босқич, француз тили ва маданияти асосида шаклланган маърифатпарварлик давридир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида, аниқроқ айтадиган бўлсак, 70-90 йилларда, қиёсий адабиётшуносликнинг жадал ривожланиши кўзга яққол ташланди. Францияда ўзаро таъсир масалаларига бағишланган бир қатор асарлар пайдо бўлди. Олимлар биринчи ўринда роман-герман адабий алоқаларига хусусан, Данте ва Шекспир асарларининг Германияда тарқалиши, Англия, Германия, Италия ва Франция ўртасидаги ўзаро адабий алоқаларига эътибор қаратдилар. Шу билан бир қаторда аънаналарнинг бир авлод ижодкорларидан кейингиларига ўтиш масалаларига бағишланган,

⁹Француз табиатшунос олими, қиёсий анатомия ва палентология асосчиси.

айниқса Гёте, Байрон, Мицкевич ижоди билан боғлиқ тадқиқотлар пайдо бўлди. Бир вақтнинг ўзида Георг Брандеснинг биринчи умумлаштирувчи тадқиқоти “XIX аср Европа адабиётининг асосий оқимлари” чоп этилди. Унинг 1872-1890 йиллар оралиғида чиққан олти жилдлик асари олдин данияликлар тилида, кейин немис ва бошқа Европа тилларида нашр қилинди.

1880 йилларга келиб, назарий умумлашма шаклидаги биринчи сўзбошилар ва мақолаларнинг пайдо бўлиши қиёсий адабиётшунослик фан сифатида мавжудлигининг нишонаси эди. 1886 йили инглиз олими Хэтчисон Познеттнинг жаҳон адабиёти маълумотларига асосланган “Қиёсий адабиётшунослик” китоби чоп этилди. Муаллиф ўхшаш ижтимоий шароитларда шаклланган адабий жанрларнинг пайдо бўлиши қонуниятини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Х.Познетт юнон-лотин тамаддунига юксак эҳтиром билан қараса ҳам, ҳодисаларни қиёслашни янада кенгайтириш мақсадида, Европадан ташқарида жойлашган Мексика, Хитой, Ҳиндистонни ҳам тадқиқот доирасига тортади. Шу даврлардан бошлаб Женевада адабиётнинг қиёсий тарихи бўйича илк маърузалар ўқиладиган бўлди, 1886-йили Германияда Макс Кох томонидан “Zeitschrift für vergleichende Literaturgeschichte” (“Адабиётнинг қиёсий тарихи журнали”) чоп этилди ва 1910 йилгача мунтазам чиқиб турди. Ноширнинг илмий концепциясини ишлаб чиқарилишини таъминланган мақолалар журнални компаративистик тадқиқотларини ўзаро мувофиқлаштирувчи марказга айлантирди. Айнан шу йилларда Англияда испан ва итальян адабиётининг таъсирига, Италия ва Германияда француз таъсирига бағишланган бир қатор мақолалар пайдо бўлди.

Шу ўринда турли мамлакатларда компаративистиканинг ўзига хос далил ва унсурлари пайдо бўлганлиги кузатилади экан, Франция - ушбу фаннинг ватани, деган қатъий фикр билдиришдан йироқмиз. Лекин айнан Францияда ушбу фан мустақил ҳодиса сифатида шаклланиши ва ўзининг асосий шакли шамоийли, мақсад, вазифа ва принципларига эга бўлганлигини таъкидлаш лозим. Таниқли компаративистларнинг асарлари ҳам мана шу заминда пайдо бўлди. Хатто ушбу фаннинг номланиши ҳам француз тилидаги «*literature comparee*» атамасидан (ўзбек тилида «қиёсланаётган адабиёт») олинганлиги бежиз эмас. Куришиб турибдики, «адабий компаративистика» атамасининг этимологияси француз оригиналига яқин. Ушбу атама илк бор 1817 йили Ф.Ноэль томонидан муомалага киритилган. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу соҳанинг пайдо бўлишида Ж.-Ж.Ампер, А.Вилман ва Ф.Шалларнинг хизматлари катта бўлган. Адабий таъсир ғояси ва қиёсий адабиётшунослик концепциясини тарғиб қилиш ва оммалаштиришда таниқли француз мунаққиди Сент-Бёвнинг 1804-1869 ҳиссаси беқиёс.

XIX аср охирларида – 1890-1891 йилларда Фердинан Брюнетьер қиёсий адабиётшунослик курсини олий ўқув юрти дастурига киритиши натижасида XX аср бошларида Лион, Париж, Страсбургда, кейинчалик Франциянинг бир қатор йирик шаҳарларида қиёсий адабиётшунослик кафедралари очилди. Жозеф Текст Францияда (Лион) қиёсий адабиётшунослик кафедрасининг биринчи профессори бўлди.

1921 йили Фернан Бальденсперже «Адабий компаративистика ва предмет» номли тадқиқотини чоп этириш билан бирга Поль Азар билан ҳамкорликда «Revue de la littérature comparée» журнаliga асос солди. Шунинг таъкидлаш керакки, Биринчи жаҳон урушидан кейин бир гуруҳ компаративист олимлар янги фанга хос бўлган инсонпарварлик ва байналмилалчиликни тарғиб қилдилар. Ушбу хатти — ҳаракатлар Европада тинчликни ўрнатиш даври учун долзарб бўлиб, қиёсий адабиётшуносликнинг нуфузини оширишга хизмат қилди.

1931 йили Поль ван Тигемнинг Парижда «Қиёсий адабиётшунослик» асари нашрдан чиқди ва у кўп йиллар компаративистларнинг асосий қўлланмасига айланди. Унда “таъсир” тушунчаси қиёсий адабий тадқиқотларнинг асосини ташкил этиши алоҳида таъкидланади.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари даври гуманитар фанлар учун турғунлик йиллари бўлган бўлса, кейинчалик маданият ва адабиёт соҳасида халқаро алоқаларни ўрганишга бўлган қизиқиш ортди. Морис Гюйарнинг 1951 йили чоп этилган «Қиёсий адабиётшунослик» дарслигида келтирилган маълумотларга кўра, 1930—1950 йиллар оралиғида биргина Сорбонна университетиде адабий компаративистика бўйича 200 дан ортиқ диссертация ҳимоя қилинган. 1954 йилда қиёсий адабиётшуносликнинг француз миллий жамиятига асос солинганлиги ва унинг таркибида француз қиёсий адабиётшунослиги мактаби нуфузини оширишга катта ҳисса қўшган Морис — Франсуа Гюйар, Рене Этьембл, Жан — Мари Карре каби таниқли олимларнинг борлиги муҳим илмий воқеа ҳисобланади.

Шу ўринда бу даврда жаҳон майдонида. Америка компаративистика мактаби пайдо бўлиб, ўз позицияларини мустақамлай бошлаганлигини таъкидлаш лозим. Америка компаративизмининг кўзга курунган вакили Рене Уэллек Европа олимларини адабий таъсирларни тадқиқ этишда компаративистикани адабиёт тарихига сунъий равишда боғлашда, фактографияга ортиқча урғу беришда, ва, ниҳоят, позитивизмга берилиб кетишда айблади. Америкалик мутахассисларнинг ана шу сингари жиддий ва асосли далиллари француз олимларининг ўзқарашларини ўзгартиришга мажбур қилди.

Рене Этьембл «Қиёслаш далил эмас» (1963) китобида

компаративистикада мавжуд бўлган баъзи салбий ҳолатларни, хусусан, ушбу фан Ғарбий Европа адабиёти қобиғига ўралиб қолиб, бошқа қитъалар адабиётларининг тараққиётини ҳисобга олмаганлигини курсатиб ўтади. Шу билан бирга, муаллиф тарихий-адабий ёндашишнинг тор доираси компаративизм ривожига тусқинлик қилаётгани хусусида ҳам мулоҳаза юритади. Шунинг учун «Қиёслаш далил эмас»дан кейин Ғарб матбуотида вақти-вақти билан компаративистиканинг ишқирози ҳақида тадқиқотлар эълон қилиниб турилганлиги ҳам бежиз эмас эди.

Маълумки, Рене Этьембл компаративистиканинг турли муаммоларини адабиёт тарихи ва адабиёт назарияси билан боғлар экан, «адабиёт назарияси» атамасини «қиёсий поэтика» тушунчаси билан алмаштиришни таклиф этган ва турли цивилизациялар тажрибасига асосланган қиёсий тадқиқотлар дастурини эълон қилган.

Рене Этьемблнинг ушбу дастури кўплаб баҳс — мунозаралар ва талқинларга сабаб бўлди. Адабий шакллар ва жанрлар тарихини қиёсий ўрганиш принципларини кўллаб — қувватлаб келган германиялик назарийчи Х.Р.Яусс (1921-1997) поэтика, риторика ва қиёсий эстетика концепциясини асослаб беради. Кейинчалик «рецептив эстетика»ғоялари Германия, Чехославакия, АҚШ компаративистлари томонидан ҳам кўллаб — қувватланди ва тан олинди.

Констанца университети профессорлари Роберт Яусс ва Вольфганг Изер томонидан илгари сурилган рецептив эстетика йўналиши XX асрнинг 70-йилларида катта қизиқиш билан кутиб олинди. Рецептив эстетика ўқувчи (китобхон) ва бадий матн муносабати асосига қурилган. В.Изер бадий асарни ўқувчи ва муаллифнинг тасаввурлари тўқнашадиган майдонига қиёслайди. Бадий матннинг кучи ва имконияти ҳар қандай индивидуал талқинлардан устун туради. Шу боис матн қайта ўқилганда, аввалгисига нисбатан ўзгача тасурот уйғотади. Кўп ҳолларда, бунинг сабабини В.Изер ўқувчи шарт-шароити, ҳолатининг ўзгариши билан изоҳлайди. Р.Яусс фикрича, матн ҳар бир ўқувчининг ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб турли фикр ва эмоцияларни пайдо қилади. Ўқувчи тасаввурида пайдо бўлган образ ва тушунчалар муаллиф томонидан назарда тутилмаган бўлиши мумкин. Асарнинг ягона талқини мавжуд эмас. Тарихнинг турли даврларида матн мазмуни янги талқинларга эга бўлиб бораверади. Натижада, ёзувчи доимо ҳар бир ўқувчини тасаввурлар ўйинига таклиф этади. Китобхон назарининг асар моҳиятини очиб беришдаги аҳамияти ҳақидаги ғоя аввалроқ А.Потебия томонидан илгари сурилган эди. Рецептив назария элементлари Арасту, Лессинг, Шиллер эстетикасида ҳам учрайди. Рецептив эстетика италиялик Умберто Эконинг семиотика назариясига ҳам яқин бўлиб, олимнинг

фикрича бадий асар ўқувчи ва адабий танқидчи учун янги ва янги маъно очишнинг имконияти ҳисобланади.

Умуман, америкалик мутахассислар билан бўлган баҳс — мунозаралар француз компаративистларига ўзининг самарали таъсирини курсатганлиги боис, улар назарий масалаларга купроқ эътибор қарата бошладилар. 1967 йилда Клод Пишуа ва Андре — Мишель Руссонинг «қиёсий адабиётшунослик» китоби компаративистика янги, юқори даражага кўтарилганлигини тасдиқлайди: «Ушбу тадқиқотнинг улкан илмий аҳамиятини таърифлаш қийин. Китобнинг куплаб тилларга таржима қилинганлиги унинг бу соҳада фақат Франциядаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилмаганлигидан далолат беради». Шунинг учун «Қиёсий адабиётшунослик» асарини компаративизмнинг моҳиятини батафсил очиб берувчи манба сифатида қабўл қилиш мумкин. М.Руссонинг ёзишича, «Қиёсий адабиётшунослик бу методологик санъат бўлиб, у аналогия, қариндошлик ва таъсирлар ўртасидаги алоқаларни излайди. У адабиётни билим ва ифодалашнинг бошқа йўналишлари билан яқинлаштиришга уринади ёхуд замон ва макон нуқтаи назаридан бир-бирига яқин ёки ўзг бўлган адабий ҳодисалар ва матнларни қиёслаш билан шуғулланади. Бунда мутқояса қилинаётган томонлар яхшироқ баён қилиш, тушуниш ва ўзлаштириш учун турли тиллар ёки маданиятларга таллуқли бўлиши, имкониятлар даражасида бир хил аъаналарга эга бўлиши керак»¹⁰. Ушбу ихчам, лекин мазмундор таърифда компаратив услубиётнинг асосий моҳияти акс этган ва унинг адабиётдан ташқари кино, тасвирий санъат, мусиқа, фото, видео, компьютер сингари ифода ва билим соҳалари билан алоқалари тадқиқот объекти қилиб кўрсатилган. Замонавий тадқиқотчи Ив Шеврель эса фан моҳияти ҳақида «қиёсий адабиётшунослик - матнлар йиғиндиси эмас, балки адабиётни ўрганиш истикболдир»¹¹, деган хулосага келади.

Қисқа шарҳдан маълум бўлишича, қиёсий адабиётшуносликнинг Франциядаги ривожини прогрессив аҳамиятга эга бўлиб, унинг фаолияти адабий алоқаларни ўрганишнинг оптимал усул ва шакллари татбиқ; этишга йўналтирилганлиги билан эътиборга ҳамда ўрганишга лойиқдир.

Фердинанд Брюнетьернинг Олий педагогика мактабида (Ecole Normale Supérieure) ўқиган маърузалари ва “Revue de deux mondes” журналида чоп этилган мақолалари билан қиёсий адабиётшуносликни ривожлантиришга кўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаш керак. У жаҳон адабиётида содир бўлаётган ҳодисаларни кенг қамровли таҳлил қилишни ва Европа адабиёти таракқиётини шу йўл билан белгилашни ёқлаб чиқди.

¹⁰ Pichois C., Rousseau A.-M. La littérature comparee. - Paris: Colin. 1967. -P. 174.

¹¹ Chevrel Y. La littérature comparee. - Paris: PUF. 1995. -P.7.

Брюнетьернинг ғоялари унинг шогирдлари асарларида ўзининг аниқ ифодасини топди, айниқса бу борада ўзининг кўплаб илмий тадқиқотлари билан ном қозонган, Лион университети қиёсий адабиётшунослик кафедрасининг биринчи профессори Жозеф Текст самарали ишларни амалга оширди. У қиёсий адабиётшуносликнинг келажаги ҳақида: “Мен қиёсий адабиётшунослик, Европа адабиётшунослигининг келажагига ишонаман. Германияда Брандес, Макс Кох, Эрих Шмидт, Англияда Х. Познетт янги йўналишни бошлаб бердилар ва биз уларнинг ишларини изчил давом эттирамиз”, - деган фикрларини баён қилди. Дарҳақиқат, айнан Ж.Текст ёш фаннинг тарихидаги биринчи йирик назарий тадқиқотни амалга оширди ва 1895 йили “Руссо ва адабий космополитизмнинг манбаи” китобини чоп эттирди. Шундан кейин Пти де Жюльвилнинг француз адабиётига ўзга адабиётларнинг таъсирига бағишланган рисоласидан боблар (1896-1900), Луи Поль Бецнинг библиографияси нашрдан чиқди. Ж.Текст билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатган Бец 1895 йили “Ҳайне Францияда” диссертациясини ёзди. Кўплаб компаративистик тадқиқотларнинг муаллифи бўлган Бецнинг улкан хизматларидан бири 1904 йилга келиб 6000 та ном киритилган методик библиографияси бўлиб қолди. Унинг ишини давом эттирган Ф.Бальдансперже 1904 йили ўзининг машҳур “Гёте Францияда” номли тадқиқотини чоп эттирди. Шу каби жараёнлар Италияда ҳам бўлиб ўтди. Артуро Фаринелли, Фламини ва бошқа олимлар Испания, Германия ва

Италия адабий алоқаларига бағишланган кенг кўламдаги тадқиқотларни амалга оширдилар. XIX асрнинг сўнггида қиёсий адабиётшуносликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган яна иккита аҳамиятли ҳодиса содир бўлди.

Булардан биринчиси, адабий космополитизм¹² ва унинг миллий ўзига хослик масаласига бўлган муносабати билан қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди ва уларда, гарчи компаративистикага катта илмий ҳисса қўшмаган бўлсалар-да Жюль Лемэтр и Эмиль Фаге ҳам иштирок этдилар, бу эса ўз навбатида қиёслаш фанига бўлган қизиқишни янада орттирди. Иккинчиси, Гастон Парис ва Ф.Брюнетьерлар раҳбарлик қилган тарихий-қиёсий адабиётшунослик шўъбаси Парижда бўлиб ўтган Биринчи жаҳон кўрғазмаси муносабати билан қиёсий тарих бўйича Халқаро конгресснинг фаолиятида иштирок этиши эди.

XX асрнинг илк йилларидан бошлаб қиёсий адабиётшунослик ўз тадқиқотлари мақсадини аниқ белгилаб ва уларни амалга ошира бориб, тез

¹² Космополитизм - дунё фуқароси бўлиш ғояси. Бунда бутун инсоният манфаатлари алоҳида миллат ва давлат манфаатларидан юқори қўйилади. Бу борада француз саёҳатчиси ва ёзувчи Фужере деМонброннинг 1750 йилда нашр этилган “Космополит ёки дунё Фуқароси” романи тилга олинади. Унда “дунё китобга ўхшайди, агар ким фақат ўз юртини билса, демак у китобнинг фақат биринчи саҳифасини ўқибди” деган мантиқий хулоса чиқарилган.

суръатларда ривожланди. Бунга, француз филологик ва тарихий мактабларининг асосчиси, таниқли олим Гюстав Лансоннинг (1857-1934) тарихий-адабий, илмий тадқиқотларида қўллаган янги методлар ҳам ижодий таъсир кўрсатди. Унинг Олий педагогик мактаб ва Сорбоннада ўқиган маърузаларида, мақола ва китобларида, айниқса “Француз адабиёти тарихи”да (1894) бир томондан Сент-Бёв ва Тэнларнинг, иккинчи томондан Брюнетьернинг адабий меросига янгича ёндашилган. Европа адабиёти тарихида биринчи бўлиб маълумотларни синчиклаб текшириш, уларнинг жиддий асосга эга бўлиши ва хилма-хил бўлиши, асарларни даврнинг тарихий-маданий фонида кўриб чиқиш, уларни ижтимоий ҳаёт билан боғлаш каби янги методологик тамойиллар қўлланилди. XIX асрнинг охиридан то Бедье и Азарларнинг асарларигача ёзилган кўплаб рисола ва ўқув қўлланма муаллифлари Абри, Одик и Крузе, Гранжар, Морнелар Лансон томонидан тадбиқ қилинган йўлдан борган эдилар. Табиийки, қиёсий адабиётшунослик 1910 йилдан кейинги изланишларида Лансон методологиясидан фойдаланди.

Кейинчалик уларнинг ишини Фернан Бальдансперже (1871-1958) давом эттирди. Унинг “Гёте Францияда” номли диссертацияси Европа компаративистлари диққатини ўзига жалб қилди. У 1907-1939 йиллар мобайнида “Адабиётлар тарихи бўйича тадқиқотлар” асари устида ишлади, 1924 йили эса “1789-1815 йиллар француз эмиграциясида ғоялар ҳаракати” китобини нашрдан чиқарди. Уларда чет эл адабиётининг француз адабиётига таъсири масаласи ёритилган. Лион университети ва Сорбонна профессори бўлган Бальдансперже, Европа қиёсий адабиётшунослиги ғояларининг энг фаол тарғиботчиларидан бири эди. Унинг илмий асарлари ҳам назарий, масалан, “Қиёсий адабиётшунослик: номланиш ва нарса” (1921), ҳам амалий муаммоларга бағишланган. Бундан ташқари у 1921 йилдан П.Азар билан ҳамкорликда “Revue de litterature compare” журналинини чоп эттиришни бошлади. Журнал ҳозирда ҳам Француз илмий тадқиқотлар миллий маркази ёрдамида ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Француз компаративизм мактабининг бошқа йирик вакили Поль Азар (1878-1944) эди. Сорбонна и Коллеж де Франснинг қиёсий адабиётшунослик кафедрасининг таниқли профессори бўлган олим асосан Франция ва Италия ўртасидаги адабий, маданий ва сиёсий алоқалар масалалари билан шуғулланган.

П.Азарнинг кейинги “Европа онгининг инқирози” асарида анъанавий диний эътиқодлар билан курашни, янги назарияларни яратишга бўлган интилишларни, ва ниҳоят одамлар психологиясидаги ўзгаришларни таҳлил қилади.

Асарнинг аҳамияти шундаки, унда Европа маданиятининг умумий

холати, француз компаративизми мактабининг энг яхши анъаналари рухида ёритилган. Шу мактаб доирасида П.Азардан кейин Лансоннинг ғоявий шогирди бўлган ва 1931 йилдан кейин Сорбоннанинг энг кўзга кўринган профессори бўлган Паул ван Тигемнинг номини айтиб ўтиш жоиз. Унинг “Оссиан Францияда” номли диссертацияси, чет эл адабиётининг француз адабиётига таъсирига бағишланган. 1924 йилда ван Тигем Европадаги адабий жараёнларни кенгроқ ўрганишга қаратилган тадқиқотларга киришди. Бунгача у асосан назарий муаммолар билан шуғулланган бўлиб, турли журналларда “Қиёсий адабиётшунослик тушунчаси” (1906), “Адабиёт тарихида синтез”, “Қиёсий адабиётшунослик ва умумжаҳон адабиёти” (1920) каби мақолаларини чоп эттирган эди. Унинг предромантизмни синтетик тарзда тадқиқ қилиш усули кўплаб олимларнинг эътиборини жалб қилди¹. Шу пайтларда у ўзининг 1940 йили чоп этилган “Европа ва Америка адабиётининг Уйғониш давридан ҳозирги кунларгача бўлган тарихи” китоби устида иш бошлади. Унда ривожланишнинг муайян давридаги пайдо бўлган буюк адабий оқимлар ва уларнинг бир пайтнинг ўзида Европанинг бир неча мамлакатларида содир бўлиши сабаблари таҳлилга тортилган. Ушбу асар ўз вақтида катта шуҳрат қозонди.

1928 йили ван Тигемнинг адиблар ҳақида муҳим маълумотлар, асарларидан парчалар келтирилган, уларнинг ғоявий-бадиий таҳлили берилган “Буюк чет эл адиблари” китоби нашрдан чиққан эди.¹³ Кейин “Европа адабиётида романтизм” (1948) китоби ва бир қатор мақолалари, жумладан, Шекспирни Европада кашф этилиши ҳақидаги мақолалари чоп этилди. Унинг қиёсий адабиётшунослик бўйича дарслиги (1931) 1951 йилгача тўрт марта қайта нашр қилинди.

Италияда қисий-адабий тадқиқотлар 1900 йилдан кейин ҳам юксак билимдонлик билан давом эттирилди (масалан, Е.Маддаленнинг 1906 йили нашрдан чиққан Лессинг ва Гольдониларнинг ижодий алоқаларига бағишланган тадқиқотлари).

Италиялик энг йирик тадқиқотчи, юқорида таъкидлаб ўтилган Артуро Фаринелли бўлиб, у бошқа асарлари қатори “Романтизм лотин оламида” (1927) китобини чоп эттирди. Китобда романтизм ва роман давлатлари ареалининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи асарлардан намуналар келтирилган. Китобда навбатма-навбатромантизм даври эстетикаси, фалсафаси ва дини кўриб чиқилган.

Маълумки, Гётенинг саъй-ҳаракатлари билан умумий адабиёт ўз ривожланишида илгарилаб кетди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, романтизм даврида ушбу фаннинг шаклланишида ака-ука Шлегеллар, Макс

¹³ Paul van Tieghem, *Le préromantisme. Etudes d'histoire littéraire européenne*, Paris, 1924 — 1948.

Кохнинг хизматлари катта бўлди. Урушдан кейин компаративистик тадқиқотлар янада кўпайди: Европа адабиётлари бўйича қиёсий тадқиқотлар олиб борилди, яъни уларнинг умумий жиҳатлари аниқланди, шу билан бир қаторда ҳар бир адабиётнинг жаҳон адабиёти фонида ўзига хосликлари ўрганилди. Олимларнинг диққат марказида (В.Мильх, Г.О.Бюргер, Г.В. Эппельсгеймер), асосан Ғарбий Европа мамлакатлари адабиёти бўлди.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин немис олимлари томонидан компаративистика, эстетика ва тарих бўйича чиқарган китоблари орасида иккита китоб алоҳида ажралиб туради, булар, умумевропа миқёсида тан олинган Е.Р.Курциуснинг Европа адабиёти ва лотин ўрта асрлари ҳақидаги (1948) асари ва Ауэрбахнинг «Мимесис» (1946) асарларидир. Романнавис, адабиёт тарихчиси ва маданият файласуфи бўлган Курциус, шубҳасиз 1914-1930 йилларда француз маданияти ва адабиётини Германияда тарқатиш ва талқин қилиш бўйича энг йирик мутахассис бўлган.

Бу соҳада, Брюнетьернинг француз танқидчилигидаги ўрни ҳақидаги диссертациясидан¹⁴ бошлаб “Франция, француз маданиятига кириш” (1930) асаригача, кўплаб тадқиқотларнинг муаллифи эди. Унинг тадқиқотлари моҳиятан олганда Европанинг антик даврдан ўрта асрларга ўтиш, шунингдек ўрта асрлар маданиятига бағишланган. Карциус синтезга мойил бўлишига қарамай, филолог-тадқиқотчи сифатида қатъий интизомга бўйсунгани учун, доимо тарихий фактларга асосланган.

Ауэрбахнинг «Мимесис»² асари — стилистик тадқиқотнинг типик намунаси бўлиб, унда қисқа адабий парчалар майда-чуда деталларигача, тафсилотларигача қамраб олиниб таҳлил қилинган, Ғарбий Европа адабиёти ривожланишининг ўрта асрлардан давримизгача бўлган тарихий манзараси тўлақонли тасвирланган. Муаллиф иккита соҳа (бир томонда ғоя ва ҳис-туйғулар, иккинчи томонда “аниқ воқеликнинг имитацияси”) ва уларни ифодаловчи иккита услубни (юксак адабий ва бемаза, тутуриқсиз, комик услублар) ажратиб кўрсатиб, улар ўрта асрлар ва XIX асрда икки марта туташганлигини асослайди.

Германияда қиёсий адабиётшуносликнинг ривожланиши Тюринген университетининг профессори Курт Вайснинг ҳиссаси катта бўлди. 1939 йили замонавий Европа адабиёти ҳақида бир қатор олимлар билан ҳаммуаллифликда чоп этилган мақолалар тўпламида, у миллий адабиётларни кўшиш методини қўллади. Машҳур олим нафақат қиёсий адабиётшуносликка мурожаат қилиш кераклиги ҳақида таъкидлади, шу билан биргаликда адабиёт тарихи бўйича ҳар қандай тадқиқотда унинг

¹⁴ E.R.Curtius, Ferdinand Brunetière; ein Beitrag zur Geschichte der französischen Kritik, 1914.

мавжудлигини ва мисол тариқасида немис символизмининг француз романитизми билан боғлиқлигини қайд қилди. Шунингдек, унинг муҳаррирлиги остида “Тарихий-қиёсий адабиётшунослик тадқиқотларининг муаммолари” (1951) туркуми нашрдан чиқарилди. Роман филологик мактаби ва француз компаративизмининг (Бальдансперже) тарбияланувчиси бўлган Курт Вайс ғарб ўрта асрлари муаммоларига, жумладан Ғарбий Европа эпик асарлари ва “Nibelungenlied” (“Нибелунглар ҳақида кўшиқ”)нинг ўзаро муносабатлари масаласига бир неча бор мурожаат қилди. Кейинроқ у Мародан Валеригача бўлган француз лирикасини, шунингдек Лотин Америкаси шоирлари Ромуло Гальегос ва Габриела Мистралларнинг ижодини ўрганди. Фриц Штрихнинг назарий асарлари, масалан унинг “Адабиёт ҳақида фаннинг фалсафаси” (1930) тўпламида чоп этилган “Жаҳон адабиёти ва қиёсий-тарихий адабиётшунослик” бўйича тадқиқотлари, шунингдек “Гёте ва умумжаҳон адабиёти” (1946) асари муҳим воқелик бўлди.

Германиянинг Бонн университети профессори, “Arcadia” журналининг директори Хорст Рюдигер раҳбарлик қилган компаративистлар Ассоциацияси ташкил қилинди. Германияда Иккинчи жаҳон урушидан кейин олиб борилган компаративистик тадқиқотлар асосан Ғарбий Европа адабиётларини қамраб олган эди.

АҚШда қиёсий адабиётшуносликнинг ривожланиши профессор Ирвинг Бэббит XX аср бўсағасида Колумбия и Гарвард университетларида унга бағишланган маърузалар ўқиган даврдан бошланди. Америка компаративизмига француз мактабининг, айниқса икки жаҳон уруши ўрталарида бу ерда маърузалар ўқиган ва В.П.Фридерих билан бирга библиография фанини асослаган (1950) Бальдансперженинг таъсири катта бўлди. Гарвард университети адабиётларни қиёсий ўрганиш кафедраси билан бир қаторда Рене Уэллек дарс бераётган Йель университетида ҳам янги кафедра пайдо бўлди.

Америка компаративизми илк даврларда асосан маҳаллий адабиётга таянди, чунки Фолкнер, Хемингуэй, Дос Пассос ижоди чет элларда ҳам машҳур эди. Секин-аста Америка компаративизмининг диққат-эътибори Европа адабиётига ҳам қаратила бошлади. Бу ерга Европа мамлакатларидан келган Ж. А. Боргезе, Америке Кастро, Лео Шпицер, Роман Якобсон каби олимлар адабиётшунослик фанлари, жумладан компаративизмнинг тараққиётига муносиб хисса қўшдилар. Ихтисослик бўйича мақолаларни чоп этувчи “Comparative Literature” журнали чиқа бошлади.

Америклик компаративистлар адабиёт назарияси ва стилистикани қиёсий методлар фаол қўлланиладиган икки соҳа деб билдилар. Уэллек ва

Уорреннинг кенг тарқалган “Адабиёт назарияси” (1949)да бир боб тўлиққиёсий адабиётшунослик ва унинг “миллий, умумий ва умумжаҳон адабиётлари” билан алоқаларига бағишланган.Моҳирона таҳлил натижасида бу ерда кўплаб тушунча ва уларнинг ўзаро алоқаларига аниқликлар киритилди. Китобда қиёсий адабиётшунослик узоқ вақтлардан буён фольклор халқ ижодиёти ва ёзма адабиётнинг ўзаро таъсирига оид тадқиқотларга катта қизиқиш билан қараётгани таъкидланиши билан бирга француз компаративистика мактаби асосан икки томонлама, баъзан кўп томонлама таъсирни ўрганланлиги учун бир ёқлама чекланган хулосаларга келинганлиги ҳақида фикр юритилади.

Японияда қиёсий адабиётшунослик асосан 1868-1912 йилларда, Ғарбий Европа мамлакатлари билан алоқалар кенгайиши даврида ривожланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро алоқаларнинг ривожланиши натижасида кўплаб чет эл адабиёти асарлари япон тилига ўтирилди (Ҳозирда ҳам Япония асарларни таржима қилиш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди), 1948 йили эса компаративистларнинг Япон миллий жамияти ташкил этилди. Жамият ҳар чорақда бюллетень и журнал чиқара бошлади. 1953 йили Токио университетида адабиётни қиёсий-тарихий тадқиқ этиш Институти очилди. Япон компаративистлари инглиз, итальян ва француз шеъриятининг япон адабиётига таъсири, шунингдек япон адабиётини хитой ва буддавийлик адабиёти билан алоқаларини аниқлаш масалаларига алоҳида этибор қаратдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияда адабиёт ва адабиётшунослик жадал ривожланди. Россия мифологик мактабининг асосчиси академик Ф.И.Буслаев (1818-1897), қиёсий мифологик мактаб вакили А.Н.Афанасьев (1826-1871), маданий-тарихий мактаб вакили А.Н.Пипин (1833-1904), адабиётшуносликнинг психологик йўналишига мансуб А.А.Потебня (1835-1891) сингари олимларнинг фаолияти шу даврга тўғри келади.Уларнинг орасида жаҳон адабиётшунослик илмига кўрсатган таъсири жиҳатидан академик А.Н.Веселовский (1839-1906) алоҳида мавқега эга. Олим илмий фаолиятининг чўққиси “Тарихий поэтика” асари ҳисобланади. Ўрта асрлар адабиётини чуқур ўрганган олим жаҳон адабиёти ривожининг қонуниятлари билан қизиқди. А.Н.Веселовский тарихий поэтика асосини “Поэтик тафаккур ва унинг шакллари эволюцияси”ни ўрганишда кўрди. Олим ўз тадиқиқотларида адабий ҳодисаларни уларни юзага келтирган шароит билан муштарак эканлигини асосий тамойил сифатида белгилади. Веселовский адабий ҳодисанинг шаклий жиҳатларига эмас, унинг кириб борган адабий муҳитдаги ўрни, янги маъно касб этиши, унга бўлган муносабатларга асосий эътибор қаратади. Веселовский адабиёт тарихини жамият тафаккури тарихи

дея эътироф этади. Олим адабиётни маданиятнинг узвий бўлаги сифатида талқин этади. У яшаган даврда адабиёт тарихининг методологик асослари ишлаб чиқилмаган эди. Унинг “Адабиёт тарихининг фан сифатидаги методи ва вазифалари” номли тадқиқоти ҳозирги кунда ҳам ўз илмий аҳамиятини сақлаб қолган. А.Н.Веселовский поэтик жанрлар эволюциясини ўрганар экан, диққатни поэзиянинг ибтидоий шаклларига қаратди ва унинг дастлабки кўринишлари синкретик (қоришиқ) ҳолатда бўлганлигини исботлаб кўрсатди. У илк поэзия намуналарининг реал ҳаёт билан боғлиқ жиҳатларига эътибор қилди. Кейинчалик эса тараққиётнинг ва поэтик тафаккурнинг аста-секин ривожланиши натижасида поэтик жанрларнинг дифференцияси бошланди. Бу жараёнда лириканинг ажралиб чиқишини олим индивидуал психиканинг узоқ давом этган ривожланиши билан боғлайди. Бир сўз билан айтганда, Веселовский “Тарихий поэтика” асари орқали жаҳон адабиётининг умумий назариясини яратмоқчи ва адабий жараённинг ички ривожланиш қонуниятларини кўрсатмоқчи бўлди. Афсуски, унинг фундаментал тадқиқоти яқунламай қолган.

Қиёсий адабиётшуносликнинг ривожда академик В.М.Жирмунскийнинг (1891-1971) хизматлари беқиёс. Унинг адабий таъсир ва адабий ўзлашмалар масалалари ёритилган “Байрон ва Пушкин” (1924) рисоласи бадиий асарнинг ўзига хос жиҳатларини тушунишга, муаллифнинг ижодий индивидуаллигини белгилашга хизмат қилади. Жирмунский адабий ҳодисаларнинг юзага келишини жамиятнинг маънавий эҳтиёжлари туфайли деб баҳолайди. Ва бу борадаги назарий қарашлари акс этган қатор илмий иш ва мақолалар эълон қилади. Айниқса, “Қиёсий адабиётшунослик ва адабий таъсир муаммолари” (1935) тадқиқоти тарихий адабий жараённидаги ўхшашлик жамиятнинг ижтимоий- тарихий ривожланиши билан боғлиқлиги тўғрисида концепцияни илгари сурганлиги билан муҳим аҳамият касб этди. Маълумки, қиёсий-тарихий методнинг В.М.Жирмунскийгача бўлган вакиллари адабий ҳодисаларнинг ўхшашлиги масаласини фақат бевосита адабий алоқалардагини кўрадилар. В.М.Жирмунский эса шундай ёзади: “Айни шу нуқтаи назардан биз ижтимоий-тарихий тараққиётнинг бир хил ривожланиш босқичида пайдо бўладиган ўзаро ўхшаш адабий ҳодисаларни улар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг борлиги ёхуд йўқлигидан қатъи назар бемалол қиёслаш оламиз ва қиёсий ўрганишимиз зарур ҳам”.

В.М.Жирмунский қиёсий адабиётшуносликнинг мақсад ва вазифаларини жаҳон адабиётининг умумий ривожланиш қонуниятларини ўрганишда кўрди. Унинг фикрича, типологик алоқалар конкрет билвосита алоқаларни ёхуд адабий таъсирни инкор этмайди. Миллий адабиётларга

халқаро адабий алоқаларнинг кириб келиши адабий муҳитда унга бўлган талаб ва эҳтиёждан дарак беради. Айни пайтда, олимнинг ёзишига кўра, ҳар қандай адабий таъсир янги муҳитда унинг шароити ва талабаларига мослашади. Шу билан бирга, ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши натижасида турли ижтимоий формацияларда турли адабий таъсир вужудга келади. Қиёсий-тарихий метод умумжаҳон адабий жараёнини тадқиқ этганда ижтимоий-тарихий тараққиётнинг ривожланиш қонуниятларига асосланади. Чунки тарихий жараён ҳар бир географик минтақа доирасида ўзига хос белгиларга эга бўлгани ҳолда, бир қатор умумий қонуниятларга ҳам эгаки, айнан шу қонуниятлардан келиб чиқиб, турли халқлар адабиётларини қиёсий аспектда ўрганиш мумкин.

Адабиётшунос “А.Навоий ва Шарқ адабиётида Ренессанс муаммоси” мақоласида шоир асарларида кўтарилган ижтимоий ахлоқий масалалари Ғарбда ҳам ўша давр кун тартибидаги долзарб масалалардан эканлигини асослаб, А.Навоий ғоялари Ғарб мутафаккирларининг ғоялари билан ҳамоҳанг эканлигини таъкидлайди. Бу билан А.Навоий ижодини жаҳон адабиёти аренасида ўрганиш учун кенг йўл очади. Масаланинг яна бир ғоят муҳим жиҳати шундаки, шоир ижодий мероси Шарқ уйғониш контекстида ўрганилган. Олимнинг ушбу мақоласи навоийшуносликда биринчи марта Алишер Навоий ижоди кенг планда, қиёсий аспектда тадқиқ этилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

XX аср адабиётида шарқшунос олим Н.И.Конраднинг (1891-1970) илмий изланишлари муҳим аҳамиятга эга. У қиёсий адабиётшуносликнинг назарий муаммолари билан жиддий шуғулланди. “Қиёсий адабиётшуносликнинг замонавий муаммолари” (1959) мақоласида замонавий адабиётнинг икки унсурдан-миллий адабиёт намуналари ва таржима қилинган адабий асарлардан иборат эканлигини эътироф этади. Шунингдек, таржима асари ва таржима муаммолари, таржиманинг ижодий иш маҳсули эканлиги миллий адабиётларнинг тараққиёт йўллари бир хил эмаслиги, уларнинг ривожланишдаги ўзига хос жиҳатлари ҳақида мушоҳада юритади. “Бир адабиётнинг иккинчи бир адабиётга кириб боришида асосий восита таржимадир. Бироқ таржимон фақатгина воситачи эмас. Ўзга тилда ёзилган адабий асарни она тилида қайта яратиш-бу ҳамма вақт ижодий ишдир. Таржима асарларининг пайдо бўлиши у ёки бу даражада адабиётни бойитади”.

XX асрда Шарқий Европа давлатларида қиёсий адабиётшунослик етарли даражада ривожланди. Айниқса рус адабиётшунослари Р.М.Самарин, И.И.Анисимов, В.М.Жирмунский, М.П.Алексеев, В.И.Кулешов, Н.И.Конрад, И.Г.Неупокоева, Б.Г.Реизов, Т.Л.Мотилёвалар бу борада етакчилик

килдилар. Улар томонидан кўплаб умумметодологик, назарий ва амалий масалаларга бағишланган тўпламлар чиқарилди.

Масалан, 1961-1968 йилларда турли миллий адабиётларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсирига бағишланган каттагина ҳажмдаги китоблар чиқарилди.

Рус компаративизми аввало Ал. Веселовский мактаби бошлаб берган ўз анъаналарига эга. Қиёсий фольклористика соҳасининг йирик мутахассиси, жаҳонга танилган олим Ал. Веселовский халқаро “сайёр” сюжетлар, мотивларга катта эътибор қаратган. Рус қиёсий адабиётшунослиги тадқиқот методларини янгилаб, ўзи учун янги, самарали усулларни танлади. Евроцентризмга қарши чиққан Н.И.Конрад, қиёсий-тарихий тадқиқотлар доирасига Шарқ ва бутун дунё халқлари маданиятини киритишни таклиф қилганда, бу нуқтаи назар дунё олимлари, аввало йирик мутахассис Рене Этиембле томонидан қўллаб-қувватланди. Шу пайтгача тадқиқотчиларнинг диққат марказида четда қолган, Шарқий Европани камраб олиш ғояси ҳам қўллаб-қувватланди. Кейин замон чегараларини кенгайтириш масаласи юзага чиқди, чунки ғарб компаративизми асосан Уйғонишдан кейинги даврни ўрганган эди.

Ҳозирда Европада ўрта асрлар маданиятига бўлган қизиқиш ортди, диққатга сазовор жойи шундаки, бунда нафақат унинг антик даврнинг лотин тили ва маданияти билан боғлиқ меросга, балки бошқа тиллар, масалан, санскрит, юнон, славян, хитой, форс, араб тиллари доирасида пайдо бўлган ўзаро муносабатларга ҳам кенг эътибор берилмоқда. Рус фани қиёсий адабиётшуносликнинг турли соҳаларида: тарихий-маданий умумийлик доирасидаги миллий адабиётларнинг ўзаро муносабатлари, тарихий алоқалари бўлмаган адабий ҳодисаларни боғловчи қиёсий-типологик муносабатларда, ва ниҳоят адабиётлар доирасидаги ўзаро таъсир масалалари бўйича баъзи қонуниятларни аниқлашда ҳам изчил тадқиқотлар олиб бормоқда.

1970 йили Бордо шаҳрида бўлиб ўтган конгрессда рус олимларидан бири В.М.Жирмунский эътиборини “Ўрта асрлар адабиёти қиёсий адабиётшуносликнинг муаммоси сифатида” масаласига қаратган бўлса, М.П.Алексеев “Плюрилингвизм ва адабий ижод”, Н.И.Балашов “Қиёсий адабиётшуносликда тизимли муносабатларнинг ижтимоий аспекти”, К.Н.Грегорьян “Верлен шеърляти Россияда” мавзуларида чиқишлар килдилар.

Шундай қилиб, бизда фанни ривожланиш жараёнидаги бирлиги ҳақида гапиришга асос йўқ. Айнан нуқтаи назарларнинг хилма-хиллиги фаннинг мураккаблигидан далолат беради. Баъзи қиёсий

адабиётшуносликнинг ривожланиши ҳақидаги умумлаштирувчи маълумотларда фанни жаҳон миқёсидаги аҳамияти ҳақида гапирилса, бошқаларида ҳар бир мамлакат доираси билан чегараланилади. Масалан, тарихий анъаналарига эга бўлган француз мактабига қарама-қарши кўйиладиган гўё асосий эътиборини эстетик изланишларга бағишлаган Америка мактаби ҳақида гапирилади. Рене Этиембль ўзининг ўткир мунозараларга сабабчи бўлган “*Comparaison n'est pas raison*” (Қиёслаш далил эмас) эссесиди, шунингдек “*Revue de littérature comparée*” журналида чоп этилган мақолаларида, аниқ шаклланган мактабларнинг, бошқаларидан ажралиб турадиган нуқтаи назарлар йўқлиги ҳақида ёзган эди. Француз тарихий мактаби доирасида ҳам қиёсий поэтика, ҳам қиёсий социология бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Жак Вуазиннинг “Жан-Жак Руссо Англияда” (1778-1830 йиллар), Родье шу мавзудаги китоби (1750-1778 йиллар), ёки Ролан Мортъенинг “Дидро Германияда” (1954) мавзусига бағишланган асари, Этиемблем бошлаб берган стилистика ва поэтикага бағишланган асарлари билан бир қаторда туради. Этиемблнинг ўзи француз компаративистикада турли-туманлик учун курашди.

Қиёсий адабиётшуносликнинг ривожланишига компаративистика бўйича ўтказилган халқаро съездлар ва конгрессларнинг таъсири катта бўлди. 1948 йили Парижда ўтказилган адабиёт тарихи бўйича Халқаро комиссиянинг IV съезди, Оксфорд, Гейдельберг, Льеж, Нью-Йорк ва Страсбургда бўлиб ўтган замонавий тиллар ва адабиётлар Халқаро федерациясининг конгресслари, компаративистика бўйича Халқаро ассоциация томонидан Венеция, Чепел-Хилл, Утрехт, Фрибург (Швейцария), Белградда (1958-1967) ташкилланган конгресслар тадқиқотларни янги босқичга кўтарди.

Ҳар ҳолда битта нарса аниқ: дунёдаги барча компаративистларнинг ҳамкорликка интилиши хали-хануз жуда ҳам камлик қилади. 1970 йили Бордода бўлиб ўтган конгрессга дунёнинг турли бурчакларидан кўплаб иштирокчилар (26 тилда сўзлашувчи 400 нафар) етиб келди. Диққатга сазовор жой шунда бўлдики, қатнашчиларнинг 33% Шарқ мамлакатларидан эди.

Маъруза ва чиқишларда асосан икки мавзу ёритилди: “Адабиёт ва жамият, структура ва коммуникациялар масалалари” ва “Ўрта ер денгизи адабиётлари, мерос ва янгиланиш”. Бу масалалар бўйича юздан ортиқ чиқишлар бўлди.

Қиёсий адабиётшуносликнинг ривожланишида румин тадқиқотчиси Александр Диманинг ҳам ўрни бор. Унинг 1969 йилда нашр этилган “Қиёсий адабиётшунослик тамойиллари” асари компаративистика тарихи ва

назариясига оид муҳим манбалардан бири ҳисобланади. А.Дима қиёсий адабиётшуносликнинг вазифаси уч турдаги ҳодисаларни ўрганишдан иборат деган хулосага келади. Олим адабиётлар ўртасидаги тўғридан – тўғри алоқалар (таржима, таъсир, ўзлаштира); типологик ўхшашликлар (генетик қардошликда бўлмаган, лекин маълум бир мавзу, мифлар, образлар, жанрлар, ўхшаш адабий оқимларни тадқиқ этишда намоён бўлувчи); миллий адабиётларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш соҳанинг асосий вазифасидеб ҳисоблайди.

А.Дима қиёсий адабиётшуносликнинг алоҳида “фандаги фан” эмас, унинг қисмларидан бири деб билади. Қиёсий адабиётшунослик ўзининг адабий ҳодисаларига ёндашув услубларига эга холос. Олим П.ван Тигемнинг қиёсий адабиётшуносликни умумжаҳон адабиётини ўрганишга сингдириб юбориш лозимлиги ҳақидаги қарашларига қарши чиқади. Чунки улар ўрганишнинг турлича предмети ва мақсадларига эга. Умумжаҳон адабиёти Реннсанс, барокко, реализм сингари дунё миқёсидаги универсал ҳодисаларга таянади. Қиёсий адабиётшуносликнинг мақсади эса қонуниятларни аниқлаб, уларни тарқалиш йўллари кўрсатиб бериш билан белгиланади.

XX асрнинг иккинчи ярми компаративистика тараққиётида словак адабиётшуноси Диониз Дюришин (1924-1997) назарий қарашлари муҳим ўрин тутди. Унинг “Словак реалистик ҳикояси ва Н.В.Гоголь” (1966), “Адабий компаративистика масалалари” (1967), “Адабий компаративистика тарихи ва назарияси” (1970), “Адабиётни қиёсий ўрганиш назарияси” (1975), “Жаҳон адабиёти нима?” (1992), “Адабиётлараро жараёнлар назарияси” (1995) сингари асарларида соҳанинг назарий ва методологик масалалари чуқур тадқиқ этилган.

Д.Дюришин компаративистикани адабиёт тарихи, адабиёт назарияси сингари мустақил фан деб эмас, балки адабиётшунослик олдида турган умумий мақсадларга эришиш йўлидаги тадқиқ аспектларидан бири деб баҳолайди. У адабий алоқаларни икки катта гуруҳга -контакт- генетик алоқалар ва типологик ўхшашликларга ажратади. Д.Дюришин таърифи бўйича адабиётларни қиёсий ўрганиш адабий жараёнинг хусусий ва умумий қонуниятларини тадқиқ этишдан иборат. Бунда қонуниятларнинг биринчи гуруҳи (хусусий) генетик- контакт тадқиқотлар, иккинчиси- (умумий) типологик тадқиқотларга дахлдор бўлади.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам XX аср давомида қиёсий-тарихий йўналишда бир қатор эътиборга молик тадқиқотлар юзага келди. Уларда ўзбек адабиёти минтақадаги қардош халқлар адабиёти намуналари билан қиёсий ўрганилиб, бир қатор назарий умумлашмалар чиқарилган. Масалан, Э.Рустамовнинг ўзбек мумтоз адабиётини Шарқ халқлари адабиётлари билан

қиёсий тадқиқ этган докторлик иши ҳозирга қадар ўз илмий аҳамиятини сақлаб келмоқда¹⁵. Шунингдек, Алишер Навоий “Хамса”си дostonлари қиёсий тадқиқ этилган бир қатор тадқиқотлар ҳам мавжуд. Биз бу ўринда қиёсий адабиётшуносликни янги ғоялар билан бойитган словакиялик машхур адабиётшунос Д.Дюришин билан ҳамкорликда чоп этилган тўпламни қайд этишни лозим деб биламиз¹⁶. Тўпламдан хориж ва ўзбек олимларининг қизиқарли мақолалари ўрин олган. Уларда адабиёт тарихи, ўзбек адабиётининг XX аср арафасидаги қиёфаси, собиқ Иттифоқ халқлари адабиётларини қиёсий ўрганиш муаммоларига оид эътиборга молик фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бу тўплам орқали ўзбек олимлари халқаро миқёсга чиқдилар¹⁷.

Ўзбек қиёсий адабиётшунослигида Фозила Сулаймонова(1919-2011)нинг “Шарқ ва Ғарб” номли монографияси(1997) муҳим аҳамиятга эга. Кўп йиллик изланиш самараси бўлган тадқиқотда Марказий Шарқ мамлакатлари халқлари билан қадимий Юнонистон, Марказий Греция халқлари маданияти, мифологияси, фани, фалсафасида муштараклик борлиги, зардуштийлик дини ва унинг Иония, у орқали Греция маданиятига таъсири, грек адабиётида Марказий Осиё мавзуи ва македониялик Александр юришлари, жағонгир образининг тарихий, диний ва бадий адабиётидаги талқини ёритилади.

Китобнинг иккинчи қисмида ўрта асрларда араблар томонидан Испаниянинг босиб олиниши, мамлакатда илғор Шарқ, айниқса, Марказий Осиё маданияти, илм-фани, шеърият ва насрий асарларнинг минтақада ривожланиши, чегарадош Франция ва Италияга таъсири натижасида Европа мамлакатларида маданият ҳамда турлифанлар билан бирга дунёвий мазмундаги шеъриятнинг тараққий этиши ва ниҳоят буюк адиб Данте ижодига Шарқ таъсири масалалари ёритилган.

¹⁵ Рустамов Э. Некоторые вопросы сравнительного изучения узбекской литературы XVвека с другими восточными литературами. АДД Ташкент. 1996

¹⁶ Особые межлитературные общности.5. Ташкент, 1993

¹⁷ Эшонбобоев А. Қиёсий – тарихий метод ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти 2008 йил 4-сон.-б. 45.

АДАБИЁТШУНОСЛИКДА “ЖАҲОН АДАБИЁТИ” КОНЦЕПЦИЯСИ

Одатда филологлар, аниқ фанлардаги атамалардан фарқли равишда, адабиётшунослик атамаларининг кўп маъноли, мураккаб, ўзгарувчан, баъзан эса бир-бирига тўғри келмайдиган маънога эга бўлишини қайд қиладилар. Аммо адабиёт назариясида ҳам, тарихида ҳам маълум даражадаги исботсиз қабул қилинадиган тушунчалар борки, улар ўз параметрларида ва маъноларида етарли даражада аниқ шаклланган. *Weltliteratur* – жаҳон адабиёти ана шундай тушунчалардан бири. ҳисобланади.

“Жаҳон адабиёти” тушунчаси ўз вақтида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Бу фан XIX асрда тўлиқ шаклланди. XX аср бошларидаёқ илк бора Гёте томонида истеъмолга киритилган “*Weltliteratur*” (“жаҳон адабиёти”) ибораси тез-тез ишлатила бошладики, бу энди жаҳон адабиёти биринчи даражали аҳамият касб этаётгани, миллий адабиётлар эса ўз аҳамиятини йўқотаётганини англатарди.

Гёте айтган фикрнинг биринчи қисми ҳақиқатга яқин бўлиши мумкин, чунки XIX асрдан бошлаб дунё бўйлаб, шу жумладан Европа мамлакатларида ҳам, моддий ва маънавий бойликлар билан ўртоқлашиш жараёни кучая бошлади. Бироқ миллий адабиётлар ўз аҳамиятини йўқота бошлаганлиги ҳақидаги фикрга қўшилиш қийин. Чунки айнан шу даврда миллий мафкура ривожлана бошлаган, миллатларнинг шаклланиши ва ривожланиши давомида дунё халқлари адабиётларида ҳам чегаралар белгиланган эди. Ҳақиқатан ҳам XIX асрда бир вақтнинг ўзида ҳам жаҳон, ҳам миллий адабий онгнинг ривожланиши, бир-бирига яқинлашиши кузатилган бўлса, иккинчи томондан адабиётларнинг аниқ чегаралари белгиланди.

Албатта, адабиётларни универсаллаштириш жараёни универсал шуурнинг пайдо бўлиши билан бир вақтда содир бўлмаган. Адабиётларни универсаллаштириш жуда қадимдан, аниқроғи антик даврлардан бошланган. Узоқ ва Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Европада ўша пайтлардаёқ маданий бойликлар билан фаол алмашиб турувчи катта-катта худудлар мавжуд бўлган. Осиёнинг энг чекка чегараларигача, нафақат фольклор, шу билан бирга адабий асарлар ҳам кенг тарқалди. Маданий бойликларнинг кўчиб юриши Яқин Шарқ мамлакатларида – Мисрдан Фаластингача ҳам содир бўлар эди. Европада эса аввал қадимги юнон адабиёти тўлақонли ҳукмронлик қилган бўлса, кейинроқ ундан андаза олган, лекин ўзига хослигини сақлаб қолган лотин адабиёти пайдо бўлди. Европанинг ғарбида лотин тили, шарқида эса славян ва юнон тиллари кенг ёйилган Ўрта асрларда, адабиётнинг шак-шубҳасиз универсаллашиш даври бўлди.

Уйғониш давридан кейин пайдо бўлган, жумладан – классицизм, маърифатчилик, романтизм, реализмдан модернизм ва постмодернизмгача, кўпдан кўп оқим ва йўналишлар ҳам ўз моҳиятига кўра универсалдир. Бироқ бу универсаллик турли даврларда – антик, ўрта асрлардан бошлаб, ҳозирги вақтларгача бир хилда бўлмаган, уларнинг фақат маълум бир қирралари даврдан даврга кўчган.

“Жаҳон адабиёти”нинг пайдо бўлиши миллий адабиётлар билан қиёслаганда янги босқични бошлаб берди. Таъкидлаш жоизки, умумийликни миллийликка қарама-қарши қўймаслик керак. Бу ҳолда адабий жараён ҳодисаларини барчасини, мисол учун миллий аспектга эга бўлмаган антик давр адабиётини қамраб олиб бўлмайди.

Жаҳон адабиёти, шунчаки маҳаллий ёки миллий адабиётларнинг йиғиндиси эмас. Ваҳоланки, бундай қарашлар жуда ҳам кенг тарқалган бўлиб, кўплаб тадқиқотларда, жумладан, В.Шлегел (1801 — 1804)нинг маърузаларидан бошлаб О.Вальцел ёки К.Вайс, Юлиус Харт, П.Виглер, Жакомо Прампoliniларнинг адабиёти тарихига оид асарларида, Раймон Кено раҳбарлигича чоп этилган “Плеяда” энциклопедиясида” ҳам учрайди. Жаҳон адабиётини бу маънода тушуниш ҳозирги кунларда ҳам, аввало Европа адабиёти тарихига оид асарларда учраб туради-ки, буни эски европоцентрик концепциянинг асорати деб қабул қилиш мумкин, гарчи давримиз, умумжаҳон-тарихий характерга эга эканлиги барчага аён. 1967 йили Белградда бўлиб ўтган қиёсий адабиётшунослик бўйича халқаро конгрессда янги Европа адабиётлари тарихини, яъни Европа тилларидаги, табиийки, Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия, ва қисман Африка ва Осиё адабиётларини қамраб олувчи адабиёт тарихини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Жаҳон адабиёти нафақат мустақкам ва қадимги маданий анъаналарга эга “буюк”(яъни кўп сонли) халқларнинг адабиётини, энг янги ва тўғри концепцияга мувофиқ Р.Ҳамзатов, Д.Кугултинов, Ленау, Андерсена, Петефи, Эминеску асарлари билан жаҳон адабиёти хазинасига катта ҳисса қўшган “кам сонли” халқлар адабиётини ҳам бирлаштиради. Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда Европа компаративистикаси “кам сонли” халқлар адабиётини ўрганишга катта эътибор қаратмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жаҳон адабиёти миллий, маҳаллий адабиётлар билан қиёслаганда янги босқич ҳисобланади, бироқ бу миллий адабиётларнинг ўзига хос хусусиятларига беписанд қараш керак дегани эмас, албатта, чунки моҳиятан олганда айнан улар умумийликнинг асосини ташкил қилади. Гап хусусийликни бартараф этишнинг бошқа шакллари, айнан адабий ҳодисани битта лингвистик ва услубий доирадан чиқиб, бошқаларга

тарқалиши ҳақида бормокда. Аммо шу ўринда битта масалага аниқлик киритиш лозим бўлади. Франсуа Рабле, де Костер, Г.Г.Маркес, Ч.Айтматов каби буюк адиблар миллий санъатнинг ўзига хос бойликларидан моҳирона фойдалана олганликлари учун дунёга машҳур бўлдилар, ўзига хос хусусиятларни суистеъмол қилиш акстаъсирга олиб келиши мумкин. Бу биринчи навбатда шеваларда ёзилган адабий асарларга тегишли бўлиб, улар тили ва этнографик жихатидан ажралиб қолгани сабабли жаҳон адабиёти даврасига кира олмайди. Бинобарин, у ёки бу миллатга хос бўлган кадриятлар халқаро миқёсда тан олиниши учун хусусийлик ва умумийликнинг ўзаро нисбатини белгилашга янгича ёндашиш керак бўлади.

Шу билан бирга, “Жаҳон адабиёти асарлари юксак ғоявий йўналиши билан ажралиб туради. Айнан шу сабабли ижодкор қанчалик “бетараф, холис” бўлса, асарларининг машҳурлик даражаси шунчалик паст бўлади, шунчалик кам ўқилади”¹⁸.

Ўз ўзидан равшанки, жаҳон адабиётининг фазилатлари унинг структуралари, таркибий қисмларининг бадиий юксаклигига боғлиқ бўлади. Қизиқарли сюжет, жонли ва ифодали тил, услуб, образларнинг ёрқин характери, ўзига хос шеър тузилиши асарни мамлакат ташқарисига чиқиб, машҳур бўлишига замин тайёрлайди.

У ёки бу ижод намунаси универсаллик даражаси мезонига жавоб бериши учун, уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга структуралари бир-бирига ўхшаш бўлган асарлар, оқимлар, бир даврда ёки бир-бирига ўхшаш, яқин ижтимоий-иқтисодий шароитларда, бир вақтда пайдо бўлиб ижод қилган ёзувчилар киритилиб, уларни универсал деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Бошқа адабиётларга ижодкорнинг шахси туфайли, ёки асарга сингдирилган ғоя ёки ҳис-туйғулар сабаб, ёки юксак бадиий савияси билан катта таъсир кўрсатиб, дунё бўйлаб тарқалган асарлар иккинчи гуруҳга алоқадор бўлади. Ва ниҳоят, ўз лингвистик ҳудудидан нафақат тарқалиш жараёнлари сабабли, шу билан бирга юксак ғоявий-бадиий даражага эга бўлган ҳодисалар универсал саналади.

Албатта, конкрет-тарихий вазиятларда кўпинча бу мезонлар мураккаблашиб, бир-бирлари билан аралашиб кетади: масалан, умумжаҳон адабий йўналишлари ҳам ўхшаш ижтимоий-тарихий шарт-шароитларда, ҳам ўзаро таъсирлар, ҳам асарларнинг кенг тарқалиши оқибатида пайдо бўлади. Бироқ адабиёт тарихида универсаллик учун дастлабки замин “соф ҳолда” бўлган мисолларни ҳам келтириш мумкин.

“Жаҳон адабиёти” тушунчаси кўпинча “қиёсий адабиётшунослик” билан

¹⁸ A. Dima, Conceptul de literatură universală și comparată, București, Editura Academiei R. S. Romania, 1967, p. 13

бир қаторга қўйилади. Улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни кўриб чиқамиз.

Жаҳон адабиётининг қиёсий адабиётшуносликда ҳам ўрганиладиган энг муҳим масалалари орасида, ўзаро таъсир ва типологик ўхшашликлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бироқ, олдиндан айтиб қўйиш мумкин-ки, ҳар икки фаннинг ушбу масалаларга бўлган ёндашуви бир-биридан тубдан фарқ қилади. Жаҳон адабиёти доирасида ўзаро таъсир ва типологик ўхшашликлар фақатгина универсалликнинг мезони сифатида ўрганилади. Биз, у ёки бу адабий ҳодиса, агар у турли мамлакатларда бир вақтнинг ўзида, ёки унча катта бўлмаган вақт оралиғида пайдо бўлса, ёки у бошқа адабиётларга таъсир кўрсатса(петраркизм, руссоизм ва б.) универсал(масалан, Уйғониш, барокко) ҳодиса, деймиз. Демак, бу ҳолатда гап универсалликни таърифлашнинг оддий воситаси ҳақида кетмоқда.

Қиёсий адабиётшуносликда типологик умумийлик ва таъсир бошқа вазифани бажаради. Бу ерда улар ривожланиш жараёнлари сифатида ўрганилади ва қонуниятлари ўрнатилади, уларнинг тегишли тезкор функциялари белгиланади.

Адабий ҳодисаларнинг тарқалиши ҳақида гапириладиган бўлса, у қиёсий адабиётшуносликни камроқ қизиқтиради ва унга иккинчи даражали миқдорий кўрсаткич сифатида қаралади.

Бироқ икки фан ўртасидаги фарқ бу билан чекланмайди. Масалан, жаҳон адабиётида адабиётларнинг миллий ўзига хослигига универсалликнинг жиҳатларидан бири сифатида қаралади. Компаративистикада қиёслаш методлари ёрдамида миллий адабиётларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек жаҳон адабиёти ютуқлари фонида уларнинг бадиий қиймати аниқланади. Турли адабиётларнинг умумий жиҳатларига кўпроқ эътибор берувчи жаҳон адабиётидан фарқли равишда, бутун дунёга машҳур ҳодисаларнинг хусусий томонлари ҳам ҳар доим компаративистиканинг диққат марказида туради. Қиёсий адабиётшуносликни нафақат кенг миқёсда Уйғониш, барокко, романтизм ёки модернизм, шунингдек, бу оқимларнинг турли мамлакатлардаги ўзига хосликлари, тарихий ривожланишнинг у ёки бу босқичида халқлар ёки миллатларнинг яшаш тарзи қай даражада акс этгани ҳам қизиқтиради.

Компаративистиканинг тадқиқот майдони доирасига, керакли маълумотларга эга бўлса ҳам, жаҳон адабиёти шуғулланмайдиган масалалар ҳам киради. Мисол тариқасида Тудор Виану томонидан Гесиод, Эсхил, Протагор, Плотин ва Демокритдан, Лукреций, Вергилий ва Овидийгача, кейин Данте, Вольтер ва Руссодан Гюгогача, Элиаде ва Эминескудан Тудор Арgezигача ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилинган социогоник омиллар

масаласини келтириш мумкин. Бунда жаҳон адабиёти фақатгина социогоник жараён намоён бўлаётган сахна вазифасини бажарган ҳолатда, қиёсий адабиётшунослик асосий персонажларга тавсиф беради, уларнинг ўрни ва вазифасини аниқлайди, умумий мавзу шаклларини ўрганади, бир сўз билан айтганда доимий равишда қиёслаш ва таққослашлар билан иш кўради, маълум даврлар доирасидаги ҳодисаларнинг ўзаро муносабатларини тадқиқ қилади.

Ғарб адабиётшунослигида ҳолат тамомила бошқача тус олган. Бу ерда XX аср охири–XXI аср бошларида “жаҳон адабиёти” тушунчаси – концепцияси – таркиби масаласида жиддий тортишувлар бўлиб ўтди. Дидье Костнинг таъкидлашича, маданият, адабиёт, тарихнинг глобаллашув жараёни, кейинги 50 йил ичида филологияди ишлатилган методларни ҳозирги замонда қўллаб бўладими, тадқиқотчилар олдида қандай вазифалар турибди, ва қайси анъанавий тушунчалар яна долзарб бўла бошлади? каби масалалар ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Олим Ғарб адабиётшуносларининг “жаҳон адабиёти” тушунчасига, унинг сиёсий, ахлоқий ва эстетик моҳиятига жуда катта эътибор бера бошлаганликлари ҳақида ёзади.

Шу билан бирга француз, аниқроғи, француззабон филологлар ўзларини бу соҳада ортда қолаётганликларини таъкидлайдилар. Чунки Женева университетининг профессори Жером Давиднинг “Гётенинг арвоҳлари: “Жаҳон адабиёти”нинг эврилишлари” (2011) асаридан олдин Паскаль Казанованинг “Адабиётнинг жаҳон республикаси”(1999) ҳамда К.Прадо ва Т.Самуайлоларнинг “Жаҳон адабиёти қаерда жойлашган?” китоблари дунё юзини кўрган эди. (2005).

Дарҳақиқат, инглиззабон адабиётшунослигида бу мавзуда кўплаб изланишлар олиб борилмоқда: уларда “жаҳон адабиёти” тушунчаси, унинг моҳияти, чегаралари, ривожланиши, бошқа тушунчалар билан ўзаро муносабати борасида илмий баҳс-мунозаралар қайд қилинмоқда.

Француз олими Жером Давиднинг “Гётенинг арвоҳлари: “Жаҳон адабиёти”нинг эврилишлари” китоби таъсирида француззабон адабиётшунослар ҳам Гётенинг концепцияси юзасидан бўлаётган илмий мунозараларга аралашдилар. Асар қуйидаги бўлимлардан иборат: Пролог – Аэропорта. Биринчи қисм. Космополитизм. Веймар, 1827. Брюссель, 1847. Иккинчи қисм Педагогик ғоялар. Чикаго, 1911. Петроград, 1918. Учинчи қисм. Илмий мунозаралар. Истамбул орқали Нью-Хейвенга, 1952. Нью-Йорк (ва Париж). 1999. Эпилог. Франкфурт, 2011. “Прэри ординэр” нашриётининг таклифи билан олиб борилган тадқиқотда муаллиф мавжуд нуқтаи назарларни синтезлаштиришга ҳаракат қилади. У Д.Дидро асарлари

таъсирида китобини замонавий танқидчи Франко Моретти билан ўзига хос филологик диалог тарзида куради. Жером Давид нафақат Гётенинг тушунчаси бўйича мавжуд концепцияларни баён қилди, аксинча уларнинг муаммоли нуқталарини аниқлаб, уларга ўз муносабатини билдирди.

Монография “Аэропорт”да деб номланган Прологдан бошланиб, унда бир кимса (У) муаллиф (Мен) билан Гётенинг “Weltliteratur” атамасини қай тарзда тушуниш хусусида суҳбатлашади. Китобнинг “Космополитизм”, “Педагогик ғоялар”, “Илмий мунозаралар” қисмларида “жаҳон адабиёти” концептининг асосий ривожланиш босқичлари таҳлилга тортилади. Суҳбатдошлар биринчи қисмнинг “Веймар, 1827” бўлимида Гётенинг ўзи ушбу атамани қандай тушунганлигини таҳлил қиладилар.

Ж. Давиднинг далолат беришича, Гётенинг матнларида “Weltliteratur” атамаси 1820-йилларгача учрамайди, у фақат адибнинг адабиёт ҳақидаги таҳлилий фикрлари учун зарур бўлади. Гётенинг “жаҳон адабиёти”ни маъновий тушунчаси, Гердернинг “инсоният”(Humanität) атамасига таянади. Ушбу тушунча адабиётларнинг хилма-хиллигини назарда тутаяди, аммо бу турли-туманликда антик санъат етакчи ўринни эгаллайди. Гётенинг “жаҳон адабиёти” ҳақидаги мулоҳазалари Гердерники билан ҳамоҳанг бўлиб, унингча бутун дунёдаги маърифатли одамлар охир- оқибат бирлашадилар ва биргаликда иумуминсоний маданиятни ривожлантирадилар, чунки ҳеч қайси маданият танҳо ривожланмайди.

Италян филологи Ф. Мореттининг концепцияси бўйича турли адабиётлар бир-бири билан ўзаро алоқада бўлиб, таъсир кўсатади. У шу сингари ҳамкорликни тавсифлаш учун дарахт образидан фойдаланиб, барча адабиётлар умумий ҳинд-европа илдизга эга эканини таъкидлайди. Бир вақтнинг ўзида у бир Европа мамлакатининг адабий анъаналарининг бошқа адабиётга ўтишини таҳлил қилганда, тўлқин метафорасига мурожаат қилади.

XIX аср охири –XX аср бошларида “жаҳон адабиёти” атамаси инглиз олими Ричард Моултон томонидан қандай талқин қилинганига тўхталаяди. В нем собеседники уточняют, как трактовался термин «мировая литература» в работах английского филолога рубежа XIX–XX вв. Ричарда Моултона. У “университетни кенгайтириш” дастурида қатнашиб, Англия ва АҚШда ишлади, ҳамда ўз илмий ишларида олимлар ва талабалар муҳитига мурожаат қилди. Моултон учун “жаҳон адабиёти” Гомер, Еврипид, Вергилий, Шекспир, Милтон, Данте и Гёте ижодида мужассамлашган инсоният цивилизацияси ютуқларининг тақдимоти бўлиб хизмат қилди. Замонавий нуқтаи назардан Моултон томонидан тақлиф қилинган қоида жуда ҳам тор. Бироқ бу “буюк китоблар” қоидаси инглиз адабиёти тарихидан маърузаларга кириш қисмига мўлжаллаб ёзилган бўлиб, инглиз адабиётини бошқа

адабиётлар контекстига киритишга ёрдам беради ва эстетик дидни ривожлантиришга хизмат қилади. Моултон “жаҳон (world) адабиёти” энг сара асарларини танлаш мезонини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди ва бу тушунчани “universal (всеобщая) literature” атамасидан ажратди. Моултоннинг фикрича, “умумжаҳон адабиёти” – бу барча адабий асарларнинг шунчаки йиғиндиси, умумий сони бўлса, “жаҳон адабиёти” ҳар бир мамлакат учун ўзиники, чунки у инглиз, япон, америкалик, француз ва ҳ.к. ларнинг нуқтаи назаридаги энг яхши асарларни танлашни кўзлайди. Шу тариқа, Моултон “жаҳон адабиёти” тушунчасига эстетик ва миллий-тарихий мезон киритади.

“Жаҳон адабиёти” деганда, у ёки бу мамлакатда яратилиб, ўзининг эстетик даражаси бўйича бутун дунёда талаб қилинган асарлар тушунилган.

1930-йилларда “жаҳон адабиёти” ибораси, афтидан, “жаҳон инқилоби” билан ассоциациядан қочиш учун “умумжаҳон адабиёти” бирикмаси билан алмаштирилди. Карл Радек 1934 йили ёзувчилар съездида нутқ сўзлаб, “жаҳон адабиёти”ни пролетар ва буржуа адабиётига ажратди. У “жаҳон адабиёти”ни “жаҳон буржуазияси” билан боғлаб, “жаҳон буржуа адабиёти” ўз аҳамиятини йўқотди, ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди, деган фикрларни айтди. Шу сабабдан Радек Ж.Жойснинг “Улисс” романига салбий муносабат билдириб, кундалик ҳаёт деталларига керагидан ортиқ ўралашиб қолганликда айблаб, асарда қаҳрамонлик пафоси йўқлигини танқид қилди. Шундай қилиб 1930- йилларда “жаҳон адабиёти” “жаҳон инқилоби” ғоясига бўйсундирилиб, унга хизмат қилиши керак эди. Бундан ташқари у “буржуа” ва “инқилобий” адабиётга ажратилиб, моҳиятан жаҳон ҳодисаси маъносини йўқотди.

Немис филолог олими Э.Ауэрбахнинг концепцияси юзасидан баҳс-мунозара олиб борилади. 1930-йилларда Ауэрбах ўз эътиборини “жаҳон адабиёти”нинг Европа концепциясига қаратди. В. Бенъямин билан олиб борган ёзишмаларида, у дунёнинг алоҳида тамаддунларга бўлиниб кетаётганлиги борасидаги хавотирларини ва бир вақтнинг ўзида модернизациянинг “тутуруқсиз байналминаллик” шакли тарқалаётганлигидан ранжиётганини ёзади. Ж. Давиднинг фикрича, Ауэрбах Гёте қўллаган маънодаги “Weltliteratur”ни қўмсайди ва “Гёте типидagi гуманист”ни идеалга айлантиради. 1969-йили АҚШда Ауэрбахнинг “Жаҳон адабиёти филологияси” номли мақоласи чоп этилганда матнда “Weltliteratur” атамаси сақлаб қолинди. Олимнинг шогирди Э.Саид Weltliteratur – Гёте учун бу “умумий, универсал адабиёт” бўлиб, барча миллий адабиётларни қамраб олади, лекин шу билан бирга уларнинг ўзига хослигига путур етказмайди ва Инсониятнинг бирлигини ифодалайди, деб ҳисоблайди. Мақола

таржимасининг кейинги матнида “Филология и Weltliteratur” “Жаҳон(world) адабиёти филологияси”га айланади. Ауэрбахнинг фикрича, “Жаҳон адабиёти филологияси” дунё маданиятлариаро ўзаро алмашишлар масаласини кўтаради, шунинг учун Ж. Давид ушбу олимга биринчи навбатда немис олими деб қарашларидан афсусланади, ваҳоланки, у АҚШ фани учун компаративистиканинг асосчиси бўлган.

1990–2000 йилларда “жаҳон адабиёти”ни талқин қилишга қизиқиш кучайиб кетганлиги ва бир қатор тадқиқотлар амалга оширилгани қайд қилинади. Айниқса Дэвид Дэброшнинг концепцияси фан оламида катта қизиқиш уйғотди. У Ф. Моретти ғоялари билан баҳс-мунозарага киришиб, “ўз(my) жаҳон адабиёти” образи қурилишининг ҳаққонийлигини ёқлаб чикди. Бу билан Дэброш “жаҳон адабиёти” концепцияси турли даврларда ва турли давлатларда турлича мазмун билан тўлдириши ва ҳаёлий, “виртуал” бирликни ифодалашини таъкидлайди. Ж. Давид тушунчани бу қадар тубдан индивидуаллаштириш нотўғри деб ҳисоблайди. Дэброш жаҳон адабиёти бўлишдан олдин регионал бўлишни, “жаҳон адабиёти”дан бестселлерларни чиқариб ташлашни ва “глобал адабиёт” таркибига киритишни таклиф қилади. Дэброш бестселлерларнинг “Бозор реализми”га “локал (маҳаллий) адабиётнинг” ютуқларини қарама-қарши қўяди. Унинг фикрича, катта ёзувчилар, гарчи улар ўз ватанларидан узоқда ижод қилишса ҳам(масалан, С.Рушди ёки Ў.Помук), ўз ватани маданияти билан боғлиқ бўладилар. Шу сабабли унинг талқинидаги “жаҳон адабиёти” – бу локал адабиётни ўзининг маданий “бошқа”(altérité)си билан тасавуридаги учрашув жойидир. Айнан мана шунинг учун Дэброш томонидан чиқарилган “Жаҳон адабиёти антология”си турли локал адабиётлар асарларидан олинган парчалардан иборат ранг-баранг тўпلامдан иборат.

Ж.Давид эса замонавий шароитларда “ватан” (homeland) тушунчаси универсал маънога эга эмас, бугунги кунда кўплаб ёзувчиларнинг космополитизми(“киши дунё фуқаросидир” деган шиор остида ватанпарварликни, халқларнинг ўз мустақиллигини, миллий маданиятни инкор этувчи назария) улар ўртасидаги маданий тафовутни бекор қилмайди, деб ҳисоблайди.

Франко Мореттининг концепцияси унинг “Жаҳон адабиёти ҳақида фаразлар” асарида изчиллик билан берилган. Олим унда бозор ва адабий шакллар алоқаси ҳақида фикр юритади ва табиий фанлардан илмий тажриба руҳини, қатъият билан муаммоларни таърифлашни ва уларни ҳал қилиш усулларини топишни ўзлаштириш керак, деб ҳисоблайди. “Европа романи атласи” китобида Моретти “Учта адабий Европа”ни ажратиб кўрсатади: марказийга роман шаклининг хилма-хиллиги, асарлар яратилаётган ва

барқарорлик ҳукмронлик қилаётган Франция ва Англияни киритади; ўрта адабий Европа(Италия, Испания ва Германия) бу шаклларни тақлид қилиб ўрганadi, ўзлаштиради ва ўзгартиради; периферия (марказдан узоқ)даги (Польша, Румыния) ўз адабиётига марказийнинг роман шакллари қабул қилади, лекин уларни эстетик трансформация қилишга маданий заҳиралари йўқлиги боис, тақлид қилиш билан чекланади. Мореттининг ўз гапларига қараганда, у Гётенинг “жаҳон адабиёти” концепциясига, немис ёзувчисининг ният-мақсадлари билан замонавий олимларнинг унинг ғояларини амалга ошириши ўртасидаги узилишни намоиш қилиш учун муружаат қилган. Ахир қиёсий адабиётшунослик “Weltliteratur” тушунчасидан фойдаланишда шошқалоқлик қилган бўлса-да, икки аср давомида зўр-базўр Европа адабий алоқаларини ўзлаштира олди. Эҳтимол, бунинг сабаби ўн минглаб матнлар компаративистларнинг диққат марказидан йироқдалигидадир. Моретти учун “жаҳон адабиёти” – объект эмас, балки диққатини адабий матнлар(метафора, истиора, мавзулар)нинг алоҳида элементларига қаратиш эмас, “хаёлий тажриба” бўлганлигидадир. Бунда “адабиёт” тушунчаси филологияда маълум даражада барқарорлик касб этган бўлса, “жаҳон” тушунчаси жуда ноаниқ эканига эътиборни қаратиш лозим. Шу аснода “жаҳон”нинг мазмун-моҳияти ўзгариб бормоқда: XVI асрда бу Европа ва Америка, Осий ва Африка эмас, XIX асрда “жаҳон” маданий концепт сифатида Ғарбий Европа ва Осиё билан биргаликдаги Шарқий Европага ажралиб кетди, фақат бу даврнинг сўнггидагина у “умумжаҳон мазмун” касб этди. Лекин шунда ҳам адабиётлар ўртасидаги алмашишда тенглик йўқ, Мореттини фикрича, бу ҳақида П.Казанованинг “Адабиётнинг жаҳон республикаси” китоби гувоҳлик беради.

Хуллас, Гёте концепциясининг кўплаб талқинлари мавжуд эканлиги қайд этилади, булар: “Жаҳон адабиётини бир қатор ўлмас асарлар мажмуи деб қабул қилувчи классик Гёте, миллий адабиётлар ўртасидаги тенгсиз маданий алмашинувни тадқиқ этувчи, социологик-Гёте, маданий алмашишларнинг бу каби аспектларига эътиборини қаратган стратег-Гёте, компаративист-Гёте ва ҳ.к”.

Замонавий фан Гётенинг “жаҳон адабиёти” концепциясига бежиз муружаат қилмади. Ж.Давиднинг фикрича, жаҳон адабиётининг макон ёки тизимини ўрганиш учун Гётенинг бу тушунчага асос қилиб олган сезилар-сезилмас фарқларни тушуниб олиш керак. Бугунги кунда бу тушунчани глобаллашув безовта қилаётганлар кўпроқ ишлатмоқдалар. Глобаллашув жараёнини тижоратлаштириш, адабиёт соҳасига бозорнинг кириб келиши, деб талқин қилаётганлар, айнан Гётенинг фикрини далил қилиб кўрсатмоқдалар.

АДАБИЙ АЛОҚА ТУРЛАРИ. КОНТАКТ АЛОҚА ТИПОЛОГИЯСИ. КОНТАКТ АЛОҚА ШАКЛЛАРИ

Қиёсий адабиётшуносликнинг предмети, мақсад ва вазифалари ҳақида мутахассислар томонидан турли нуқтаи назарлар ўртага ташланган. Жумладан, А.Н.Веселовский адабиётшуносликка оид тадқиқотларнинг мақсади қиёслашда ва муқоясани имкон қадар кўпроқ фактларга татбиқ қилишда деб ҳисоблаб¹⁹, турли даврларда ва халқарда яратилган эпик ижод намуналарини сюжет ўхшашликлари асосида таҳлил қилади²⁰.

В.Жирмунский эса инсоният ижтимоий-тарихий тараққиётидан келиб чиқиб, тарихий-адабий жараённинг бирлиги ҳақидаги концепцияни илгари суради. У қиёсий ўрганишнинг тўртта муҳим масаласи ва уларга мос равишда адабий алоқанинг тўрт хил шакли борлиги ҳақида маълумот беради:

1. Ҳар қандай мукамал қиёсий — тарихий таҳлилнинг асосини ташкил этувчи адабий ҳодисаларни оддий қиёслаш шакли (В.Жирмунский ушбу масалани тилшуносликдаги синхрон таҳлилга қиёс қилади).

2. Генетик жиҳатдан алоқада бўлмаган ўхшашликларни жамият тараққиётининг ўхшаш шароитлари орқали изоҳлашга хизмат қилувчи тарихий-типологик қиёслаш шакли.

3. Ўхшаш жиҳатларнинг генетик қардошлик маҳсули деб қарашга асосланган тарихий – генетик қиёслаш шакли.

4. Ҳалқларнинг тарихий жиҳатдан яқинлиги ва ижтимоий ривожланиш шарт –шароитларидан келиб чиқиб, генетик алоқаларни адабий ҳодисалар ўртасидаги маданий алоқалар, таъсир ҳамда ўзлаштирмалар асосида белгиловчи муқояса шакли²¹.

Бир қанча мутахассислар В.Жирмунский таъриф берган учинчи ва туртинчи алоқа шакллари деярли бир – бирини такрорлаши ва уларни бирлаштириш мумкинлиги ҳақида фикр билдирадilar. Хусусан, А.Дима қиёсий адабиётшуносликнинг вазифаси уч турдаги ҳодисаларни ўрганишдан иборат деб ҳисоблайди²². Унга кўра, адабиётлар ўртасидаги тўғридан – тўғри алоқалар (таржима, таъсир, ўзлаштира); типологик ўхшашликлар (генетик қардошликда бўлмаган, лекин маълум бир мавзу, мифлар, образлар, жанрлар, ўхшаш адабий оқимларни тадқиқ этишда намоён бўлувчи); миллий адабиётларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ

¹⁹ Веселовский А. Н. Собр.соч.. Т.8 В.Петербург. 1921 -С.69.

²⁰ Веселовский А. Н. Славянские сказание о Соломоне и Китоврасе. Собр.соч.. Т.8. В. I. -Петербург. 1921. – С.46.

²¹ Жирмунский В.М. Эпическое творчество славянских народов и проблемы сравнительного изучения эпоса. - М.: Изд-во АН СССР. 1958. -С.6-7.

²² Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. М.: Прогресс. 1977. -С.121.

этиш соҳанинг асосий вазифаси саналади.

Д.Дюришин эса адабиётлараро алоқа шакллари икки катта гуруҳга-контакт-генетик алоқалар ва типологик ўхшашликларга ажратади²³. Д.Дюришиннинг ушбу таснифи ҳозирги даврда ҳам ўз ахамиятини сақлаб қолганлиги билан эътиборга моликдир.

Халқаро адабий муносабатларнинг асосий турларига қуйидагилар киритилади:

1. Адабиётлар ўртасидаги тўғридан тўғри муносабатлар, ёки контакт алоқа.

2. Параллелизмлар, яъни генетик яқинликни талаб қилмайдиган, типологик ўхшашликлар.

3. Адабиётларни ҳар бирини ўзига хос структурасини аниқлаш мақсадида киёслаганда ўрнатиладиган боғлиқлик муносабатлари.

Биринчи навбатда миллий адабиётлар ўртасидаги тўғридан тўғри муносабатларга тўхталиб ўтамиз.

Турли адабиётларнинг тўғридан тўғри муносабатларига умумий тартибдаги бир қатор шарт-шароитлар, масалан, китоблар алмашинуви орқали содир бўладиган молларни айирбошлаш ҳам кўмаклашади. Китобларни ўзи савдо битимларининг мавзусига айланишини ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Тарихдаги баъзи урушлар, масалан, антик, Уйғониш, Наполеон даври урушлари ҳам адабий алоқаларни ўрнатишга, маданиятни тарқатишга хизмат қилган.

Жамият ривожланишининг турли даврларида, қадимги даврдан бизнинг кунларгача, алоҳида вазиятлар тақозоси билан, халқаро маданий ва адабий алоқаларни йўлга қўйиш учун қулай шароитлар туғилган. Маърифатчилик давридаги бундай муносабатларнинг моҳияти Поль Азар томонидан бутун тафсилотларигача ўрганилган. XIX аср бошларида бу алоқалар шу даражада кенгайиб кетдики, И.В.Гёте 1827 йилдаёқ поэзия инсониятнинг мулкига айлангани ва “умумжаҳон адабиёти”нинг шаклланиш вақти келгани ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди. XIX аср бўсағасида маданиятнинг ақл-идроққа асосланган (рационалистик) концепция(қарашлар тизими)дан тарихийлика ўтиши адабиётларни яқинлашувини, ўхшаш ва фарқли томонларни келгусида аниқлашга имкон яратади. Халқларнинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалари ҳозирги глобаллашув даврида ҳам шиддат билан давом этмоқда. “Адабий материални” қабул қилишга ёрдам берувчи мавзу, мотив, тур, ғоя, ҳис-туйғу, жанр, жанр шакллари, композицион қурилиш, услубнинг турли вариантлари, шеър банди қурилиши, шеър вазни, ўлчови ва унинг назарияси каби омиллар компаративизмнинг “хабарчилари”

²³ Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литератур. -М.: Професс. 1979. -С. 102

ёки қиёсланаётган элементлар ўртасидаги “воситачилар” деб ҳам аташади. Паул ван Тигем ҳатто бу омиллар билан шуғулланадиган фан бўлимини юнонча “мессология” сўзи билан номлашга ҳаракат қилиб кўрган эди.

Адабиётлар ўртасидаги алоқалар тегишли тилларни билишга асосланган бўлса самарали бўлади. Демак, қиёсий адабиётшуносликнинг энг муҳим вазибаларидан бири, турли мамлакатларга хорижий тилларни кириш жараёнларини ўрганишдан, уларни ўзлаштириш анъаналарини ҳамда тарқалиш доирасини аниқлашдан иборат бўлади. Бундай тадқиқотлар кам бўлиб, энг ахамиятлиси Ж.Асколининг “Буюк Британия XVII аср француз ижтимоий фикри назарида” (1930) асари ҳисобланади. Унда инглиз тилининг Францияда тарқалиш масаласи ҳам таҳлил қилинган.

Бошқа тадқиқотларда, француз романтиклари - Гюго, Ламартин, Виньи, Мюсселар Германияга қизиқишлари кучли бўлишига қарамай, улар немис тилини яхши билмаганликлари кўрсатиб ўтилган. Кўпинча чет тилларининг тарқалишига оид масалалар лингвистлар томонидан қисман ёритилган, мисол тариқасида Фрезер Маккензининг “Англия ва Франция муносабатларининг Луғатда акс этиши” (1939) китобини келтириш мумкин.

Адабиётлар ўртасидаги алоқаларни тиклашга ёрдам берган бошқа омиллар қаторига бир қанча якка ва жамоавий “воситачилар”ни қўшишимиз мумкин. Якка тартибда фаолият олиб борганлардан баъзиларининг номлари яхши таниш, булар XVIII асрда ижод қилган француз ёзувчилари: аббат Лебланк, аббат Прево ёки Лапластар инглиз адабиётининг Франциядаги “вакил”лари бўлган бўлса, Бонвиль и Лиебо – француз адабиётини Германияда, Лэнгет эса Испанияда тарғиб қилганлар. Немис шеъриятининг Италиядаги жарчиси Бертола бўлган. Англия учун француз маданиятининг энг кўзга кўринган вакили Вольтер бўлган бўлса, Германия учун де Сталь эди. 1726 йили Англияга сургун қилинган Вольтерга, инглизларнинг фалсафа, сиёсатда эришган ютуқлари, диний бағрикенгликлари, яккаҳоқимликнинг ҳар қандай шаклига қарши чиқишлари катта таъсир кўрсатди. Олинган таассуротларнинг меваси ўлароқ ёзилган “Фалсафий номалари” 1733 йили Англияда, бир йилдан кейин эса ватанида нашр этилди. Бир мунча муддат вақт ўтгач, 1810 йили де Сталь ўзининг машҳур “Германия ҳақида” асарида Францияда немис романтикларининг адабий қарашларини тарғиб қилди. Шу билан бир қаторда, на “узатувчилар” ва на “қабул қилувчилар” томонида бўлмаган инсонлар воситачилигида ҳам маданий ёки адабий алоқалар ўрнатилган. Румин адабиётшунослиги А.Дима мана шундай кишилар қаторига Николаус Олахус билан алоқаларни йўлга қўйган голландиялик Роттердамлик Эразмни қўйди. Цюрихлик Бодмер и Брайтингерлар инглиз адабиётини Германияда оммалашишига ҳар

томонлама ёрдам бердилар. XVIII асрнинг охирларида юнон миллатига мансуб кўплаб маданият арбоблари нафақат, юнон ва румин маданиятлари ўртасида, шунингдек француз Маърифатчилик адабиёти ва шу давр румин адабиётлари ўртасида воситачилик вазифасини бажардилар.

Чет эл адабиёти тарғиботчилари қаторига тўла асос билан сайёҳларни кўшиш мумкин. Улар Европа маданияти ўчоқлари бўлган Греция, Италия, Франциядан ташқари, бошқа кўплаб давлатларни кезиб чиқиб, кўрган-кечирганлари ҳақида ўқувчиларини хабардор қилдилар. Саёҳатлар ҳақида кўплаб асарлар ёзилди, хаттоки Вальтер Скотт, Гёте ва Лев Толстой каби буюк ёзувчилар ҳам, бошқа халқлар ҳаётига оид маълумотларни ана шу асарлардан олганлар. Ёзувчиларнинг кўп сонли бадиий асарларидан ташқари, таниқли компаративист олим Жан-Мари Карренинг “Француз сайёҳ ва ёзувчилари Мисрда” асарини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин.

Баъзи мамлакат ва шаҳарларнинг адабий алоқаларни йўлга қўйишдаги алоҳида аҳамияти ҳақида сўз кетса, биринчи навбатда бир неча расмий тилга эга бўлган Швейцария ва Европа қитъасининг йирик маданий марказлари билан қўшни Голландияни тилга олиш ўринли бўлади.

Шундай вазифани бажарган шаҳарлар қаторига Франциянинг Париж, Лион, Руан, Германияда Франкфурт-Майн, Италияда Венеция шаҳарларини киритишимиз мумкин. Бундан кейин маданиятлар ва адабиётлар ўртасида алоқаларни ўрнатишга катта ҳисса қўшган илмий муассасаларни, ва биринчи навбатда академия ҳамда университетларни айтиб ўтиш керак.

Италия (ўрта асрларда Болонья), Франция(Париж), кейинроқ Германия(Берлин)нинг йирик университетлари кўплаб мамлакатлар билан халқаро маданий алоқаларни ўрнатиб, маданий ва адабий бойликларини оммалаштишда муҳим ўрин тутди.

Академиялар ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин, масалан, Италия Академияси Уйғониш даврида антик меросни фаол ўзлаштирган. Халқ ва шахсий кутубхоналарни ҳам ёддан чиқармаслик керак, чунки уларда турли халқларнинг китоблари ҳам бўлган. Чет эл адабиётини тарғиб қилишда босмахоналар, китоб дўконлари, нашриётларнинг ҳам аҳамияти катта бўлган. Уйғониш даврида Венеция гуманизм ғояларини Ғарбий ва Шарқий Европада ёйишда катта ишларни амалга оширган нашриётчилик марказларидан бири бўлган.

Қадимги даврларда, айниқса Уйғониш даврида, адабиётларни яқинлаштиришга хизмат қилган жамоавий омиллар қаторида, турли даражадаги ҳукмдорларнинг саройларини ҳам айтиб ўтиш керак. Чунки бу ерларда кўпинча хорижий шоирлар, файласуфлар, олимлар, масалан, Шарқ Ҳукумдорлари, жумладан, Амир Темур, Улуғбек, Хусайн Бойқаро, Бобур

каби буюк бобокалонларимиз ва Европа қироллари Фридрих II, рус подшоси Екатерина II саройларида бошпана топганлар.

Табиати бўйича ўзига хос бўлган адабиёт шайдолари гуруҳлари, тўғараклар, адабиёт салонлари ҳам чет эл адабиёти бойликларини ташвиқот қилишда иштирок этдилар. Шундай гуруҳлардан бири XVI асрда фаолият кўрсатган Лион мактаби ҳисобланади. Ушбу гуруҳ аъзолари: Морис Сэв, Луиза Лабе ва бошқалар немис ва итальян маданиятига зўр қизиқиш билдирганлар. Инглиз адабиётининг ихлосмандлари бўлган француз ёзувчилари Стендаль, Ампер, Меримеларни бирлаштирган гуруҳ, Шекспир ва Оссианнинг асарларини чуқур ўрганиб, оммалаштиришига хисса қўшган. Ҳар бир гуруҳнинг ўз тарафдорлари бўлиб, улар одатда адабий нашриётлар атрофида тўпланган.

Адабий жамиятлар бошқа мамлакатлар маданий бойликларини ёйишда катта хизмат кўрсатди. Хусусан, Франциядаги “Плеяда” гуруҳи (Пьер Ронсар ва унинг дўстлари Жан Антуан де Баиф ва Жоашен дю Беллелар)нинг аввало антик меросга, шунингдек ўша даврларда учинчи классик адабиёт деб ҳисобланган итальян адабиётига жиддий эътибори аҳамиятлидир.

XVIII асрнинг 80-йилларига келиб немис ва Европа романтизмга асос бўлган адабий жамият “Бўрон ва тазйиқ” адабий ҳаракати эди. Унга Гёте, Гердер, адабий ҳаракатга номи берилган пьеса муаллифи Максимилиан Клинггер ва даврнинг кўплаб бошқа ёзувчилари аъзо эдилар. Ҳаракат маърифатчиликка қарши чикди француз классицизми билан алоқаларни узди, бироқ шу вақтнинг ўзида Руссонинг, шунингдек инглиз адабиёти вакиллари – Шекспир ва Оссианларнинг кучли таъсири остида бўлди.

Табиийки, йирик журналлар қошида ташкил топган адабий жамиятлар катта таъсир кучига эга бўлиб, ўқувчиларни хорижий маданий бойликлар билан таништиришда муҳим амалий аҳамият эга бўлди. Масалан ака-ука Шлегелларнинг “Атенеум” журнали қошида ташкил этилган тўғарак 1798-1800 йилларда фаолият олиб борди. Новалис, Шлеермахер, Шеллинглар тўғаракнинг фаол аъзолари эди. Тўғаракда Уйғониш даври ёзувчилари – Данте, Петрарка, Боккаччо, Сервантес ижодига катта эҳтиром билан қаралар, Фридрих Шлегелнинг таклифига кўра, Данте, Шекспир, Гёте учлиги асарлари эса намуна сифатида қабул қилинган эди.

Кейинроқ Францияда пайдо бўлган романтик ҳаракат ҳам ўз ривожланишида Ш. Нодье ташкил этган ва ўз қаторига Гюго, Виньи, Сент-Бёв, Дюма, Буланже, Мюсселарни жалб қилган адабий жамиятларга ва “La muse française” (1823) и «Le Globe» (1824) журналларига таянди.

Турли даврларда адабиётлараро алоқаларни рағбатлантирган яна бир омил, XVII асрда аввало Францияда пайдо бўлган машҳур салонлар эди. Энг

машҳур учрашувлар жойи маркиза де Рамбуйенинг салони эди, бу ерга кўплаб ёзувчилар, артистлар, олимлар жалб қилинган бўлиб, қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтарди. Ушбу учрашувлар ортиқча такаллуфсиз, одобахлоқ доирасида, боадаблик руҳида бўлар эди. Табиийки, салонда чет эл адабиёти, аввало итальян адабиёти ҳақида суҳбатлар бўлган.

Салонлар урфга айланиб, то 1789 йил инқлобигача тўхтовсиз пайдо бўлиб борди ва аср охирларигача давом этган суронли воқеалардан кейин яна юзага кела бошлади. Шундан кейин Европанинг кўплаб мамлакатлари - Германия, Италия, Австрия, Россия, Руминияда ҳам салонлар пайдо бўлди.

Адабиётлар ўртасида даврий нашрлар муҳим воситачи бўлиб хизмат қилди: XVIII асрда булар “*Journal étranger en France*”, “*Gazette littéraire de l’Europe*” бўлса, кейинги асрда эса “*Archives littéraires de l’Europe*”, “*Révue britannique*”, “*Révue germanique*”, “*Révue de deux mondes*”, “*Révue de Paris*”, “*Mercure de France*”, “*L’année littéraire*”, “*Deutscher Mercur*”, “*Conciliatore*” эди. Бу журналлар саҳифаларида хорижий адабиётларнинг шарҳи ёритилар эди.

Чет эл адабиёти ҳақида кўплаб аниқ маълумотлар берилган луғатлар, энциклопедиялар, педагогик асарлар ҳам мамлакатлар ўртасида алоқаларни ўрнатишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Шак-шубҳа йўқки, адабиётлараро алоқаларни мустаҳкам ўрнатилишида, биринчи навбатда мос равишдаги тилларда чиқарилган китобларнинг ўқувчиларга етказиб берилишининг аҳамияти катта эди. Айниқса, XVIII ва XIX асрларда итальян, француз, инглиз тиллардаги китобларга қизиқишнинг ортиши натижасида, босма нашрлар кенг тарқалди.

Бироқ чет тилларда ҳамма ҳам ўқий олмагани сабабли, ўқувчилар кенг оммасига асарларни фақат таржима, қайта ишлаш, ҳикоя қилиш, адаптация(мослаштириш) воситасида етказиш мумкин эди. Таржима ва у билан боғлиқ муаммоларнинг муҳимлиги ва аҳамияти ҳам шу билан боғлиқдир. Таржималарнинг умумий вазифаси асар мазмунини бошқа тилга имкон қадар аниқ узатиш бўлганлиги сабаб, табиийки асл матн моҳиятини бузувчи адаптация ва қайта ишлашлар иккинчи даражали ҳисобланади. Шунга қарамай, кўпинча таржимонлар асар мазмунига ўзларининг ижодий ҳиссасини қўшиш “васвасасига” дучор бўладилар. Масалан, XVIII асрда французлар Ҳомер ва унинг қаҳрамонларини ўз даврига мослаштиришга ҳаракат қилиб, уларни сарой зодагонларига айлантиришга ҳаракат қилиб кўрганлар.

Уйғониш давридан бошлаб ҳозиргача давом этаётган қайта ишлашлар асар моҳиятини мослаштиришдан ҳам кўпроқ нотўғри талқин қилади. “Декамерон”, “Дон-Кихот”, ака-ука Гримм и Андерсен эртаклари, халқ

китобларининг кўплаб вариантлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилигини мазмуни асл манбадан анча йироқ. Масалан, Лафонтен ва И.Крилов масалларининг Т.Аргези томонидан румин тилига қилинган таржимаси, оригиналдан шу қадар узоқки, улар шоирнинг ўз асари сифатида қабул қилинган. Демак, адаптациялар ҳам, қайта ишлашлар ҳам асл манбани бузади.

Лекин адаптация ва қайта ишлашдаги турли-туман чегарадан чиқишларга қарамай, таржималар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Европа романтизми даврида кўплаб таржималар амалга оширилди. Масалан, румин олими П.Корнининг таъкидлашича, 1780 йилдан 1860 йилгача 300 таржимон 679 та асарни таржима қилган. Унинг тадқиқотида кўрсатилишича, француз тилидан 385 та, немис тилидан 83, инглиз тилидан 56, юнон тилидан 44 та асар таржима қилинган.

ЮНЕСКО томонидан нашр қилинадиган “Index translatorium” таржималар халқаро бюллетени маълумотига кўра, айниқса XX асрда таржималар сони кўпайди. 1965 йилнинг 18-сонли каталогига 70 та мамлакатда чоп этилган 31 196 та таржималар санаб ўтилган²⁴.

Таржимонлар Халқаро федерацияси 1955 йилнинг сентябридан икки тилли таржима муаммоларига қаратилган (француз ва инглиз) “Babel” — “Бобил” журналини нашр эта бошлади.

Юқорида таъкидланганидек, адабиётлараро алоқа нуқтаи назаридан бизни таржаманинг асл матнга максимал даражада яқинлиги қизиқтиради. Таржима тарихида бузиб қилинган таржималарнинг хориж адабиёти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга қанчалик зарар келтиргани тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Биринчи навбатда асарнинг яхлитлиги бузилиши натижасида келиб чиқадиган хатоларга тўхталиб ўтиш жоиз бўлади. XVIII асрнинг охирларида француз тилига таржима қилинган “Вертер” бир неча марта Оссиандан олинган 12 саҳифали парчасиз нашр этилган, Ричардсоннинг “Кларисса”си эса Францияда катта қисқартиришлар билан чоп этилган. Бундай мисолларни ҳозирги таржималардан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Матн дахлсизлигини ҳурмат қилиш – ҳар қандай асарни таржима қилишдаги энг муҳим шартдир.

Лекин бундан-да жиддийроқ “қоидабузарлик” – ҳаттоматннинг дахлсизлигини сақланган бўлса-да – унинг мазмуни ва шаклини нотўғри етказишдир.

Баъзи адабиётшунослар, масалан, рус ёзувчиси Ф. М.Достоевский, таржима учун ўнғай ёки ўнғай бўлмаган тиллар бор, деб ҳисоблайди. Ёзувчининг фикрича, француз ва баъзи бошқа тиллар рус ёзувчилари

²⁴ Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. М. 1977.

асарларининг бутун бойлиги, жозибасини бера олмаган, ва аксинча, рус тили бунга кўпроқ мослашган ва чет эл муаллифларининг асарларини мазмунини тўлақонли бера олган.

Маълумки, таржимадаги аксарият нотўғри талқинлар, таржима қилинаётган тилларни ёки тилни чуқур билмаслик натижасида келиб чиқади. Баъзи бузиб таржима қилишлар, таржима муаллифининг фалсафий нуқтаи назари билан боғлиқ бўлади. Масалан, насроний ёзувчи Янг француз таржимасида деистга, Оссиан – трубадурга айланиб қолган бўлса, Оссиан, Гёте ва Шекспир романтиклар таржимасида фавкулотда ҳиссиётларга берилган шоирлар сифатида талқин қилинади.

Нотўғри талқин қилишнинг типик намунаси, Шекспирнинг “Отелло” трагедияси билан боғлиқ. Гап шундаки, зодагонларнинг ҳиссиётларга берилувчанлигини ҳақорат қилиб қўйишдан чўчиган таржимонлар Дездемонанинг шойи дастрўмоли ўрнига ёки билагузук, ёки шойи бўйинбоғ, тиллақош, тўғнағични ишлатганлар.

Таржиманинг асл матнга тўғрилиги асар турига ҳам боғлиқ. Классик асарларни бошқа тилга таржима қилиш, осонроқ экани ҳамма томонидан эътироф қилинган, чунки уларда асосийси – ғоявий мазмун. Романтик ва символистларнинг асарларини таржима қилиш кўпроқ куч талаб қилади, ва кўплаб йўқотишларга маҳкум этилган.

Бироқ, турли қийинчиликлар, нотўғри талқинларга қарамай, таржима санъати XX асрда катта маҳорат чўққиларига эришди ва бу маҳорат даражаси қанчалик юқори бўлса, таржимон асл нусхага шунчалик эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади.

Ўзбек таржимонлари Қ.Мирмуҳамедов, Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуровлар ҳам кўплаб асарларни юқори савияда ўзбек тилига таржима қилдилар. Натижада рус ва қардош халқлар адабиёти ҳамда жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек ўқувчиси она тилида ўқий бошлади.

Албатта, ҳар қандай таржимадаматн дахлсизлигини сақлаб қолиш жуда мушкул вазифа бўлиб, камчиликлар бўлиши муқаррар. Шундай бўлса-да ҳар бир таржима чет эл адабиёти ютуқларини оммалаштиришга ёрдам беради. Шак-шубҳа йўқки, камчиликлари бўлишига қарамай, таржималар маданий бойликларни, биринчи навбатда бадиий асарларни оммалаштиришда муҳим восита бўлиб қолаверади. Шу билан бирга таржима қилинган асарларга ёзилган сўзбоши ва муқаддималарда муаллифлар ҳақида берилган маълумотлар ҳам адабиётлараро алоқаларни ўрнатишга ёрдам берадиган омиллардан бири ҳисобланади.

Демак, юқоридаги фикрлар асосида адабий алоқаларни икки турга –

контакт алоқалар ва типологик ўхшашликларга ажратамиз. Контакт алоқалар, ўз навбатида адабий жараёнга бевосита алоқаларсиз таъсир кўрсатувчи ташқи ва миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири натижасида намоён бўладиган ички алоқаларга бўлинади.

ТАШҚИ АЛОҚАЛАР

Ташқи алоқалар адабий жараёнга зоҳиран, кўзга кўринмайдиган таъсир кўрсатади.

Компаративистика тарихида ташқи алоқаларни ўрганиш гоҳида юксалиш, гоҳида эса тушкунлик паллаларни бошидан кечирган. Умуман олганда, у адабиётлараро ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлилининг бошланғич эмпирик (тажрибага асосланган) босқичига мос келади. Ташқи алоқаларга бўлган катта қизиқиш позитивизм ва постпозитивизмга оид даврларга хос бўлганлиги учун, кўпинча уни соддалаштириб ва ҳар доим ҳам тўғри бўлмаган тушунча билан – қиёсий ўрганишнинг “фактографиклиги” деб аташади. Шу аснода методологик нуқтаи назардан қараганда, у маълумот тўплашнинг бошланғич босқичи саналади. Шунинг учун ташқи алоқаларни ўрганиш-адабий алоқаларни тадқиқ қилишнинг дастлабки шарти ҳисобланади.

Таҳлил қилишда ғоявий, ижтимоий, маданий ҳаётнинг турли соҳалари билан ташқи алоқалар намоён бўладиган кўпдан кўп мисоллар орасидан, адабий жараёнга алоқаси бўлганларини ажратиб олиш муҳим. Илмий таҳлилнинг биринчи босқичида ташқи алоқа соҳасининг ички алоқа соҳаси билан, кейинги босқичда эса – типологик соҳа билан алоқасини очиб бериш керак. “Агар ташқи алоқа маълумотларини адабий ва адабий бўлмаган омилларини чегаралаш босқичида таснифлаш ва коммуникатив таҳлил методи билан қаноатланиш мумкин бўлса, бундан кейинги босқичда сабабли таҳлил тамойилларидан келиб чиқиш керак. Бу эса адабий жараённи ташқи алоқали соҳа ва типологик томонларинисабабли ўзаро боғлиқлигини билан ўрганишни тақозо қилади”²⁵.

Бундан, адабиётлараро ривожланишнинг бу соҳасига етарлича баҳо бермаслик мумкин эмас ва тадқиқот методикасида унга йўналишни кўрсатувчи белги сифатида қарамаслик керак, деган хулосага келиш мумкин. Аксинча, қиёсий ўрганишнинг мақсади тадқиқот жараёнида ташқи алоқаларнинг у ёки бу кўринишларини бўлиб юборишни талаб қилади. Чунки фақат ҳар тарафлама ва икир-чиқирларигача таҳлил қилишгина уларнинг адабий вазифасини аниқлаш ва сифатли тавсифини белгилаш имконини беради. Шундай экан, бу ерда адабиётлараро ташқи алоқаларнинг шунчаки тавсифи эмас, кенг камровли, тизимли таҳлил керак.

Словак адабиётининг романтизмдан реализмга ўтиш даврида рус ёзувчиси Гоголга бўлган муносабат аввало ташқи алоқа шаклида намоён

²⁵ Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литератур. М. Прогресс. 1979. –С.104

бўлган. Булар хабарлар, мулоҳазалар, таржималардан иборат эди. Таъкидлаш жоизки, таржималар маълумот етказувчилик вазифасини бажарсагина, ташқи алоқалар турига киради. Таржиманинг роли фақат таржима қилинаётган муаллифнинг асари билан таништириш эмас, балки қабул қилаётган адабиётнинг ажралмас қисмига айлантиришда кўринса, у ички алоқага айланади. Словак адабиётининг ижодий имкониятлари ўсган даврдан бошлаб, ички алоқалар кучайди, бунга Гоголь ижодининг Мартин Кукучин ҳикоялари билан қиёсланиши мисол бўлиши мумкин.

Ички ва ташқи алоқаларни даражага қараб (дифференциацияланган) кўриб чиқиш бевосита қиёсий ўрганишнинг амалий ва назарий натижаларда акс этса, билвосита у тадқиқот усуллари билан белгилайди. Ташқи алоқалар билан шуғулланувчи тадқиқотчилар адабий алоқалар ҳақида библиографик маълумотлар тўплайдилар, нари борса уларни конкрет ижтимоий-ғоявий вазият билан қиёслайдилар. Ташқи алоқалар ҳақида маълумотларни тўплаш, материални библиографик тизимлаштиришнинг турли шакллари га кўшилиб кетади. Ушбу ишнинг Тарихий объективлиги ва аҳамиятлилиги, тадқиқотчининг маълумотларни классификациялаш орқали фактларни функционал аҳамиятини аниқлашга қаратилган шахсий қобилиятига боғлиқ бўлади. Бундай ишлар библиографик тадқиқотлар учун ўзига хос тайёргарлик вазифасини бажаради ва объектни чуқурроқ ўрганиш учун дастлабки қадам бўлади; иккинчи томондан бу ишлар жараёнида тўпланган тарихий-адабий маълумотлардан умумтарихий ёки маданий ўхшашликларни тиклаш учун фойдаланиш мумкин.

Қиёсий ўрганишнинг мақсади адабий ҳодисанинг генетик ва типологик моҳиятини ўрганиш бўлгани сабаб, қиёсий таҳлил вазифасига ўхшашликларнинг алоҳида шакллари ўзаро боғлиқ жихатларини аниқлаш киради. Бу ерда гап адабиётнинг ҳам ички, ҳам ташқи характери сабаблари ҳақида бормоқда. Бу, тадқиқотнинг кейинги босқичи, қиёсланаётган ҳодисаларда юзага чиқаётган кўплаб турли-туман алоқаларга йўналтирилиши кераклигини англатади.

Адабий алоқаларни уларнинг аҳамиятлилиги даражаси бўйича фарқлаш муҳим.

ИЧКИ АЛОҚАЛАР

Ички алоқалар, адабий ходисаларни қиёслаш, яъни бадий асар, муаллиф, мактаб, миллий адабиёт сингари тарихий-адабий бирликларни таҳлил қилиш, таққослаш жараёнида намоён бўлади. Бунда бадий оқим, метод, жанрлар, асарлар ва бадий тасвир воситалари қиёси таъсирларни аниқлаш методикасидан фарқли равишда адабий ва ижтимоий-тарихий шарт-шароитларга изчиллик билан ёндашишни тақозе этади. Тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилишга асосий эътиборни қаратиш ўхшашликни механик тарзда алоҳида ўрганишга йўл қўймайди. Натижада “мавзу ва шаклий ўхшашликлар”га берилиб кетишнинг олди олдинади.

Қиёсий таҳлининг биринчи босқичида ходисаларнинг ўхшашлиги, кейинги босқичда фарқли томонлари тамойилига асосланган қиёсий таҳлилда адабиётлараро параллеллар ва ўхшатишларнинг оддий йиғиндисига эга бўлинади ва бунинг ўзи қиёсий ўрганиш доирасини чегаралаб қўйиши мумкин. Шу боис бундай қиёс асосий вазифаси материалларни жамлаш ва уларни олдиндан таснифлашдан иборат бўлган компаративистиканинг дастлабки босқичи деб биламиз.

Д.Дюришин ички адабий алоқаларни ўрганиш борасидаги ишлардан Натали Вуликнинг 1967 йилда нашр этилган “Пушкин ва Овидий” тадқиқотини мисол қилиб келтиради.²⁶

Олима мазкур масала бўйича аввалги тадқиқотларга таянган ҳолда Овидий ижодининг А.С.Пушкинга кўрсатган таъсирини рус ёзувчисининг “Лўлилар”, “Борис Годунов”, “Евгений Онегин” ва “Метаморфозалар” (“Эврилишлар”) нинг қиёсига, биринчи навбатда, Татьяна ва Библис образлари ўртасидаги боғлиқларга қаратади. Вулик-ҳар икки образни яратишдаги алоҳида композицион унсурлар билан бирга қаҳрамонлардаги муҳаббат туйғусининг пайдо бўлиши ва кучайиб бориши, ва ниҳоят, севги иқрорини хат орқали баён этилишини қиёслайди.

Шунга ўхшаш якуний мантиқий хулосага эга бўлмаган ички алоқаларни ўрганишга бағишланган таҳлилларнинг натижалари турли йўсиндаги асосиз талқинларга йўл очиб бериши мумкин. Сўнгги йилларда адабиётшунослар эътиборини тортган масалалардан бири – Ғарб модернизм адабиётининг ўзбек адабиётига таъсири бўйича олиб борилган бир қатор илмий ишларни ички алоқалар тадқиқи тоифасидаги таҳлилларга қўшиш мумкин.

Хусусан, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, Т.Рустамнинг “Капалаклар ўйини” романлари, Н.Эшонкул ҳикояларида Ғарб модернистик адабиётига

²⁶Дюришин Д. “Теория сравнительного изучения литературы” М.: Прогресс, 1979, -С.115.

хос бўлган жиҳатлар ижобий ўзлаштирилган. Бундай хол қаҳрамонлар “мен”и – уларнинг ўзига хос ички дунёсини очиб беришда ижобий аҳамият касб этган. Шу билан бирга, миллий адабиётдаги анъаналар, реалистик тасвир принциплари изчил давом эттирилган тадқиқотларда таъкидланган.

Адабий алоқаларни ташқи ва ички турларга ажратиш тарихий-адабий аҳамиятга эга. Чунки мазкур тасниф тадқиқотчига адабий ходисаларни маълум бир муҳитда ўзлаштирилиши изчиллигини кузатишга ёрдам бериши билан бирга уларнинг тарихий аҳамиятини ҳам очиб беради.

Ана шу нуқтаи назардан адабий алоқалар воситасиз ва воситали алоқаларга ажратилади. Тўғридан-тўғри алоқалар ўзга адабиёт намуналари билан ҳеч қандай ёрдамчи воситаларсиз муносабатда бўлишни тақозо этади. Бунда фақат асл (оригинал) матнга мурожаат қилинади. Қабул қилаётган ва қабул қилинаётган томонларнинг воситасиз алоқалари тадқиқотчига адабий муносабатлар характерини тўғри баҳолаш имконини беради. Бундан фарқли равишда, воситали алоқаларни ўрганиш бир мунча мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки бунда учинчи (ёки бир нечта) омил-воситачи намоён бўлади. Назарий жиҳатдан адабий алоқаларда воситачи омили эътироф этилади. Лекин тадқиқотларда ушбу омил ёдга олинмайди ёки унинг роли етарли даражада эътироф этилмайди. Бироқ адабий алоқаларни ҳаракатга келтирувчи “воситачи ҳалқа” қонуниятларини ўрганмай туриб у ёки бу ходисаларнинг муносабатлари ҳақида етарли даражада тасаввурга эга бўлиш қийин.

Бундан ташқари, агар воситачи ролини учинчи миллий адабиёт ўтаётган бўлса, унинг тутган ўрнини батафсил ўрганиш дунё адабий жараёни қонуниятларини тадқиқи этишнинг ҳам узвий қисми ҳисобланади.


Воситачиликнинг оддий шакли публицистик чиқишлардир. Бунда оддий ахборотдан бошлаб илмий тадқиқотгача бўлган маълумотлар назарда тутилади. Воситачи вазифасини публицистлар, адабий танқидчилар, таржимонлар, ноширлар, шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари, радио, кино, телевидения ҳам бажариши мумкин. XX асрнинг бошларида ўзбек адабиёти учун воситачилик вазифасини рус ва жаҳон адабиётидан (рус тилидан) амалга оширилган таржималар, адабий-танқидий мақолалар ўтаган.

Адабиётлараро алоқалардаги воситачиликнинг алоҳида шаклини бадиий таржималар ташкил этади. Таржима концепсияси ва унинг адабиётлараро жараёнлардаги вазифасини ўрганиш қиёсий адабиётшуносликнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Шу боис таржиманинг қиёсий адабиётшуносликдаги ўрни масаласи алоҳида мавзуда ёритилади.

Адабиётни қиёсан ўрганишнинг моҳиятидан келиб чиқиладиган бўлса, воситачиликнинг энг муҳим ва жуда мураккаб омили ўз мамлакатига оид ёки бошқа миллатга мансуб адабий-бадий асар ҳисобланади. Жуда мураккаблигининг сабаби шундаки, асл матнга мувофиқ иш кўрувчи таржимондан фарқли равишда, асарнинг асл нусхаси ўз бадий бойликларини субъективроқ “фильтр”дан ўтказиб беради. Бу субъективлик нафақат муаллифнинг бадий ўзига хослигидан, бу билан таржимон ҳам дуч келади, шунинг билан бирга асарнинг ички қурилиши, унинг қайси жанрга оидлигидан ҳам келиб чиқади.

Агар коммуникация таржимадан қабул қилувчи томонга икки омил билан боғлиқ бўлган бўлса: бир томондан, таржимоннинг ғоявий-эстетик профили, иккинчи томондан – қабул қилаётган муаллиф, агарда асл манбанинг ўзи воситачи бўлса, бунга яна бир муҳим омил – қабул қилинаётган асарнинг ғоявий-бадий структураси қўшилади.

Жараённинг чех олими Иржи Деви томонидан таклиф этилган жадвали



Рус адабиётида бу масала юзасидан В.А.Жуковский ижоди диққатга сазовор бўлиб, у рус адабиётини Ғарбий Европа балладалари анъаналари ва немис “пассив” романтизми муҳити билан таништирди. Унинг Европа ва немис романтизми адабиёти ва рус романтизми вакиллари(масалан, Батюшков, Пушкин ва б.) ўртасида ғоятда ўзига хос воситачилигини ўрганиш, рас компаративистикасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

ТАРЖИМА – КОНТАКТ АЛОҚА ШАКЛИ

Таржиманинг асосий мақсадидан келиб чиқиладиган бўлса, унинг энг муҳим функцияси воситачилик бўлади. Бу функцияни ҳар томонлама баҳолаш учун таржима ишининг амалий методикасининг қиёсий таҳлилини амалга ошириш зарурати туғилади. Бунда конкрет тилда ишлатиладиган таржима усуллари ва йўллари кўриб чиқиш керак. Таржиманинг воситачилик функцияси асл матн ва таржимадаги бадий мазмунга эга бўлган маълумотларнинг ўзаро муносабати билан белгиланади. Таржима жараёнида таржимоннинг поэтикаси ва қабул қилаётган муаллифнинг поэтикаси билан боғлиқ бир қатор муаммолар пайдо бўлади.

Таржима назариясида таржима турли нуқтаи назардан талқин қилинади. Таржима назарияси оргинлар ва таржима ўртасидаги қонуниятлар таққсилади, улардан илмий-назарий хулосалар чиқарди. Таржимонлар эса маълум назарий қарашлар тизимига асосланиб иш кўрадилар. Таржима ҳам тилшунослик, ҳам адабиётшунослик нуқтаи назардан ўрганилади. У тил узвий боғлиқ бўлиб, адабиётшунослик нуқтаи назардан ўрганилганда ҳам тил хусусиятларни ўрганиш муаммоси кўндаланг бўлди. Яқин вақтгача бадий асарларнинг қандай таржима қилинганлигини кўрсатиш учун унинг қанчалик “содда” ва “тушунарли” эканлиги асосий ўлчов мезони қилиб олинар эди. Лекин таржимондан таржима этилаётган асарнинг умумий мазмуни ва ғоясини ёки ёзувчининг ўзига хос тили ва услуби, бадий мушоҳада шаклингни эмас, умуман, асарнинг асосий бисотини –ички ҳарорат ва бадий хусусиятларни тўла акс эттириш талаб қилади. Шу нарсани таъкидлаш керакки, назаримизда таржимани ва таржимага оид турли концепцияларни тадқиқ қилишда, адабиётлараро алоқа ва муносабатлар билан шуғулланувчи компаративистиканинг иштироки етарли даражада эмас. Қиёсий характердаги ҳар қандай тадқиқот ўз таркибига таржима масалаларни ҳам киритади.

Филологиянинг таржима масалаларига қизиқиши аксарият ҳолларда глобаллашув жараёнида инсон фаолиятининг барча соҳаларида халқаро алоқаларнинг янада ривожланиши билан боғлиқ. Таржима амалиёти ва назариясига, ташқи омиллардан ташқари, катта эътибор қаратила бошланишининг сабабларидан бири, тилшунослик ва адабиётшунослик ичида содир бўлаётган дифференциация жараёни билан боғлиқ. Бадий таржима соҳасида бадий образни таҳлил қилиш ва бошқа тилга таржима қилиш жараёнида асарнинг биринчи ўринга чикувчи элементларига эътибор устунлик қилади. Шу сабабдан, тадқиқотнинг бошланғич нуқтаси – таржима жараёнидаги муаммоларнинг ўзи, яъни таржима ишининг механикаси бўлиб қолади. Бунга таржимада адабий асарнинг миллий ўзига хос колоритини,

айниқса тил воситалари соҳасида, қофия, вазн ва шеър тузилишининг бошқа элементларини сақлаб қолиш каби масалалар киради. Шундай қилиб, таржима назарияси ва таржима техникасини ўрганиш, аввало нимани таржима қилиш, қай даражада “айнан” таржима қилиш, нимани ва нима учун ўзгартириш ва мослаштириш керак, каби саволларга жавоб ҳамда тавсиялар беришга қаратилган.

Таржима генетик алоқалар доирасига тааллуқли бўлиб, унинг асосий вазифаси бир мамлакат адабиёти билан бошқа мамлакат адабий жараёни ўртасидаги алоқаларни қўллаб-қувватлашдан ва икки ёки ундан ортиқ адабий тизимларни ички қиёслаш мумкин бўлган ўлчовларини таъминлашдан иборат. Бунда қай тарзда таржимани генетик адабиётлараро алоқалар жараёнига қўшиш мумкин, деган савол пайдо бўлди. Шу пайтгача бу жараёни тизимли кўриб чиқишда, таржимани таъсир этишининг муҳим шакли, деб баҳолаш анъанаси устунлик қилиб келган.

Дарҳақиқат, таржимани адабиётлараро алоқанинг ифодаси сифатида таъсир кўрсатиш ёки ўзлаштиришнинг намунаси деб қараш мумкин. Бирок кўпинча таржима қилинган асар қабул қилаётган адабиётда ҳар доим ҳам унинг ривожланишига, самарали анъаналарига, ва ҳатто хронологиясига мос келавермаслиги мумкин. Бу ҳолатда таржима алоқаларнинг ташқи контакт соҳасига тааллуқли бўлиб, унинг таъсир кўрсатиш имкониятлари паст бўлиши ёки умуман бўлмаслиги мумкин. Таржима усуллари ва концепциясини таҳлили натижаларидан келиб чиқиб, уни ташқи алоқа ёки ички алоқа соҳасига тегишли эканини аниқлаш мумкин.

Аммо генетик ёндашув таржимани кенгроқ доирада кўриб чиқишни инкор этмайди, чунки таржима, ўз табиатига кўра, кўпинча адабий ҳодиса кенгроқ қамровга эга бўлади. Баъзи томонлари билан у типологик доирага киради ёки унга ички боғлиқ бўлади. Бунда адабиётлараро муносабатлар жараёнида типологик ва генетик ўринларни ўзаро боғлиқ ва ўзаро кесишган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тезисининг қўшимча тасдиғини кўриш мумкин.

Асарни таржима учун танлаш тадқиқотчининг диққатини адабиётлараро алоқалар учун *қабул қилинаётган* томондан, асосийси эса *қабул қилаётган* адабиёт томонидан типологик асослар муаммосига олиб боради. Таржима амалиётидан маълумки, аксарият ҳолларда таржимонлар, айтилса ижодий фикрловчи таржимонлар, асар танлаётганда, қабул қилинаётган асарга эҳтиёж борлиги, ўзга адабиётга хос бўлган адабий ҳодиса ёки асарни ўзлаштиришга тайёр эканлини эътиборга оладилар.

Бунинг исботини таржима тарихидан олинган ҳар қандай миллий адабиётга қилинган сон-саноксиз таржималар мисолидан топишимиз

мумкин. XX асрнинг 30-йиллар ўзбек адабиётида буни кўплаб ўзбек ёзувчилари томонидан рус адабиёти, Мустақиллик йилларидан бошлаб эса жаҳон адабиёти намуналарини фаол таржима қилиниши мисолида кўриш мумкин. Адиблар таржима учун асар танлаётганда биринчи навбатда долзарб ижтимоий-сиёсий, маданий талаблар, ўзбек адабиётининг анъаналарига таянганлар.

Таржима адабиётиузвий равишда миллий адабиётларнинг тадрижий ривожланиш жараёнига қўшилиб кетади, қайсидир маънода улардаги камчилик ва етишмовчиликларни тўлдиради, ва шу орқали адабиётлар ўртасидаги боғловчи бўғин сифатидаги вазифасини бажаради.

Бироқ адабий жараённинг ҳолатини аксарият ҳолларда танлов эмас, таржима методи, у ёки бу таржима усулларининг қўлланиши белгилайди. Бунда аввало асарнинг қайси жанр ёки услубга мансублиги кўрсатувчи бадиий-адабий белгиларини таржима қилиш назарда тутилади.

Таржимоннинг асл матнга индивидуал ёндашувининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда, назмий ва насрий асарларни таржима қилишда қўлланиладиган усулларни қиёслаш жиддий ёрдам бериши мумкин, чунки кўпинча поэтик матн, таржимонга насрий таржимага нисбатан ўзгача талаблар қўяди. Назмда нутқий ифода насрга қараганда кўпроқ мажбурий табиат касб этади, шунинг учун вазн, банд, қофия ва ш.к.лар асл матн билан таржимани қиёслашда йўлланма вазифасини бажариши мумкин. Бу таркибий қисмлар назмий асарнинг бадиий тузилишида шу даражада муҳим аҳамият касб этадики, поэтик таржимани таҳлил қилишда кўпинча уларни қиёслаш билан чегараланилади, аммо бу таҳлилнинг самарасини камайтиради. Бу соф юзаки ёндашув бўлиб, бунда одатда, асарнинг бадиий ҳодиса сифатидаги ўзига хос поэтикаси эътибордан четда қолади.

Бундан ташқари, поэтик таржимани таҳлил қилишда сўзнинг лексик бирлик сифатидаги аҳамиятини эътиборга олиш керак, бунда асарда маъно, образлилик ва ҳис-туйғу биринчи ўринга кўтарилади. Шу билан бирга шеъриятнинг бошланғич бирлиги бўлган сўз шакл билан чамбарчас боғлиқ, ёки уни ўзига бўйсундиради, ёки унинг талабларига ўзи мослашади. Шаклни образлиликнинг ифодаловчиси бўлган сўз билан бундай алоқаси тадқиқотчига таржимонликка оид усул ва услубларни асос қилиб олса бўладиган мезонларидан бирини беради.

Насрда одатда бу вазифани нутқ ифодасининг синтаксик структураси, иборанинг композицияси бажаради. Бироқ насрда, бир томондан, шакл компоненти ва иккинчи томондан, иборанинг синтаксик тузилиши шеъриятдаги сўз ва шакл алоқаси билан айнан бир хил бўлмаганлиги сабабли, у таржима таҳлилида ҳал қилувчи омил бўлолмайди. Бу ерда

синтаксис ва шакл муносабати ўта қатъий бўлмагани сабабли, таржимонда уни ўзга тилга жонлантириш учун имконият янада камроқ. Бу ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар насрий асарлар таржимасини янада мураккаблаштиради. Шунинг учун таржиманинг назмий ва насрий усулларни ўзаро қиёслаш айниқса мақсадга мувофиқ, чунки у таржимоннинг асл нусхага нисбатан субъектив муносабатини очишга ёрдам беради. Кўриниб турибдики, таржима ҳақидаги аниқ тасаввурни шакллантириш учун бир қатор ташқи ва ички, объектив ва субъектив жиҳатларни эътиборга олиш зарур бўлади.

Таржимани таҳлил қилишда албатта унинг адабий ҳаётдаги ўрнини, яъни унинг адабиётлараро муносабатидаги коммуникатив функциясини эътиборга олиш зарур. Ушбу функция таржиманинг танлови ва поэтикасини, шу билан бир қаторда у ёки бу даврда миллий адабиётда устуворлик қилаётган тартиб ва қоидаларни ўрганишни таъминлайди. Таржима қонун-қоидалари ва юқорида таъкидланган жиҳатлар ҳамда улар билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида фақатгина абстракт тасаввурга асосланган таржимани ҳар қандай “объектив” баҳолаш тўлақонли бўлмайди. Назарий фикрлардан кўчирмалар олиб ёки аниқ бир таржима амалиётига таяниб, таржимонлик фаолиятининг зарурий шартларидан бўлган қиёсий тадқиқотларсиз таржима назарияси ҳақида фикр юритиб бўлмайди.

Таржимага мос ҳолда қўллаганда сўзларни “алмаштириш” эмас, аксинча, маълум маънода бадий асарнинг бутун тизимини, тузилишини “алмаштириш” масаласи кўтарилади. Гап сўз элементлари ёрдамида асл матн тизимида пайдо бўлувчи яхлит тизимидаги элементларни бошқа тилга ўгириш ҳақида боради. Таржимон ўзи учун бу яхлитликка эришиш усулини, бадий асар мустаҳкамлигини таъминловчи тамойилни аниқлаб олиши керак. Шундай қилиб, таржимоннинг вазифаси бу тамойилни аниқ билиб олиш ва ушбу асарга аниқ ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Таржима адабиётлараро ўзлаштиришнинг ўзига хос ва муҳим шакли ҳисобланиб, уни ўрганишда таржимоннинг асарга ёндашувидан ташқари яна кўплаб объектив ва субъектив омилларни ҳам эътиборга олиш зарур. Асл матн(оригинал)га ҳар жиҳатдан мос таржима деганда, унда мавжуд бўлган барча маълумотларни ўзга тил системасида янги шаклга кириши назарда тутилади. Бунда асл матн информация(ахборот)нинг ягона манбаи, таржиманинг тил системаси эса – ягона коди бўлиб қолади.

Бироқ, ҳар жиҳатдан мос таржима деб қабул қилинган асарда ҳам ноаниқликлар ва ўзгаришлар бўлади. Улар қуйидаги ҳолат ва омилларда намоён бўлади:

1) таржиманинг янги тил системаси ўзининг объектив аломат ва белгилари билан асл матннинг мазмун-моҳиятини тўла-тўқис очиб бера олмаслиги табиий;

2) таржимоннинг зехн, идрок, мойиллик, тажриба даражаси асарни қайта кодлаштириш жараёнида асл матндаги ниманидир тўлиқ беришга, ёки ниманидар назардан қочиришига олиб келади;

3) таржимоннинг асл матннинг барча хусусиятларини ифодалаш ёки ифодаламаслигига мойиллиги.

Ушбу объектив ва субъектив шартлар таржима сифати даражасини белгилаб, мезон вазифасини бажаради.

Таржима методини(таржимоннинг асл матн маъносини тўлиқ тушуниши ва уни қайта кодлаш қобилияти) ўрганиш бутунлай бошқа вазифани ҳал қилишни талаб қилади. Ушбу нуқтаи назардан ёндашилса, таржимадаги ўзгаришларнинг объектив ҳолат ва омиллари аҳамиятли эмас, чунки асл матн билан тафовутларнинг сабаби таржимоннинг шахсияти билан боғлиқ эмас. Аксинча, асл матнни изоҳлашда таржимоннинг ўзига хос усулларини текшириш учун ушбу омилнинг ҳаракат доирасини иложи борича аниқроқ белгилаш лозим.

Таржима қабул қилаётган адабиёт сифатида ўзининг функционал ўрни бўйича икки қарама-қарши нуқтаи назарни ифодалаши, улар орасида эса асл матнни турлича талқинлари жойлашади. Улардан бири – таржиманинг воситачилик функцияси бўлса, иккинчиси – ўз “ваколати чегараларидан чиқиб кетгани” сабабли, адабиётлараро муносабатларнинг ўзига хос шакли сифатида қабул қилинган функциядир.

Биринчи функцияни аниқлаш қийинчилик туғдирмайди, асл матндаги маълумотлар нисбатан объектив, сезиш мумкин даражада бўлади. Таржима маълум маънода ўзининг бошланғич ҳолатидан чиққан пайдан бошлаб, вазият мураккаблашади, асл матн билан ўзаро муносабатлар эркинроқ бўла бошлайди.

Асл матнга муаллиф ва таржимонга оид муносабатни аниқроқ чегарасини ўрнатишнинг имконияти борми?

Қисман бу муаммони аниқлик ва тўғрилиқ тушунчалари ўртасидаги семантик антиномиядан фойдаланиб ҳал қилиш мумкин. Масалан, рус таржимонларидан бири Шекспирнинг “Отелло” сини таржима қилганда, унинг ҳажми асл матндан деярли 60% га ошириб юборган, яна бир таржимон (Т.Щепкина-Куперник) эса француз адиби Эдмон Ростаннинг “Сирано де Бержерак” комедияси матнини бир ярим мартага катталаштирган. Қизиғи шундаки, асл матнга эркин ёндашиб, жуда ҳам аниқ таржима қилинмаган

бўлса-да, ўқувчи ва томошабинлар уларнинг мослаштирилган(адаптация) асарларини таржима деб баҳолаганлар.

Шу тарзда миқдорий ўлчов таржимада ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди. Асл матн “қисқартирилган” ёки “кенгайтирилган” таржималарни жаҳон ва ўзбек таржимоншунослигидан кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Ўзга миллат бадиий матнига бундай муносабат, ноаниқликлар бўлса-да, асл матнга нисбатан тўғрилиқни сақлаб қолганликлари учун таржимачилик фаолияти соҳасига киритилади.

Бунинг яққол далили сифатида Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарида ўзига хос ўрин ва аҳамиятга эга бўлган ҳинд эпоси “Калила ва Димна”ни, ёки ушбу асардаги “Заранг ва қамиш”, “Пашша ва чумоли”, “Судда бўрининг тулкига шикоят маймун томонидан кўриб чиқилганлиги”, “Шер, бўри ва тулки”, “Шерни кўмиш маросими” масалларидан фойдаланиб масаллар ёзган француз шоири Жан де Лафонтеннинг “асл матн”ларини жуда аниқ, худди ўзидай рус тилида қайтарган И.А.Крилов ижодида кўриш мумкин. Шунга карамай улар таржима эмас, балки оригинал, мустақил ижод намунаси сифатида қабул қилинади, чунки улар ўз характериға кўра “Калила ва Димна”даги масалларға “тўғри келмайди”. Гулханий, Лафонтен, Крилов масаллари шундай янги сифат даражасига кўтарилди-ки, натижада улар бирламчи маъносини йўқотиб, ўз шахсий поэтикасига эга бўлди. Масалнавислар шу даражада ҳинд эпосидаги умумий колорит, масалларнинг руҳини ўзгартириб юбориб ўз ватанлари урф-одатлари, расм-русумлари, таомилларига “мослаштирдилар–ки”, асл матн билан ғоятда синчиковлик билан қиёсланганда ҳам ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Шундай қилиб, ушбу ҳолатда таржима эмас, балки қадимги ҳинд эпосидан таъсирланиб ёзилган мустақил ижод ҳақида фикр юритиш мумкин.

Асл матнга муносабатларнинг хилма-хиллиги адабиётлараро рецепция шакллариининг турли-туман бўлишини олдиндан белгилайди ва улар адабиётни қиёсий ўрганиш ҳамда таржима назарияси мутахассисларининг тадқиқот объекти бўлади. Таржимоннинг режасига асл матнни ҳеч бир ўзгартиришларсиз ўгириш кирмайди, аксинча у таржимани ўз ғоявий-эстетик қарашлар тизимиға мос қилиб беришға ҳаракат қилади. Бунинг натижасида асл матн ва таржимон тасаввурида яратган, ўзига хос хусусиятларига эга бўлган синтезлашган асар пайдо бўлади. Бу таркибий қисмларнинг ўзаро нисбати мослашиш табиатини белгилайди ва шу билан бирға уни таржима соҳасидан ажратиб олиш ҳамда фақат қабул қилиш шакли сифатида баҳолаш имконини яратади.

Асли юнонистонлик бўлган қадимги Рим шоири Ливий Андроник Ҳомер “Одиссея” достонини латин тилиға таржима қилган. Европа адабиёти

тарихида биринчи бадий таржима намунаси сифатида баҳоланган мазкур таржима, Рим адабиётининг биринчи ёзма ёдгорлиги бўлиши билан бирга, қарийб икки аср давомида мактабларда асосий ўқув китоби бўлиб хизмат қилган.

Ливий Андроник асар таржимасига эркин ёндошади. Кўп ўринларда мисралар қисқартирилган, ташлаб кетилган, образлар ўзгартирилган, юнон мифологиясидаги маъбудларнинг номлари латин маъбудлари номи билан алмаштирилган. Андроникдан кейин ҳам таржима соҳасида оригиналнинг бутун хусусиятини сақлаб қолиш эмас, балки асарни Рим давлатининг маданий эҳтиёжига мослаштириш тамойили етакчилик қилди²⁷.

Адаптациянинг ёрқин намунаси сифатида М.Ш.Фериенчик томонидан таниқли рус ёзувчиси Н.В.Гоголнинг “Ревизор” комедиясини словак тилига қилган таржимасини ҳам келтириш мумкин. Таржимон асар воқеаларини Словакияга кўчирди, мос равишда кўплаб воқеалар ва персонажларни маҳаллий шароитга мослаштирди. Албатта бу комедияни словак ўқувчиси ва томошабинига яқинлаштирди.

Моҳиятан ҳар қандай ижодий таржимада асл матннинг таркибий қисмларида ўзгаришлар содир бўлади, бироқ у адаптация гуруҳига бу ўзгаришлар барча томонидан қабул қилинган меъёрдан ошиб кетса, бундан ташқари у таржимоннинг маълум бир мақсади билан юзага келган бўлса киритилади.

Адаптациянинг даража ва табиати муаллифнинг асл матнга муносабати, агар гап алоҳида тарихий даврдаги асар ҳақида борса, унда унинг жанр ва услубга оид тизимига, қабул қилаётган, яъни таржимоннинг адабиётига нисбатан долзарблигига, ўша замоннинг адабий анъаналарига қараб турли-туман бўлиши мумкин. Барча томонларни ҳисобга олиб асл матннинг бир қатор элементлари адаптацияга учраши мумкин. Асар ўз мамлакатининг адабий диди ёки китобхонга мослаштирилиши – воқеа жойи чекланиши, вақт чегаралари ва асар персонажлари ва ҳ.к. ўзгариши мумкин.

Гораций “*Exegi monumentum*” шеърининг миллий адабиётлардаги кўплаб таржималари адаптациянинг турли-туман кўринишларига мисол бўлади. У ёки бу асар таҳлил қилинганда, ватандошларини асл матн билан таништириш иштиёқи охир-оқибат таржимонни Горацийнинг қасидасига ўз шахсий вариантини қўшиш нияти пайдо бўлишини кузатиш мумкин. Бу билан адаптация кўпинча ўхшашликнинг бошқа тури – вариация билан кесишади. Агар, рус шоири Державиннинг “Ҳайкал” шеъри Горацийнинг қасидаси билан қиёсланса, биринчи икки банд Рим шоирининг аниқ ижодий

²⁷У.Ҳамдамов, А.Қосимов. Жаҳон адабиёти – Тошкент: “Баркамол файз медиа” – 2017. 73 б.

таржимаси бўлса, қолганлари адаптация тамойиллари асосида шу даражада ўзгартирилганки, асл матндан ҳеч нарса қолмаганини кўриш мумкин.

Буюк поляк шоири А.Мицкевичнинг “Eхegi monumentum” шеъри ҳам ўхшаш табиатга эга бўлиб, унда ҳам Горацийнинг мавзуси қайта ишланган, лекин шу билан бирга унда адабий травести²⁸ элементлари мавжуд ва бу нуқтаи назардан уни рецепциянинг дифференциал шаклига киритиш мумкин.

Асл матн: Горацийнинг шеъри

*Men misdan o‘rnatdim mustahkam xaykal,
Ehromlardan yuksak ulug‘vor basti
Vayron qila olmas uni hech mahal
Akvilon shamoli na yomg‘ir asti
Vaqt chopib borar o‘tar yil safi
Biroq men o‘lmasman ruhim oliya
Faqat jismim ketar Libitinadan
Meni qayta chorlar Kapitoliya*

*Oliy kohin borar bokira qizla
Ismim aytib oqar Aufid yo‘lida
Chunki men kuyladim muqaddas so‘zla
Cho‘pon qabilasi Davn elida
Eol qo‘shiqlarin kuyladi torim
Italiy yo‘liga jo‘natdim abad
Melpomena qabul et iftixorim
Delfa toji bilan boshimni bezat*

(Rustam Umrzakov tarjimasi)

Державиннинг таржимаси ёки адаптацияси:

*Я памятник себе воздвиг чудесный, вечный,
металлов тверже он и выше пирамид;
ни вихрь его, ни гром не сломит быстротечный,
и времени полет не сокрушит.*

*Так! Весь я не умру, но часть меня большая,
от тлена убежав, по смерти станет жить,
и слава возрастет моя, не увядая,
доколь славянов род вселена будет чтить.*

Слух пройдет обо мне от Белых вод до Черных,

²⁸ Травести – хотинларнинг эркакча ёки эркакларнинг хотинча кийиниб роль ўйнаши

*где Волга, Дон, Нева, с Рифея льет Урал;
всяк будет помнить то в народах неисчетных,
как из безвестности я тем известен стал,*

*что первый я дерзнул в забавном русском слоге
о доблестях Фелицы возгласить,
в сердечной простоте беседовать о боге
и истину царям с улыбкой говорить.*

*О муза! Возгордись, заслугой справедливой,
и, презрит кто тебя, сама тех презирай;
непринужденною рукой, неторопливой,
чело твое зарей бессмертия венчай.*

Ўзбекчаси:

Ҳайкал

*Кўл билан тиклаб бўлмас ҳайкал қўйдим ўзимга,
Халқнинг келар йўлини ўт-ўланлар қилмас банд;
У мағрур қад кўтарди бош эгмасдан таъзимга,
Александр қуббасидан ҳам баланд.*

*Йўқ, бутунлай ўлмайман – қалбим яшар лирамда,
Тупрогим-ла чиримай яшайди у то абад,
То бирон шоир-поир қолар экан оламда,
Мени сира тарк этмайди шон-шуҳрат.*

*Овозим-ла чулганар поёни йўқ улуғ Русь,
Ундаги эл-элатлар мени ёдлайди ҳар дам,
Мағрур славян насли, бугунги авом тунгус,
Фин халқи-ю даштлар дўсти қалмоқ ҳам.*

*Узоқ замон халқ меҳрига бўлажакман мушарраф,
Зотан, рубобим билан эзгу ҳислар тугдирдим,
Шу ёвуз замонамда куйладим эркни мақтаб,
Хор-зорларга ачинмоққа чақирдим.*

(Пушкиндан Рамз Бобожон таржимаси)

САНЪАТ ТУРЛАРИНИНГ ВОСИТАЧИЛИК ФУНКЦИЯСИ

Юқорида адабиётлараро бадиий бойликлар билан алмашишда ўзга миллат адабиёти ҳақида турли публицистик, адабий-танқидий ва тарихий-адабий нашрлар воситачилик функциясини бажариши ҳақида, кейин айнан шу вазифани бадиий асарлар ҳам ўташи ва ниҳоят, бадиий таржиманинг воситачилик функцияси ҳақида маълумот берилди. Шу билан бир қаторда, маънавий маданиятнинг бошқа шакллари ҳам воситачилик вазифасини бажариши мумкинлигини ёддан чиқармаслик керак. Уларнинг орасида тасвирий санъат ва кино биринчи даражали ҳисобланади.

Қиёсий ўрганиш фанини кенгайтиришга бўлган интилишлар реал асосга эга. Бунинг далили сифатидабадиий-адабий матн узвий таркибий қисм бўлган, адабиётга яқин жанрлар деб аталадиган, опера, кинофильм, драматик асар бўйича сахналантирилган театр спектакли жанрларини келтириш мумкин. Булардан кейинги ўринга ёзма матнга ўзига хос талқин берувчи, бадиий асарларга ишланган иллюстрациялар қўйилади. Адабий матнлар асосида яратилган мусиқий асарларни ҳам шу қаторда келтириш мумкин. Ўз навбатида турли даврларда, турли муаллифларга бадиий асарни яратишга ундовчи сабаб вазифасини бажарган тасвирий санъат, меъморчилик асарлари, муסיқа ёки рақс ҳам мисол бўла олади.

Санъатнинг ҳар хил турларининг ўзига хослиги коммуникатив коднинг бир хилда тузилганлиги, бадиий тилнинг бир элементдан иборат эканлиги билан изоҳланади. Бунда коммуникатив доира ичида маълумотлар ва ўхшашликлар ўта мураккаб тарзда ўзаро бир-бири билан кесишади. Турли санъатларнинг алоқалари, даража ва шакллари, жадаллиги ва ўзаро муносабатларнинг функционаллиги санъатларни қиёсий ўрганиш мавзуи бўлиб, санъатшуносликка дахлдордир.

Шунга қарамай, санъатларнинг алоқаси қиёсий адабиётшунослик шуғулланадигандан матлақо бошқа соҳа ҳисобланади. Адабий компаративистика адабиётшуносликнинг таркибий қисми бўлса, санъатларни қиёсий ўрганиш соҳаси ундан анчагина кенг майдонни ташкил қилади. Бадиий фаолиятнинг турли соҳалари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганиш, нафақат санъатнинг у ёки бу турини билишга, шу билан бир қаторда, бадиий ижоднинг умумий қонуниятларини очишга ёрдам беради. Демак, у диалектик умумийликни ва санъатнинг алоҳида турини умумийликнинг интеграциясида тадқиқ қилади. Адабиётни қиёсан ўрганишдан мақсад миллий-адабий ҳодиса ва жараёнларни ўзига хослигини адабиёт қонуниятлари биланбирга унинг халқаро кўламда мавжудлигини англашва охир-оқибат жаҳон адабиёти тушунчасига етиш ҳисобланади. Шундай қилиб, қиёсий санъатшунослик шуғулланадиган соҳа, эстетиканинг ваколат доирасига киради.

Адабий компаративистикани яхлит ҳолга келтириб ўрганишга бўлган мойиллик ва адабий алоқаларини ўрганиш, билвосита санъатшунослик доирасида билимлар тизимини яратишга бўлган интилиш билан боғлиқ. Қатъийлашган анъаналарга кўра, санъатшунослик ўз доирасига тасвирий санъат, мусиқа, бадиий ижоднинг ўзига хос шакллари(театр, кинофильм ва б.)ни олади. Шу билан бирга, бадиий адабиёт санъатшунослик доирасига деярли киритилмайди. Бир томондан, бу анъананинг пайдо бўлганига узок вақт бўлгани билан изоҳланса, иккинчи томондан эса бунда адабиёт табиатини санъатнинг бошқа турларидан фарқланишини ўзига хос тарзда тан олинишидан далолат беради.

Адабий компаративистикани санъатни компаратив тадқиқ этиш билан яхлит ҳолга келтиришга бўлган интилишларда, маълум маънода тадқиқот олиб бориш усулини – “адабий компаративистика” деб номланишининг аҳамияти катта бўлган. Адабий компаративистиканинг назарий қоидаларини қайтадан кўриб чиқиш натижасида бу тушунчани икки хил изоҳланиши маълум бўлди: бир томондан бу, ҳар қандай билишга оид жараёнда қўлланиши шарт ва зарур бўлган усул, иккинчи томондан – адабиётлараро алоқалар ва ўхшашликларни тадқиқ этиш усули.

“Адабий компаративистика” атамасини тарихий тушуниш кераклиги мутлақо равшан, яъни у тушунча сифатида тарихий-адабий тафаккурнинг маълум бир босқичида, айнан миллий адабиётлар шаклланган ва ривожланган даврда ҳамда улар ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилиш оқибатида пайдо бўлган. Айнан шу даврда адабиётшунослик тафаккури бу атамани истеъмомга киритди, у аввало асосий мақсадга эришиш, яъни миллий-адабий бирликларни қиёслаш ва чоғиштириш учун зарур бўлган бўлса-да, шаклланаётган тарихий-адабий билишнинг янги соҳаси моҳиятини очиб бера олмади. Шу сабабдан “*la literature comparee*” ва “*la literature generale*” атамалари доирасини ажратиш воситасида аниқлик киритишга ҳаракат қилинди. Албатта, “замонавий адабиётшунослик нуқтаи назаридан “адабий компаративистика” атамаси нисбий характерга эга. Агар ушбу муаммонинг мақбул ечими топилганда, адабий тарих ва компаративистиканинг талқинида дуализмдан ва “компаративизм” сўзининг асосий лексик маъносини мутлоқлаштиришдан қочиш мумкин бўлар эди”²⁹.

Санъатни қиёсий ўрганиш унинг ривожланиш ва типологияси қонуниятларини ўрнатиш учун замин тайёрлагани учун, эстетиканинг узвий қисмига айланади, унинг адабиётшуносликка муносабати, демак, адабий компаративистикага ҳам, тўғридан тўғри ва қатъий маъно касб этади. Санъатларнинг ўзаро муносабатларини тадқиқ қилиш жараёнида олинган

²⁹Джюришин Д. – с.139.


умумий хулосалар адабий компаративистика ва умуман, адабиётшунослик учун ҳам, назарий-методологик қўлланма вазифасини бажаради.

Адабий компаративистика ва адабиётшунослик учун санъатни қиёсий тадқиқ этиш бўйича чиқарилган хулосалари, адабиётлараро маданий бойликлар билан алмашиш жараёнида санъатнинг бошқа тармоғи иштирок этганда, ва айниқса у воситачилик вазифасини бажарганда долзарблик касб этади. Масалан, адабий асарлар экранлаштирилганда(кинога олинганда), мусиқа, театр, рақс ёки тасвирий санъат воситалари орқали ифодаланганда конкретлаштирилади. Шунингдек, олиш зарур-ки, асар ҳақидаги, айниқса ўзга миллат адабиётига мансуб асар ҳақидаги тасаввур, нафақат асарни ўқиш жараёнида, шунингдек, кенг маънода бадиий контекстнинг воситачилиги орқали шаклланади. Адабий асарни санъат воситалари ёрдамида шарҳлаш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади, ҳатто ўқишнинг ўрнини алмаштиради ёки ушбу ҳодисага баҳо беришни тўлдирди. Бу каби воситачилик, айниқса оммавий алоқа воситалари, адабиёт ва санъат асарларини жамоавий коммуникациялаш даврида жадаллашди. Асл нусха ва қабул қилаётган субъект ўртасидаги алоқа, икки орадаги санъат асарларини жамоавий идрок қилишда ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу ерда маълумотнинг ўзгаришга учраши мумкинлиги,масалан, кўпчилик бўлиб кинозалда, ёки аксинча телевизор экрани олдида ёлғиз ўтириб томоша қилиш омили билан ҳисоблашиш керак бўлади. Шундай қилиб, адабий компаративистика воситачиликнинг бу янги шаклларини ҳам санъатни қиёсий ўрганиш маълумотларига суянган ҳолда, эътиборга олиши керак бўлади.

Адабий компаративистика ва санъатни қиёсий ўрганишнинг ҳамма бўлиши мумкин бўлган алоқаларини кўриб чиқиш вазифамизга кирмайди, бироқ улар, шубҳасиз, ҳар икки томон учун самарали ва истикболли ҳисобланади. Адабиётни қиёсий ўрганиш бўйича тўпланган маълумотлар, санъатнинг алоҳида тармоқларини компаратив ўрганиш методологияси учун ҳам аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАРАРО ГЕНЕТИК – КОНТАКТ АЛОҚАЛАР

(Д.Дюришин таснифи)



ТИПОЛОГИК ЎХШАШЛИКЛАР

Биз ҳар бир миллий маданиятнинг яшаши ва равнақи учун тарихий зарурат саналган миллатлараро алоқалар авж олаётган даврда яшамоқдамиз. Жамият ривожининг ушбу босқичида ижтимоий-гуманитар, жумладан, адабиётшунослик мавқеининг ошиб бориши бадиий ижод ва маданият соҳалари қаторида ижтимоий онг ривожига ҳам таъсир ўтказмоқда. Бу адабиётлараро алоқалар ва таъсир масалаларига ҳам дахлдордир. Турли кўринишдаги адабий алоқалар эса барча даврларда адабиётнинг яшаши ва таракқиёти учун муҳим омил саналган.

Табиат ва жамиятда асосан такрорланувчи, бир-бирига ўхшаш ёки ўз табиати, тузилиши, моҳияти билан бир-бирига зид бўлган нарса, ҳодисалар қиёслаш объекти бўлиб хизмат қилади. Бу ҳол адабиётшунослик фани, хусусан, қиёсий адабиётшунослик учун ҳам бадиий-эстетик метод вазифасини бажаради.

Адабиётшуносликда маълум бир ёзувчи ёки шоир ижодини миллий ва халқаро адабий анъаналар билан қиёслаб ўрганиш муҳим илмий-назарий аҳамиятга эга. Чунки шундай қиёслашлар орқали ёзувчининг ижодий мустақиллиги ва унинг миллий, жаҳон адабиёти ривожигаги ўрни белгиланади. Ёзувчи ижодининг ўзига хос қирраларини ўрганишда ва англаб етишда уни бошқа бир ижодкорнинг ўхшаш асарлари билан қиёслаб таҳлил қилиш муҳимдир. Тадқиқотчилар сўнгги йилларда ўхшашликларни типологик бирлик асосида ўрганишга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Шунга қарамай, компаративистиканинг типологик ўхшашликлар деб аталувчи бу қисми назарий жиҳатдан генетик алоқаларга нисбатан чуқур тадқиқ этилмаган.

Миллий адабиёт нафақат ички имкониятлар, анъаналар ҳисобига балки, кенг миқёсдаги ўзаро ижтимоий-эстетик алоқалар орқали ҳам ривожланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир адабиёт ривожини уни яратган халқ тарихи, такрорланмас анъаналари билан боғлиқ бўлган таракқиётнинг ўзига хос қонуниятлари билан бирга адабий жараён ривожининг халқаро, умумбашарий характеридан келиб чиқадиган умумий қонуниятлари белгилаб беради. Адабиётларни қиёсий ўрганиш аслида адабий жараённинг ўзига хос ва умумий қонуниятларини тадқиқ этишдан иборатдир. Юқоридагилар асосида ўзига хос қонуниятлар асосан генетик-контакт алоқа турларини ўрганишда, умумий қонуниятлар, биринчи навбатда, типологик ўхшашликларни тадқиқ этишда тадбиқ этилади.

Ҳозирда адабиётлараро алоқаларни ўрганиш тизимида типологик ўхшашликлар алоҳида ўрин тутаяди. Ўхшашликлар тўғридан-тўғри алоқалар

мавжуд бўлмаганда ҳам намоён бўлиши мумкин. Бундай асарларни бир хил ёки бир-бирига яқин тарихий – ижтимоий шароитларда яратилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Бундай яқинликни типологик ўхшашликлар деб аташ мумкин бўлади. А.Бушмин таъкидлаганидек, типологик ўхшашликлар умумадабий тараққиёт қонуниятларининг ҳақиқий кўрсаткичи ҳисобланади³⁰.

Демак, типологик ўхшашликлар³¹ атамаси ортида турли адабиётлардаги ҳеч қандай алоқаларсиз халқларнинг яқин ижтимоий-тарихий, маданий тараққиёт босқичлари ёки инсон тафаккурининг универсаль қонуниятлари асосида пайдо бўлган ўхшаш ходиса ва жараёнлар назарда тутилади.

Аслида, типологик ўхшашликлардан ўзига хос бирликни қидириш қадимдан кўпчиликни қизиқтирган. Масалан, қадимги юнон адабиёти вакили Плутарх ўзининг “Қиёсий ҳаётномалар” асари билан типологик ўхшашликларни адабий жанр даражасига кўтарган деб хулоса қилиш мумкин. У қиёсий ҳаётномаларнинг 23 тасини тарихий ҳикоя схемаси асосида баён қилади. Асарда бири юнон, бири римлик бўлган Демосфен ва Цицерон, Перикл ва Фабий Кунктатор, Александр ва Юлий Цезарь, Алкивида ва Кориолан каби тарихий шахслар ҳаёти қиёсланиб, улар ўртасидаги яқин ўхшашлик ва фарқли томонлар баён қилинади. Плутарх муқояса объекти қилиб ҳар қандай тарихий шахслар ҳаётини эмас, балки ўз ҳаёти, фаолияти билан бир-бирига ўхшаш ёки яқин жиҳатлари бор бўлган инсонларни олади.

А.Дима ўзининг “Қиёсий адабиётшунослик тамойиллари” номли рисоласида Ғарбий Европа ҳаётидаги “қадимий” ва “янги” адабиёт вакиллари ўртасида 1683-1719 йиллари бўлиб ўтган баҳс ва тортишувларни қиёсий типологик услубдан фойдаланишга “уриниш” деб баҳолайди. Тўғри, “қадимий” ва “янги” адабиёт вакиллари ўртасидаги баҳс илмий компаративизм ривожига муҳим босқич бўлган эмас. Шундай бўлса-да, бу ерда қиёсий типологик услубдан фойдаланишнинг ишончли намунасини кузатиш мумкин. Чунки муҳолиф томонлар вакиллари билан бир қанча асарларида ҳар иккала даврнинг баъзи бир умумий жиҳатлари аниқланади.

Лекин XIX асрга келиб бу услубдан деярли фойдаланилмади. Бу ходисани адабиётдаги методлар алмашинуви билан изоҳлаш мумкин. Бунда Сорбонна университетининг таниқли профессори Абель Франсуа Вильменнинг қиёслаш услубининг келажаги ҳақидаги скептик руҳдаги фикрлари ҳам ўз таъсирини кўрсатган бўлиши мумкин. Унинг фикрича, тадқиқотчи орадаги ўзига хосликни кўрсатиш учун кераксиз икир-

³⁰Бушмин А.С. Наука о литературе ре. М.:Современник. 1980. –С. 164.

³¹ Бундан ташқари, конвергенциялар, аналогиялар, мосликлар, умумийликлар атамаларидан ҳам фойдаланилади.

чикирларга берилиб кетади ва шу билан бирга, ўхшашликларни қайд этиш истагида хусусиятларни нотўғри талқин қилади. Бундай нотўғри хулоса А.Ф.Вильмен томонидан бадиий жараёни қиёслаб ўрганиш усули фақат бир томонлама талқин қилиниши натижасида келиб чиққан бўлиши мумкин. Чунки қиёслаш усулига майда баёнчилик ва ҳато сюжет, образ, пейзажтасвирини тўғридан – тўғри кўчириб олиш, ўта “ўхшаб қолиш” хавф солиши мумкин.

Кейинчалик илмий доираларда қиёсий типологик тадқиқотларни қўллаб – қувватловчи фикрларнинг билдирилиши (Масалан, Леон Сельенинг “Параллелар зиддияти” мақоласи) унитилаётган услубнинг яна тикланишига ёрдам берди.

Адабиётлараро алоқаларни таснифлаш масаласида Д.Дюришин томонидан илгари сурилган тасниф диққатга сазовор ҳисобланади. У И.Г.Неупокоева, В.М.Жирмунский хулосаларига таянган ҳолда адабий алоқаларни генетик – контакт ва типологик ўхшашликларга турли назарий тадқиқотлар учун катта материал бера олишини ҳам таъкидлайди³².

Чиндан ҳам, типологик тадқиқотлар ўхшаш адабий ҳодисаларнинг жанр, услуб, қаҳрамон танлови масалаларига кўпроқ эътибор қаратганлиги билан адабиёт назариясининг мақсад ва вазифаларига мос келади. Мана шу нуқтаи назардан типологик тадқиқотларда нафақат ўхшаш адабий ҳодисаларни аниқлашга, балки муқояса объектлари ўртасидаги ўзига хос, оригинал бадиий ечимларнинг негизига кўпроқ эътибор қаратиш муҳимдир.

Д.Дюришин типологик ўхшашликларни учта турга ажратади:

1. Ижтимоий - типологик ўхшашликлар. Бунда ижтимоий шарт-шароитларнинг асарнинг ғоявий-фалсафий мазмунида акс этиши назарда тутилади. Ижтимоий ва ғоявий омиллар бадиий асар таркибига сингдирилган бўлиб, айниқса, ғоявий мазмуни, муаллифнинг давр, ижтимоий тузумга нисбатан фалсафий қарашларини ифодалашда яққол намоён бўлади. Бунда адабиётда ўз аксини топган илм-фан, санъат соҳалари ва ҳуқуқий онг ривожига туртки берувчи ижтимоий-сиёсий, ғоявий қарашлар, ахлоқга оид муаммолар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар доираси назарда тутилади.

Алоҳида олинган миллий адабиётларнинг ижтимоий онг кўринишларидаги фарқли ва ўхшаш жиҳатлар типологик ўхшашликлар ва ўзига хосликларнинг турли шакллари бўлишини тақозо этади. Бу ўринда типологик ўхшашликлар бир-бирига яқин жамият тараққиёт босқичида бўлган халқлар адабиётларида намоён бўлиши кузатилади.

Бу ҳолат турли фанлар қиёсан ўрганаётганда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, жаҳоннинг турли минтақаларидаги адабиётларни қиёсий

³²Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. –М.: Прогресс, 1979. –С.101.

тахлил қилаётганда ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим, чунки ижтимоий-ғоявий тизимнинг универсаллиги ва уни ҳаётнинг барча соҳаларига бўлган таъсирини, бир томондан тўғридан-тўғри адабий таъсир оқибатлари чегараларини, иккинчи томондан эса, ижтимоий-типологик ўхшашликларни белгилашда катта қийинчилик туғдирди. Контакт ва типологик омилларнинг мазкур ўзаро боғлиқ кўшилиши, адабиётлараро алоқалар ва ўхшашликларни ўзига хос шаклларини интенсив ҳосил қилишда иштирок этади. Таъкидлаш жоизки, адабий ҳодисаларнинг ижтимоий-типологик шартларганлигини тадқиқ қилиш натижалари, кўпинча ижтимоий онгнинг бошқа барча шаклларини ҳам аниқ англашга ёрдам беради.

Адабий ўхшашликларнинг ижтимоий шартланганлигига мисол тариқасида, XIX аср рус адабиётидаги “ортиқча одам” муаммосига бағишланган илмий тадқиқотларни келтириш мумкин. Маълумки, “ортиқча одам” образининг энг муҳим, бош хусусиятлари нафақат рус адабиётига, шу билан бирга етакчи Европа адабиётларига (романтик қаҳрамон тимсолида) ҳам хос эди. Бу ерда гап нафақат адабиёт қонуниятларнинг ўзига хос хусусиятлари ёки ижодкорлар руҳий ҳолатларининг хусусиятлари, шу билан бирга ақлий йўналишларнинг умумийлиги, умумевропа тарихий ривожланишидаги ўхшаш шароитларнинг ўзаро боғланганлиги ҳақида бормоқда.

Шунингдек, реалистик романнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини ижтимоий шартланганлик, О.Бальзак, Ф.Стендаль, Э.Золя, Ч.Диккенс, У.Теккерей ва бошқа кўплаб ёзувчиларнинг адабий таъсирларини ягона ва ҳал қилувчи омил деб бўлмади. Шубҳасиз, реалистик романнинг ривожланишида муайян ижтимоий ва миллий анъаналар ҳамда замон сабоқларининг бадиий талқини акс этган.

Адабий ривожланиш қонуниятларини ижтимоий шартланганининг қизиқ мисоли сифатида XIX аср танқидий реализми билан қиёслаганда XX аср танқидий реализмида янги хусусиятлар пайдо бўлганини келтириш мумкин. XIX асрнинг охири XX аср бошларидаёқ бир қатор миллий адабиётларида танқидий реализмнинг янги қирралари намоён бўлди, бунинг асосий сабабларидан бири бозор иқтисоди муносабатларининг тез сураатларда ривожланишида эди. Бу биринчи навбатда танқидий реализм XIX асрнинг 60- ва ҳатто 80-йилларида шаклланган адабиётларда кўзга ташланди. Бу даврда демократик анъаналар пайдо бўлди ва ривожланди, синфий зиддиятлар кучайди. Натижада танқидий реализм адабиёти янги хусусиятларни касб этди ва янги эстетик йўналиш ва ғояларни шакллантирди.

2. Адабий - типологик ўхшашликлар. Мазкур турдаги ўхшашликлар соф адабий ҳодисаларга асосланади. Борлиқни акс эттиришнинг махсус шакли бўлган адабиётнинг ўзига хос қонуниятлари ҳам бор. Адабий – типологик аналогияларнинг негизи ана шу ўзига хосликларда жамланган бўлади. Аналогия ёки ўхшашликлар бадиий услуб, йўналишларнинг, бир сўз билан айтганда, бадиий асар компонентларининг қонуният асосидаги ривожланиши натижасида вужудга келади.

Адабиётнинг бу соҳаси қиёсий-типологик тадқиқотнинг объекти бўлиб, айнан шу ерда у адабиёт назарияси билан бирлашади. Адабий-типологик ўхшашликлар бадиий адабиёт ички қонунларининг ҳосиласи бўлганлиги сабабли, бу ерда адабий жараённинг ҳам “юқори”, ҳам “қуйи” бирликларини комплекс равишда қамраб олиш таъминлиги риоя қилиш керак. Бадиий асардаги умумий ва фарқли жиҳатларни нафақат адабий йўналиш, жанрлар нуқтаи назаридан, балки ғоявий – психологик ёндашув, қаҳрамонлар тавсифи, композиция, сюжет, мотивлар, образлар тизими, тасвирий воситалар, шеър тузилиши унсурлари сингари бадиийликни таъминловчи компонентлар нуқтаи назаридан ўрганиш адабиётшунослик учун муҳим натижалар беради. Буларнинг барчаси тарихий поэтика тушунчасида бирлаштирилган бўлиб, у тадқиқотдан адабий компаративистика негизида назарий-методологик аниқликни талаб қилади. Бундан адабиётни қиёсий ўрганиш соҳасида доимий равишда муаммоларни, масалан, шеършунослик (шеър тузилишини), стилистика ва тарихий поэтиканинг бошқа таркибий қисмлари қиёсий ишлаб чиқиш керак, деган хулоса келиб чиқади.

Кейинги пайтларда адабий асар ва у билан боғлиқ жараённи чуқур ва тизимли очиб бериш мақсадида жанр ва услубга оид жиҳатларини ўрганишга қизиқиш ортди. У ўз олдида адабий асарни адабий жараённинг таснифлаш (классификациялаш) тизимидаги ўрнини аниқлаш мақсадини кўяди-ки, у ўз навбатида асарнинг ғоявий-бадиий таркибий қисмларини ҳам тавсифлашни талаб қилади. Адабий ҳодисаларнинг барқарорлиги, такрорланиб туришлиги ва ўзига хос холислиги ҳақидаги тавсифлаш қонунига мувофиқ, уларнинг фонида адабий тур ва жанрларнинг типологик ўхшашликлари, таъкидлаш жоизки, нафақат миллий адабиёт доирасида, шу билан бирга кенгроқ, адабиётлараро контекстда ҳам аниқланади. Бу эса қонуний равишда адабиётни жанрига оид ва қиёслаб ўрганиш ўртасида интерацияга олиб боради.

Бу нуқтаи назар адабиётни синхрон ва диахрон тадқиқ қилиш ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф қилишга олиб келади. Ҳар икки нуқтаи назарнинг синтезлашишига тарихий-адабий компаративистика

ривожининг табиий жараёни олиб келди, бунда амалиёт назарий ишланмалар билан асосланади.

3. Психологик-типологик ўхшашликлар. Замонавий адабиёт-шуносликда бадиий асарнинг адабий жараёндаги ўрнини белгилаш мақсадида жанр-услубий жиҳатдан ўрганишга катта эътибор қаатилмоқда. Бунда ижодкор шахсининг маълум бир асарни яратишдан индивидуаль психологик мойиллиги тушунилади. Компаративистлар кўп ҳолларда бундай кўринишларни қиёсланаётган муаллифларнинг табиатидаги рухий яқинлик билан изоҳлайдилар. Бунда психологиянинг бадиий ижод психологияси деб аталувчи соҳаси бизга ёрдам бериши мумкин.

Шу ўринда жуғрофий жиҳатдан бир – биридан олис, хронологик жиҳатдан ўттиз-юз йиллик фарқ оралиғида яратилган, лекин ғоя жиҳатидан яқин бўлган икки асарлар – Антуан де Сент-Экзюперининг “Кичкина шаҳзода” ва Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема”, Оскар Уайльднинг “Дориан Грейнинг портрети” ва Омон Мухторнинг “Кўзгу олдидаги одам” асарларини типологик ўхшашликлар сифатида қиёслаб ўрганиш улар ўртасидаги яқинликларни эътироф этиш билан бирга асарларнинг бадиий-эстетик қимматини янада аниқлаштиришга, ёзувчиларнинг ўзига хос маҳоратини кўрсатишга хизмат қилади.

Агар эътибор қаратилса, “Кичкина шаҳзода” ва “Оқ кема” қиссаси ўртасидаги ўхшашликнинг асоси бош қаҳрамонлар рухий кечинмаларида намоён бўлади. Бундай ассоциациянинг пайдо бўлиши сабабларини адабий алоқа, услубларнинг таъсиридан эмас, балки асарлар яратилган давр муаммолари, кайфияти ва уларни бадиий акс эттиришдаги ёзувчи истеъдоди, тафаккури, фантазияси имкониятларидан қидирмоқ керак. Ана шу муаммолар, уларни ҳал этиш учун олдинга сурилган ғоялар муштараклиги бир-бирига ўхшаш қаҳрамонларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Ўз қарашлари, атроф-олмага муносабати билан том маънодаги гуманист бўлган Сент-Экзюперини Иккинчи жаҳон уруши келтириб чиқарган очлик, қўрқув, шафқатсизлик каби фалокатлар билан бирга унинг “маънавий бирлик”ка раҳна солиши қаттиқ қайғуга солган. Ёзувчи бундай оғир рухий тушкунлик даврида ўз кечинмаларини ўзга сайёрадан келган мурғак бола образига кўчирган. Шундай йўл билан замонанинг шафқатсизликлари ва дағалликларига шаҳзода характеридаги соддаллик, самимийлик ва романтик дунёқараш қарши қўйилади.

Ч.Айтматовнинг эса ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар чигаллашаётган бир пайтда яратилган асари учун 7 ёшли болани бош қаҳрамон қилиб олиши унинг ижодида янгилик бўлди. Қиссада эзгулик,


гўзаллик дунёси ва инсонларнинг ғаразли алоқалари асосига қурилган реал дунё ўртасида қолган мурғак қалб изтироблари тасвирланади.

Жаҳон халқлари билан иқтисодий, маданий ва адабий соҳалар кундан-кунга ривожланиб бораётган ҳозирги даврда адабиётларни, адабий оқим, йўналиш ва ёзувчилар ижодини қиёслаб ўрганиш илмий ва амалий аҳамият касб этади. Бу бизга бошқа (қиёсланаётган) адабиётнигина эмас, ўз адабиётимизни ҳам яхшироқ англашга, унинг нозик жиҳатларини илмий-эстетик жиҳатдан таҳлил қилишга ёрдам беради.

Маълумки, жаҳон халқлари ўртасида тарихан сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда алоқалар, ижобий ўзлаштиришлар мавжуддир. Шунинг учун ҳам бу жараёни таҳлил қилиш ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайди, балки глобаллашув жараёнлари, хусусан мамлакатлар ўртасида иқтисодий, маданий соҳаларда интеграция авж олаётган XXI асрда янада муҳим аҳмият касб этади.

ТИПОЛОГИК ЎХШАШЛИКЛАР

(Д.Дюришин таснифи)



ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ

Д.Дюришин адабиётларни қиёсий таҳлил этиш масалаларини ўрганар экан бешта компонент ҳақида сўз юритади.³³ Қиёсий таҳлилдаэътиборга олиш зарурҳисобланган компонентлар қуйдагилар:

1. Қиёслашнинг мувофиқлиги;
2. Таҳлилнинг изчиллиги;
3. Адабиётлараро жараённи даврийлаштириш масалалари;
4. Қабул қилувчи ва қабул қилинувчи ходисаси ;
5. Янги контекстда вазифанинг ўзгариши.

Қиёслашнинг мувофиқлиги. Қиёсий адабиётшуносликда адабий ходисаларнинг қиёсий ўрганиш учун танлаш муҳим ўрин тутди. Қандай адабий ходисалар (асарлар, муаллифлар, мактаблар, йўналишлар, жанрлар ва бошқ.) ўзаро таққослаш объекти бўлиши мумкин? Қиёслаш объекти танлови асослими ёки эркин танланганми? Мана шу саволлар нафақат компаративистика олдида, кўндаланг бўлади, балки ҳар қандай билишга оид жараён ҳам улар билан бошланади.

Бунда тадқиқот мақсадидан келиб чиқилади. Тадқиқот мақсадини белгилашда эса мазкур соҳа бўйича мавжуд билимларга асосланади. Илмий изланишлардан олинган натижалар асосида баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Уларнинг аҳамияти мазкур соҳа бўйича максимал билимлар умумлашмасини қамраб олган методологик тизим даражасига боғлиқдир.

Адабиётшуносликда мана шундай билимлар умумлашмаси билан адабиёт назарияси шуғулланади. Ўз навбатида, қиёсий адабиётшунослик тадқиқот объектини белгилашда алоҳида адабий ходисаларнинг “умумий номланиши”ни акс эттирган асосий илмий категорияларга таянади. Қиёсий планда ўрганиш учун моҳияти, типик белгилари билан бир-бирига мос келувчи, яъни бир хил тизимга мансуб бўлган ходисалар танлаб олинади. Бу ўрнида олдиндан тадқиқот мақсадига жавоб бера оладиган қиёсий таҳлил аспекти белгилаб олиш муҳимдир. Тадқиқотнинг методи ва методик усуллари ана шунга боғлиқ бўлади. Қиёсий ўрганиш объекти фақат ўзига хос хусусиятлари ва моҳияти жихатидан адекват (мос) бўлган ходисалар бўлиши мумкин. Бунда ҳар қандай адабий ходиса тушунилади. Адабиётшуносликнинг замонавий тадқиқ методлари орқали адабий ходисани яхлит миллий адабиёт, адабий мактаб, йўналиш ва ёзувчи ижодидан тортиб сюжет қурилиши, шеър тузилиши, жанр кўринишлари сингари кичик структур бирликларга ажратиш мумкин.

³³Дюришин Д. Теория сравнительно изучения литератур. М.: Прогрес, 1979.-Б.202-241.

Демак, қиёслаш объектлари танлови тасодифий бўлмай, соҳадаги мавжуд билимлар захирасига таянган ҳолга амалга оширилади. Бунда дедукция методига таянилади. Қиёслаш жараёнининг ўзи индуктив характерга эгадир.

Таҳлилнинг изчиллиги. Ҳар бир илмий тадқиқот ишидан олдин объект қилиб олинган ҳодисалар кузатилиб, уларнинг сони ва хилма-хиллиги аниқланади ва қайд қилинади. Компаративистикада бу турли-туман материалларни тўплаш босқичига мос келади. Аниқ маълумотлар маълум даражада адабий алоқалар борлигини кўрсатади, адабиётларнинг у ёки бу ижодий шакллари бирга мавжуд бўлишини таъминлайди. Шу сабабли ташқи алоқадан маълумот берувчи барча алоқа ва ўхшашликларни аниқлаш биринчи галдаги аҳамият касб этади. Уни таҳлилга тортиб, биз кўпинча адабий алоқалар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўламиз ва тадқиқот йўналишини белгилаб берувчи бошланғич илмий фаразларга келамиз.

Бу ўринда, библиографик ва таржимаи ҳолга оид маълумотларни жамлаш, таҳлил учун қўйилган дастлабки қадам ҳолос.

Тўпланган маълумотлар таҳлилининг иккинчи босқичи адабий жараёнга бевосита боғлиқ бўлиб, бунда улар қабул қилаётган адабиётнинг долзарб муаммолари ва анъаналари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Бунда, мисол учун, таржималар ва улар орқали бадиий ҳодиса сифатида пайдо бўладиган муаммолар мажмуини ўша даврнинг адабий ижоди билан қиёслаш, яъни уларни қабул қилаётган адабиёт тараққиётининг контекстига қўшиш орқали амалга оширилади.

Қиёсланаётган асарлар яратилган аниқ адабий вазият фонида тарихий ва генетик аспектда таҳлил қилинади. Бошқача айтганда, биз асарларни тарихий-генетик аҳамияти нуқтаи назаридан – уларнинг у ёки бу босқичда ёки кенгроқ адабий контекстда ўз миллий адабиётидаги ўрни ва аҳамиятини кўриб чиқамиз. Аввало асарларнинг таркибий қисмлари бўйича мукамал таҳлили амалга оширилиб, қабул қилувчи ва қабул қилинувчи асарларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланади. Тадқиқотчининг диққат-эътибори қабул қилинаётган ҳодисага қаратилади, чунки у алоқанинг фаолроқ омилидир.

Қабул қилинаётган асарлар тизимидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш, уларнинг характерини ўрганиш имконини беради. Шундай қилиб, ўртасида муайян алоқа бор деб тахмин қилинган ҳар қандай иккита бадиий асарни таҳлил қилишда энг оддий элементлардан мураккабларига қараб бориб, элементлар тизимидан иборат бўлган асарнинг ўзи билан яқунланади.

Адабиётлараро жараёни даврларга бўлиш (даврийлаштириш) масаласи. Алоқаларни даврларга бўлиш, маълумотларни маълум бир яхлит

бўлакларга ажратиш компаративистиканинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан қиёсий адабиётшунослик бўйича олиб борилган тадқиқотларда даврийлаштириш муаммосига нисбатан катта эътибор қаратилади.

Адабиётлараро жараёни даврларга бўлиш масаласида тадқиқотчилар орасида яқдиллик йўқ, баъзи олимлар бу масалани стихияли, тажрибадан келиб чиқиб ҳал қилсалар, бошқалари тадқиқотнинг натижаси ва табиати кўра маълумотларни “механик” равишда маълум қисмларга бўлиш йўлидан борадилар, яна бирлари эса бу масалани ҳал қилишда, ижтимоий-тарихий ёки ижтимоий-маданий омилларни асос қилиб оладилар. Баъзан умумий адабиётлараро алоқалар тарихидан маълум бир қисмини олиниб, маълумотларни машҳур ёзувчилар атрофида бирлаштирадилар. Масалан, бу ёндашув бўйича XV- XVI аср ўзбек - форс-тожик адабий алоқаларини уч даврга: Алишер Навоийгача, Алишер Навоий даври ва Алишер Навоийдан кейинги даврларга ажратиш мумкин.

Адабий алоқаларни ўрганиш бадиий ходисалар ривожига ўзига хосликларни ва уларнинг тарихий шарт-шароитларини аниқлашни мақсад қилиб олади. Бу билан тадқиқотнинг аниқ предмети, унинг характери ва бундан келиб чиқиб даврлаштиришнинг белгиланган тамойиллари ойдинлашади. Агар маълум бир миллий адабиёт ривожланишининг ўзига хослигини қиёсий планда аниқлашни мақсад қилиб олган бўлсак, табиийки замонавий адабиётшунослик билимларига таянамиз. Умуман олганда, алоқаларни даврийлаштириш ва адабий жараёни даврийлаштириш ўртасида катта фарқ йўқ. Аксинча, улар ўртасида яқинлашув (конвергенция) кузатилади.

Адабий алоқаларни даврийлаштиришда аввало ўхшаш мезонларга таяниш лозим. Биринчи навбатда миллий-адабий жараённинг ўзаро нисбатидан келиб чиқилади, адабий омиллардан ташқарида бўлганлари эса уларнинг адабий жараёнда қай даражада акс этганлигига қараб белгиланади. Икки томонлама адабиётлараро алоқаларни даврийлаштиришда, қабул қилаётган адабиётнинг ривожланиш анъаналари диққат марказимизда бўлиши ва у алоқани амалга ошириш учун ўзида дастлабки шартларга эга бўлиши керак. Демак, икки томонлама алоқаларни даврларга бўлиш қабул қилаётган адабиётнинг олға қараб ҳаракатланиши билан таъминланади.

Адабиётни қиёсий ўрганиш Халқаро ассоциацияси томонидан тайёрланган “Европа адабиёти тарихи”да Европа адабий жараёнининг энг муҳим даври сифатида асосий адабий йўналишлар, ёки услублар танланган. Бундай қарорга эътироз билдириш қийин, чунки адабий услублар ҳақиқатан ҳам адабиёт билан боғлиқ маълумотларни қисмларга ажратиш учун мос

мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки классицизм, романтизм, реализм, модернизм каби асосий адабий услублар, йўналишлар, оқимлар нафақат адабиётнинг категориялари, шу билан бирга санъатнинг бошқа соҳаларини ҳам қамраб олади.

Қабул қилаётганлик ва қабул қилинаётганлик ҳодисаси.“Адабий муносабат” жараёнида иккита асосий омил: *қабул қилаётган* ва *қабул қилинаётган* томонлар фаол бўлади. Бу омилларнинг ўзаро муносабати рецепция табиатини олдиндан белгилайди, унинг оқибати эса ҳам қабул қилаётган, ҳам қабул қилинаётганнинг бу ҳодисага мойиллиги ва қизиқишига боғлиқ бўлади.

Қабул қилаётган ва қабул қилинаётган адабий ҳодисалар, аниқ фавқулотда адабий ҳодисалардир. Улар адабий алоқа жараёнида нафақат ўзига хос хусусиятлари, шу билан бирга умумий хусусиятлар билан иштирок этадилар.

Ижодий алоқа ташқи омилларни қабул қилишга шарт-шароитлар мавжуд бўлган адабиётда амалга оширилади. Бу қоида у ёки бу шаклда кўплаб компаративистлар томонидан эътироф этилган бўлса-да, улар асосан назарий асарларда ифодасини топган. Рус қиёсий адабиётшунослигининг асосчиси А.Н.Веселовский “ҳар қандай ўзлаштирама ўзлаштирилаётгандан фикрнинг қандайдир мухолиф ҳаракатини тақозо қилади...”, деб ҳисоблаган.

Рецепция жараёнида қабул қилаётган ҳодисанинг ҳал қилувчи роли адабий асарнинг барча таркибий қисмларига таъсир қилади. Бу айниқса катъий белгиланган адабий ўлчам, меъёр, қоидаларга эга бўлган шеърда ёрқин намоён бўлади ва бошқа миллий адабиётга мансуб шеър тузилиши тизимини қабул қилишга катта таъсир кўрсатади. Ижодий рецепциянинг энг умумий омилларидан ташқари бошқа муҳим жиҳатларни, масалан ғоявий ва ижтимоий муҳитни ҳам эътиборга олиш керак.

Рецепция жараёнининг умумий табиатга эга бўлган омиллари билан бир қаторда, бошқа, ўзига хос томонларига ҳам эга бўлган вазиятларни, масалан, қабул қилаётган муаллифнинг субъектив асослари, унинг бадиий ўзига хослиги ҳам унутмаслик керак.

Қабул қилиш жараёнида ёзувчининг индивидуал бетакрорлиги, ижодий табиати, фақат унга хос бўлган хусусиятлар муҳим аҳамиятга эга. Адабий мулоқот чоғида улар кўпинча асосий, ҳал қилувчи омилга айланиши мумкин, чунки адабий-бадиий кадриятларни ўзлаштириш учун танлашда субъектив мезон бўлиб хизмат қилади.

Янги контекстда вазифанинг ўзгариши.Маълумки, адабий ҳодиса бир-бири билан узвий боғлиқ элементлардан ташкил топган ва тугалланган яхлитликдир. Бадиий асарни англаш – ундаги элементлар ўртасидаги

узвийликни таъминлашга хизмат қилувчи қонуниятларни англаш ҳисобланади.

Адабий ходиса ўз-ўзича эмас, маълум бир адабий муҳит ва шароитда мавжуд бўлади. Адабиётшунослик нуқтаий назардан уни бадиий асар генезиси, яратилишига асос бўлган қонуниятларни тадқиқ этиш кейинги босқичда – тарихий ривожланиш жараёнида ундаги шаклнинг долзарблик касб этилишини ўрганиш тушунилади. Яни, биринчи гуруҳ масалалари аниқ тарихий шароит билан боғлиқ бўлса, иккинчи гуруҳ бадиий асарларнинг адабиётда кейинги тарихий босқичлардаги тақдири масалаларини ўз ичига олади. Биринчи гуруҳ масалалари адабиёт тарихи томонидан кенг миқёсида ўрганиб келинаётган бўлса, иккинчи гуруҳ масалаларига эътибор кам бўлган.

Бу ўринда қиёсий ёндашув асосан иккинчи гуруҳдаги муаммоларни ўрганишга қўл келишини эътироф этиш лозим. Агар бадиий асар генезисини ўрганиш асосида ундаги қатор унсурларнинг пайдо бўлиши аниқланса, кейин унинг маъно ва мазмунини бирламчи контекстда, яъний қабул қилинувчи ходисаси тизимида очиқ бериш лозим. Шу асосда уларни янги контекстга киритиш жараёнида асар элементларидаги кейинги ўзгаришларни ўрганиш учун замин яратилади.

“Қиёсий адабиётшуносликка кириш” бўйича назорат саволлари:

1. “Қиёсий адабиётшунослик”, “компаративистика” атамаларига изоҳ беринг.
2. Қиёсий адабиётшуносликнинг адабиётшуносликдаги ўрни ва вазифалари.
3. Европадаги дастлабки қиёсий-тарихий тадқиқотлар ва “қиёсий адабиётшунослик” атамасидан фойдаланиш бўйича нималарни биласиз?
4. Қадимги юнон ёзувачиси Плутарнинг “Қўшалок ҳаётномалар” асарига қиёсий-тарихий метод нуктаи назаридан қандай баҳо бериш мумкин?
5. Қиёсий-тарихий методнинг шаклланишида ака-ука Вильгельм ва Якоб Гриммлар қандай роль ўйнаган?
6. Соҳа тараққиётида рус олими А.Веселовский назарий қарашларининг ўрни.
7. “Сайёр сюжет” назарияси бўйича маълумот беринг.
8. Француз компаративистика мактаби ва унинг соҳа ривожигаги ўрнини изоҳланг.
9. Адабиётшуносликда “жаҳон адабиёти” концепцияси ҳақидаги тасаввурингизни баён этинг.
10. Адабий алоқа шакллари ҳақидаги В.Жирмунский, А.Дима ва Д.Дюришин таснифлари.
11. Контакт-генетик алоқаларга таъриф беринг.
12. Таржимоннинг адабий алоқаларда тутган ўрни ва роли.
13. Типологик ўхшашликлар уларнинг Д.Дюришин тасниф берган уч тури ҳақида нималарни биласиз?
14. Қиёсий таҳлилда эътиборга олиши лозим бўлган компонентлар.
15. Ўрта аср қаҳрамонлик дostonларининг қиёсий таҳлили бўйича қандай илмий тадқиқотлар мавжуд?
16. Ф.Сулаймонованинг “Шарқ ва Ғарб” асари-қиёсий адабиётшунослик учун муҳим манбаа.
17. Замонавий жаҳон адабиётидаги модернистик тасвир тамойилларининг ўзбек адабиётига таъсири нималарда намоён бўлмоқда?
18. Глобаллашув шароитида адабий алоқалар ва қиёсий адабиётшуносликнинг ўрни ва вазифалари.

А.Н.Веселовский

ПОЭЗИЯНИНГ ТАЪРИФИ ³⁴

Анчадан буён кенг тарқалган “поэзия назарияларини” ҳозирда қиёсий-тарихий грамматика ва қиёсий мифология талаб қилаётган билим талабларига жавоб берувчи янгироқ, муҳимроқ, аҳамиятлироқ нималардир билан алмаштиришга эҳтиёж сезилмоқда. <...>

Поэтика учун поэзиянинг мавжуд бўлган барча кўринишлари, Австралия туб аҳолисининг хор жўрлигида ижро этилувчи рақсларидан Шекспиргача манба бўла олади. Қамраб олинган соҳа қанчалик кенг бўлса, поэтик фактларни қиёсан ўрганишдан шунчалик кўп натижа кутиш керак, чунки янги поэтиканинг методи қиёсий бўлади. Ҳозирги пайтда поэтика ёки поэзия назарияси номи билан аталувчи фан, бунга ўхшаш нарсаларни изламайди, чунки унда барча нарса аён: унга илмий асосланган умумлашмалар Аристотель, Гораций, уларнинг издошлари ҳамда юнон фалсафаси ва эстетикаси шарҳловчилари томонидан берилган; XVIII аср унинг тушунчаларини поэзияни бошқа санъатлар билан бирлаштирган гўзаллик ва нафислик, мамнуният ва тақлид назариялари билан бойитди; Аристотель олдиндан кўра олмаган қутилмаган поэтик янгиликлар, унинг ўз доирасига сингдирилди, баъзан эса тубдан ўзгартирилди: Шекспир ва романтиклар унга раҳна солдилар; романтиклар ва ака-ука Гриммлар мактаби халқ қўшиқлари ва сагаларнинг битмас-туганмас соҳасини очдилар. <...> Эски услубдаги поэтика юнон ва рим классиклари манбаларига таянар эди, янгилик қиёслаш принципи бўйича эмас, балки эҳтиёж ва зарурат юзасидан киритиларди: ахир Шекспирни ўқиб чиқиш керак эди-да; замонавий натурализм билан ҳам ҳисоблашиш керак бўлади. Бироқ янги, доимо қайнаб-тошиб турган мусаллас учун эски мешларнинг етиши даргумон, балки шошилиш равишда тақаб солинган иморат ўрнига, янги бино қуриш – яъни, манба ва кузатишларга асосланган янги иморат – унинг соҳасига алоқадор бўлган махсус маълумотлар ва кузатувларга асосланган, ўз натижаларини санъатнинг бошқа соҳаларидан олиб ўзлаштирилган хулосалар ёнига эҳтиёткорлик билан сафловчи, ...янги поэтика ҳақида ўйлаш вақти келгандир. <...>

Ҳар доим ўзаро таъсир кўрсатиш, икки томонлама таъсир қилиш ва таърифлаш имконияти сақланиб қолади ва шахсий ижод факти объектив руҳнинг шакллари ва талаблари билан белгиланади. Мисол учун ҳарбий-

³⁴ Веселовский А.Н. Избранное: Историческая поэтика/ сост. И.О.Шайтанов. М. : «Российская политическая энциклопедия» (РОССПЭН), 2006. С. 81-170.

патриархал муносабатлар негизида пайдо бўлган Хомернинг эпосига қарама-қарши равишда, лирика ва драманинг шахсий поэзияси эпик тарз(уклад)нинг ибтидоий яхлитлигини парчалаган, юнон аристократияси ва демократиясининг пайдо бўлишини ҳамроҳ бўлиб кузатиб боради. Бундай узилиш дунёқарашда ҳам содир бўлди: эпик идеаллар тарих талаблари олдида асоссиз бўлиб қолди; бундан кейин улар торроқ тарихий муносабатлар заминида парчаланиб ва ишлаб чиқилади. <...>

Аслида қаҳрамоннинг поэтик ғояси мавҳум қаҳрамон ҳақидаги тушунча эмас; у қаҳрамонликлар, буюк ишлар, куч-қудрат ва ш.к. ҳақидаги тасаввур билан чамбарчас боғлиқ. Айнан шуни биз тўқима формуласи деб атаймиз; у қаҳрамон ҳақидаги кейинги тасаввур учун шарт. Агар унга диққат билан разм солинса ва таркибий қисмларга ажратилса, замонавий романнинг энг “инжик” тугуни ҳам, ибтидоий афсоналарда қонунийлаштирилган энг оддий формулаларга олиб боради. <...>

Поэтик ижод қонуниятларини ўрганаётганда, биз поэзиянинг тарихий ҳаракати барқарорлигининг бошқа меъёрларини топишга ҳаракат қилдик. Биз ўзимизга: инсон ҳозир шоир бўлиб қолгани йўқ; бир неча асрлар аввал у эпос яратган, ўз халқ қаҳрамонлик дostonларини куйлаган, минг йиллар давомида у афсоналар яратган ва ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган, қадим замонларда поэзиянинг тилини яратган, дедик. Биз ҳозир ҳам тилда унинг поэтик синтезда амалга оширган ишлари билан озиқланамиз: улар томонидан яратилган лингвистик шакллар тафаккуримизга хизмат қилмоқда, биз бугунги кунгача ҳам сўзнинг ўша образли, бир томонлама андазаларидан қийинчилик билан воз кечамиз ва тафаккурнинг тарихий йўлда қўлга киритган ҳар қандай янги ютуқларини бу андазаларга жойлаштиришимиз керак. Сўнгра, агар тилда шундай бўлса, афсона, эпос, онгли поэзия шаклларида ҳам бажарилиши керак бўлган шартлар йўқмикин?, деб савол бердик ўзимизга. Поэтик тўқима билан қисқача танишиш, тез орада ҳар қандай кишини унинг турли-тумандек бўлиб кўринган мавжуд заҳираси осонлик билан асрлар давомида қайта-қайта қўлланилган, унчалик кўп бўлмаган энг содда формулаларга олиб келишига ишонч ҳосил қилади. Орийларнинг коинотга оид Праматаси юнонларнинг Прометейида ва Шпильгагеннинг леосида такрорланади; афсона эртак, новелла, жозибали қисса аватарлари(эврилишлари) орқали ўтиб, қайсидир романлар кутубхонасининг кул ранг жилдида биз билан қайта учрашади. Поэтик тўқиманинг “зўравонлиги” биз ўйлагандан кўра кўпроқ, олдинги ривожланишда тайёрланган шакллар билан чегараланган...

Шу тарзда поэтик ижодга бир хил шакллар, бир хил жараёнлар такрорлашини шарт қилиниши қонунчилиكنинг икки ёқлама элементини

олиб кирган: рухий ва тарихий. Бироқ бу такрорланишда олға ҳаракатланиш қаерда қолади? Тараққиёт ва ривожланиш-чи? Ривожланиш, рухий жараённинг бир хил талаблари асосида, бир хил тарихий шакллар доирасида, мазмуннинг чуқурлаштириши, инсонийлаштириши, онг ишлаб чиқарган ҳаётий хулосалар ва назарий умумлашмалардан иборат. Шу пайтгача биз ғайришуурий ҳолда эски афсоналарни такрорлаймиз, кундалик нутқимиз маъносини ҳатто ўзимиз ҳам билмайдиган афсоналарга оид форумаларга тўла. Биз, тун тушмоқда, куёш нурларини сочмоқда, деймиз; бироқ ким ҳақиқатан ҳам туннинг “тушишига”, куёшнинг нурларини “сочишига” ишонарди, чунки ҳеч ким ўзида буни ҳис қилмаган. Қадим мифологик даврда бу каби баъзи иборалар реал маънога эга бўлган бўлиши мумкин эди, бироқ, балки, Ведалардаги “кулиб турган шафақ”, айниқса Эсхилнинг “кулаётган” тўлқинлари умумлашмага ишора қилади. Бизга ҳозир ҳам бу образлар бегона эмас, биз уларни Медицеялик Венера ёки умбрия мактаби Мадоннаси гўзаллигини тушунгандек тушунамиз, гарчи, эҳтимолдан йироқ эмас, улар юнон ёки италиялик католикнинг қалбида қўзғатувчи диний тушунчаларга ҳар доим ҳам қўшилмасак-да. <...>

Фикримизча, поэзияни тушунтириб бўлмаслик, асосан поэтик жараёни шоирнинг шахсиятидан бошлаганликларидан юзага келган. Дарҳақиқат, файласуф, олим, оломондаги ҳар қандай кишини тушуниб бўлмаганидек, шоирни ҳам тушуниб бўлмайди. Шахсни, физикага оид аппарат каби, бошқалардан ажратиб қўйиб бўлмайди ёки касаллиги туфайли, ёки куч ишлатилиб, ажратиб қўйилади – аммо бу ҳолатларда ҳам таҳлил унинг олдида кучсизланиб қолади, у унинг рухий аппаратини эгаллай олмайди, уни бошқа рухий зотлардан ажратиб турувчи хусусийлик нима, шахсга оид нималигининг жамлай олмайди. Шу сабабдан тарифу тавсифлар ҳеч қачон род ва тур категорияларидан чиқа олмайди, ҳеч қачон *ad hominet* га эришмайди. Бу ҳолда ва назариямиз нуқтаи назаридан, масалан, шоир бошқа одамлардан алоҳида таъсирчанлиги, зехни ўткирлиги, ҳодисаларнинг ташқи томонини апперцепциялаш қобилятига эга бўлиши керак, дейишимиз мумкин; микдорий фарқланиш маълум маънода сифат фарқланишига ўтади ва бизда мавжуд бўлган идрок, поэтик гўзалликни идрок қилиш қобилятига ўтиб, унда фаол куч – ижодга айланади. <...>

“ТАРИХИЙ ПОЭТИКА” МУҚАДДИМАСИДАН.
САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР³⁵

Адабиёт тарихи халқаро ҳуқуқ томонидан, *res nullius*³⁶ деб муқаддаслаштирган жуғрофий маконни эслатади, бу ерга маданият тарихчиси ва эстетика мутахассиси, зукко инсон ва ижтимоий ғоялар тадқиқотчиси ташриф буюрадилар. Уларнинг ҳар бири у ердан қобилияти ва дунёқарашига қараб мазмуни ҳар доим ҳам бир хил бўлавермаган, хоҳлаган нарсасини олиб чиқиши мумкин.

Улар меъёр юзасидан бир тўхтама кела олмадилар, акс ҳолда бунчалик қатъийлик билан адабиёт тарихи нима? деган саволга қайтишмаган бўлардилар. Унга нисбатан энг ёқимли қарашлардан бири тахминан қуйидаги таърифга тўғри келади: ижтимоий тафаккурнинг образли-поэтик кечинмалари тарихи ва уни ифодаловчи шакллар. Тафаккур тарихи – кенгрок тушунча бўлса, адабиёт – унинг қисман намоён бўлишидир; унинг ажралиб чиқиши поэзия нима, поэтик онг ва унинг шакллари нима эканини аниқ-равшан тушунишни тақозо қилади, акс ҳолда биз тарих ҳақида гапирмаган бўлар эдик. Лекин бундай таъриф, қўйилган мақсадларга жавоб берувчи таҳлилни ҳам талаб қилади. <...>

Нима сабабдан славян Шарқи Ўрта асрларда ўзининг нафис адабиётини, шахсий поэзиясини, адабий анъаналарини ярата олмади? Кўп нарсаларни славянларнинг маданият тарихи заминига кечроқ қадам қўйганлиги, Шарқ халқлари билан кураш олиб борганлиги, жуғрофий жойлашуви ва ҳ.к. билан изоҳлаш мумкин.

Биз фақат Ғарбда бўлгани каби, бу ерда ҳам – қадимги давр яхлитлигидан фарқли равишда, мактаб, илм олишдаги икки тарафламалик белгиланган, янгича ривожланиш табиатини аниқлаб берган қисмларга тўхталамиз. Бунда, бир томонда, биз ҳанузгача бойлиги, ранг-баранглигига унинг серб ва рус намуналарида ҳайратланидиган, колорити ва вазн ўлчови ўзига хос бўлган халқона рух, мажусий унсурлари, маросим ёки билиналарга хос поэзия бўлса; иккинчи томонда – ортида поэтик ва фалсафий, илм берувчи юнон ривоятлари бўлган черков туради. У славян негизида улардан воз кечди; хутба мақсадлари ва муваффақиятларига ҳам панд-насихатнинг тили бўйича, ҳам диндорлар учун лотин тилидаги Библиядан кўра тушунарлироқ бўлган, Муқаддас диний Китобнинг черков-славян тилига таржимаси бўйича халқ черковлари тамойили(принципи)га жавоб берди. Бу насронийлик таълимотини ўзлаштириш ва муваффақият қозониши маъносида, гарчи халқ-славян поэзиясининг кўшэйтиқодчилиги(икки динга эътиқод қилиши) Ғарбдаги ўхшаш ҳодисалардан ҳеч қандай фарқланмаса ҳам, эҳтимол, ундан очиқ-ойдинроқ бўлса ҳам, олға қўйилган қадам эди.

³⁵ Веселовский А.Н. Избранное: Историческая поэтика. М.: Российская политическая энциклопедия, 2006. с.57-80

³⁶ Эгасиз мулк (лот).

Славян Инжили маълум маънода мактаб ишлари характерини белгилаб берди:

<...> ўз шахсий халқ-поэтик хазинасини кўратишга ҳаракат қилиб кўриш учун бегона нусха ҳам тақлид қилишга намуналар ҳам бўлмаган. Агар ғарб адабиётини, халқ билан мумтоз лотин адабиётининг ўзаро чатишмасининг ҳосиласи сифатида тасаввур қилсак, унда славян Шарқда бундай чатишма тор маънода, саводхонлик ва черков маърифатчилиги томонидан белгиланган мақсадлар натижасида содир бўлди. Айнан шу сабабли поэзия ҳам бўлмаган.

Агар Европада адабиётнинг ривожланиши, ўз халқлари эволюциясига тақдим қилинганда қай йўсинда давом этиши ҳақидаги саволга жавоб топиш, чамаси, самарасиз шекилли, бироқ ҳақиқатда мавжуд далиллар учун баъзи назарий мулоҳазаларга туртки беради. Афтидан, жонли тадрижий ривожланиш, одатда бегона маданият таъсирида, баъзида эса хом нарсани бемаврид етилтиришга мажбур қиладиган, ички жараённинг фойдасига хизмат қилмайдиган навбатдаги босқичларни четлаб ўтмаса секинроқ содир бўлар эди. Юнон драмаси асосида маросим хор кўшиқлари ётади, улар бизнинг баҳорда доира бўлиб, ашула айтиб ўйналадиган қадимги рус халқ ўйинига(хоровод) ўхшайди; уларнинг жуда содда диний мазмуни Дионисга топинишда умумлаштирилди ва кенгроқ инсоний ғоялар учун намоён бўлди; бадий драма халқнинг биргаликда амалга оширадиган аграр ўйин-кулгисига кўшилиб кетди. Энди Ғарбга мурожаат қиламиз. Бу ерда ҳам ашула айтиб ўйналадиган халқ ўйинлари, энг содда драматик ҳаракатлар бўлган, лекин бунинг негизида кейинги ривожланишни кўрмаймиз; агар тегишли, умумлаштирувчи топинишнинг куртаги бўлган бўлса ҳам, улар тўхтаб қолиб, ҳосил бермади. Черков пайдо бўлди ва одатда ибодат пайтида янграйдиган куйдан диний саҳна тури – мистерияни яратди; бироқ у уни озуқа билан таъминлаб турувчи, ақидалар билан бирга ривожланиб амалга оширувчи ва ундан чиқувчи халқона асосдан маҳрум эди: черковга ҳос асос ташқаридан кириб келди, у бузилмас, ривожланиши мумкин эмас эди.

Кейинчалик, майдондаги саҳнага кўчиб ўтган бу диний театр, унга бир қанча маиший саҳналар ва комик образлар, психологик бўлмаган таҳлил ва ички конфликтни тушунмасликни киритган бўлиши мумкин; бу ерда мактаб Вергилийнинг киноя ва қочиримларига, тирик одамлардан фойдалангандек фойдаланган умумлашмаларга ўргатиб, меъёрдан ортиқ даражада тараққиёт берди: Нуқсонлар ва Яхши фазилатлар сиймосига <...>. Бу умумлашмаларни мистериянинг эпик-ҳаракатсиз, қотиб қолган қиёфалари билан кўшилиши кейинги ривожланишнинг имкони борлигига, драматик ҳаётнинг нишонларига ишора қилар эди. Слияние этих обобщений с эпически-неподвижными лицами мистерии указывало на возможность дальнейшего развития, на задатки драматической жизни. Шу аснода ўрта асрларда нафақат эркаклар, ҳатто аёллар монастирида ҳам Теренций комедияларини ўқишар, Сенекани ёдга олар эдилар; у билан яна қадимги драма нақллари кўлланила бошлади. XIV асрда унга биринчи ошқора ўхшатма ҳам пайдо бўлди. XVI асрдан бошлаб драма, оммавий равишда хуш кўрилиб, тан олинган адабий жанрга айланди: Шекспирнинг ортида Сенека тип(тур)идаги инглиз драмаси

туради. Драманинг бу юксалиши, машхурлигининг сабаби нимада? Агар адабиёт ҳаёт эҳтиёжларини акс этар экан, унда улар ва маълум поэтик шакллар ўртасида ҳаттоки улар биргаликда ривожланмаган тақдирда ҳам, баъзи мослик бўлиши эҳтимоли бор; онгда, руҳнинг ички талабларида, фақат далил бўла оладиган ҳукм ўзлаштирилади. <...>

1893

ШАРҚ ВА ҒАРБНИНГ АДАБИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ҚИЁСИЙ
АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ МУАММОСИ СИФАТИДА

1

Адабиётни қиёсий тарихининг асосий дастлабки шарти инсониятнинг ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнининг бирлиги бўлиб, у ўз навбатида ғоявий устқурмалардан бири бўлган адабиёт ривожланиши билан ўзаро боғлиқ. <...>

Таъкидлаш жоизки, бу маънода илгарироқ академик А.Н.Веселовский адабиётдаги ҳодисаларни тил ва ижтимоий турмуш фактлари билан қиёслаган эди. <...>

Веселовскийнинг бу ғояси “Тарихий поэтика” китобига асос бўлди, у ўзининг қарама-қаршиликлари ва тугулланмаганига қарамай, XIX аср адабиётшунослиги негизида тарихий-адабий синтезлашга бўлган улкан уриниш эди. Барча адабиётлар ривожланишини қамраб олувчи, тарихий поэтика назариясини яратишда Веселовский жаҳон адабиётининг ривожланиш жараёни ижтимоий ўзаро боғлиқ ва у умумий қонуниятларга бўйсунди, деган фикрга асосланади. Адабий жараённинг бу умумий қарашлар тизими(концепцияси) ҳеч қаерда аниқ шакллантирилмагани ва асосланмаганлиги сабаб унга ижтимоий ривожланишнинг бир хил босқичида бўлган, хронологик айти бир вақтда бўлишлик ва тарихий ўзаро таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ҳодисаларни: қадимги герман қаҳрамонлик эпосини “Илиада” ёки “Калевала”, Алкей ва Сапфоларнинг лирик тўртликларини итальян халқ *stornelli*лари, қадимги юнонларнинг диний драмаларини шимолий Сибирь халқларининг “айиқ драмалари”, қадимги юнонлар, герман ва кельтлар қабила ва дружина кўшиқчиларини Кавказ бахшилари, Ғарбий Европа жонглёрлари ва шпильманларини Судан гриотлари билан кенг миқёсда қиёслаш имконини беради.

Кўрсатилган ҳодисаларни кўриб чиқиш имконини берувчи – келиб чиқиши, географик тарқалиши, хронологик жиҳатдан бирор вақтга боғланганлигидан қатъий назар – бундай қиёслаш методи босқичма-босқич рўй бериши нуқтаи назаридан аҳамияти бир хил бўлган адабий ривожланиш жараёнини умумийлиги объектив қонуниятга асосланганини назарда тутди.

Бироқ, турли халқлар адабиётидаги бир-бирига ўхшаш тарихий ҳодисаларни аниқ қиёсий таҳлил қилишда, адабий жараённи босқичли(стадиал)-типологик ўхшашлиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда, аҳамияти жиҳатидан ундан кам бўлмаган халқаро адабий ўзаро таъсир кўрсатиш масаласи билан кесишади. Уни тўлиқ чиқариб ташлашни имкони йўқлиги кундек равшан. Инсоният жамиятининг тарихида бевосита ёки

билвосита ҳамкорлик ва ўзаро таъсир қилмаган мутлоқ якка, алоҳида ривожланган маданият(демак, адабиёт ҳам) аслида учрамайди. <...>

Бундай халқаро тажриба алмашиш сиёсий амалиёт соҳасида ҳам, мафкура соҳасида ҳам учрайди. Жумладан, адабиёт соҳасида ушбу масала “халқаро адабий таъсирлар” деб номланадиган муаммо сифатида намоён бўлади.

Бироқ, адабиётлар ўртасидаги кенг миқёсдаги ўзаро алоқаларнинг мавжудлиги, юқорида кўрсатиб ўтилган ва ўзаро алоқаларга нисбатан кенгроқ бўлган, адабий ривожланишдаги параллелизм масаласини кун тартибидан олиб ташламайди. Ҳар қандай тарихий муҳим “таъсир” ташқаридан амалга оширилган тасодифий, механик ҳаракат, ёзувчи ёки бир гуруҳ ёзувчиларнинг индивидуал таржимаи ҳолидан олинган эмпирик факт, янги чоп этилган бирор-бир китобча ёки расмга кирган адабий намуна ёки йўналиш билан тасодифан танишиш натижаси эмас. Адабиёт, мафкуранинг бошқа турлари каби, жамиятга оид воқеликнинг акси ва уни қайта қуриш воситаси сифатида, аввало аниқ ижтимоий амалиёт асосида пайдо бўлади. <...>

2

Адабиётнинг ривожланишида босқичли(стадиал)-типологик ўхшашликлар, айниқса, бир-бирлари билан тўғридан-тўғри ўзаро боғланиш ёки таъсир билан алоқада бўлмаган адабиётлардаги алоҳида асарлар, жанрлар ва услубларда, умумий ижтимоий-тарихий сабаблар билан ўзаро боғлиқ бўлган у ёки бу даражадаги ўхшашликлар намоён бўлганда аниқ-равшан кўринади.

Ижтимоий ривожланишнинг бир босқичига тегишли, ўзининг синфий моҳияти ва йўналишига кўра бир хил бўлган, ҳаттоки улар ўртасида генетик алоқа ва ўзаро таъсир мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам мафкуравий(жумладан, адабий) ҳодисалар ўртасидаги бундай ўхшашликлар жаҳон адабиётида ўйлаганимиздан кўпроқ учрайди. Айниқса, Ғарб ва Шарқ халқ ижодиёти асарлари ва ўрта асрлар адабиёти ўртасида кўп сонли ва ибратли ўхшашликлар мавжуд.<...>

1946

АДАБИЙ ОҚИМЛАР ХАЛҚАРО ҲОДИСА СИФАТИДА

<...>Россияда 1917 йилдан анча олдин, 1880-йиллардаёқ, филология факультетлари дастурларига умумий адабиёт фани киритилган эди. Аслида бу, славян халқлари адабиёти тарихига ўхшаш, Ғарбий Европа адабиётлари фани бўлиб, у миллий(рус) адабиётга қўшимча фан сифатида ўтиларди. Умумий адабиёт кафедралари Петербург, Москва, Киев, Харьков, Одесса, вақтинчалик эса бошқа университетларда фаолият кўрсатар эди. Петербург университетида бу кафедранинг 1870-йилдан бошлаб, кейинчалик академик бўлган, рус фанида қиёсий адабиётшуносликка асос солган, профессор Александр Николаевич Веселовский бошқарди. <...> “Умумий адабиёт” бўйича дарсликлар ҳам мавжуд эди; бироқ таълимнинг вазифаларига мувофиқ, улар Ғарбий Европа адабиётлари билан чекланган эди. Шундай бўлса ҳам, битта катта аҳамиятга эга бўлган ҳодисани эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади, бу: В.Ф.Корш ва А.И.Кирпичниковларнинг тўрт жилдли “Умумий адабиёт”и бўлиб, унга антик ва Ғарбий Европа адабиётларидан ташқари, Византия, славян ва Шарқ халқлари(Миср, Бобил, ҳинд, хитой, араб, турк) адабиёти ҳам киритилган эди(Корш В.Ф., Кирпичников А.И. *Всеобщая история литературы: в 4 т. М., 1880-1892.*). Ўз ўзидан маълумки, муаллифлар методологияси руҳида, жаҳон адабий жараёнидаги ўхшашликлар бу китобда ҳам хронологик параллел ҳодисалар оддий йиғиндиси билан чекланган.<...>

Ҳозирда Фанлар Академиясининг Жаҳон адабиёти институтида турли адабиётлар бўйича йирик мутахассислар жалб қилиниб, 10 жилдли “Умумжаҳон адабиёти тарихи”ни тайёрлаш бўйича жамоавий ишлар амалга оширилмоқда. У “Жаҳон адабиёти”ни чегараларини тушунишда “Европоцентризм”га чек қўяди ва ўз олдида унинг ривожланишини шунчаки эмпирик(тажрибага асосланган) маълумотлар мажмуи сифатида тасаввур қилишни эмас, балки унинг ички қонуниятларини тарихий жараён назарияси асосида очиб беришни мақсад қилиб қўяди.

АЛПОМИШ ҲАҚИДАГИ ЭПИК ДОСТОН ВА ГОМЕРНИНГ “ОДИССЕЯ”СИ

Халқ эпик ижоди ёдгорликлари халқнинг мардонвор тарихий ўтмишини идеаллаштириш кўламининг бадий тажассуми сифатида классик поэтик адабиёт меросида фахрли ўринни эгаллайди.

<...> Алпомиш ҳақидаги эпик достон қаҳрамонлик эпоси сифатида ўзбеклар, қозоқлар ва қорақалпоқларда(қўнғирот версияси); тоғли олтойликларда(“Алип Манаш”) – қаҳрамонлар ҳақидаги қадимий эртак сифатида маълум; у бошқирд ва Қозон татарларида(“Алпамиш” ёки “Алпамша”) замонавий, кўп жиҳатдан модернизациялаштирилган, “бўлиб ўтган воқеалар” сифатида мавжуд; XV-XVI асрлардаёқ у Озарбайжон ва Анатолияда “Кам-Буранинг ўғли Бамси-Байрак ҳақида ҳикоя” сарлавҳаси остида ёзиб олинган бўлиб, “Қўрқут ота китоби”га адабий қайта ишланган ўғуз қаҳрамонлик кўшиқлари ёки эпик ҳикоялар туркуми таркибига киритилган ва XIX асрнинг 30-йилларида ёзиб олинган кўплаб фольклор асарлари қаторида Анатолияда ҳозирги кунларгача халқ эртаги сифатида мавжуд. Шундай қилиб, бир томондан Олтойдан Ўрта Осиё орқали Волгагача, иккинчи томондан Кичик Осиёгача бўлган улкан ҳудудда жойлашган туркий халқлар орасида ушбу эпик достоннинг турли вариантлари яшаб келмоқда. Шу билан бир қаторда ўзининг келиб чиқиши бўйича у ушбу халқларнинг кўпсонли эпик достонлари орасида қадимгиларидан бири, балки энг қадимийси ҳисобланади <...>.

<...> Достоннинг генезиси масаласи учун Олтой қаҳрамонлик эртаги “Алип Манаш” алоҳида аҳамият эга бўлиб, таассуфки у тоғли Олтойнинг энг йирик бахшиси Н.Улагашевнинг чамаси, тўлиқ бўлмаган вариантида фақат бир марта ёзиб олинган(1940).

Ушбу вариант шубҳасиз архаик характерга эга: қаҳрамонлик эпоси бу ерда қаҳрамонлик эртаги тарзида берилган бўлиб, унда қадимий мифларга хос хусусиятлар яққол намоён бўлади.

Бенуқсон афсонавий баҳодир – алпнинг образи ҳам (анъанавий формула бўйича: “қизармоққа қони йўқ, ўлмоққа эса жони”), унинг забардаст, мўъжизавор, сеҳрли эврилишларга қодир, ақл бовар қилмайдиган даражада донишманд, қаҳрамоннинг совчиликдаги ягона ёрдамчиси, тилло тоғлар этагида жойлашган учта кўлларнинг биридан шифобахш тилло кўпикни топиб, алпни асирликдан қутқарган оти ҳам қаҳрамонлик эртагига хос. Баҳодирнинг ўзи ҳам оти сингари сеҳрли эврилишларга қодир: у хотинининг тўй базмида искирт, қўтир қирчанғи чол – Тос-Таракай қиёфасида пайдо

бўлади, унинг оти эса “тупрокка бир беланиб” рўдапо, дирдов отга айланади.(Алпомишнинг қиёфасини ўзгартириши сеҳрли эврилишнинг кейинги босқичларига алоқадор эканини кўрсатади). <...>

<...> Сюжетнинг Фарбий Европа вариантларидан фарқли равишда, “Алпомиш”да бир қатор мотивлар Ҳомер “Одиссея”сини эслатади. “Алпомиш”да биз “Одиссея”да бўлгани каби қашшоқлик ва хўрликда яшаётган кекса отани(Бойбўри ва Лаэрт), ҳаётига хавф солаётган зўравонлар томонидан жабрланган, вояга етмаган ботир ўғилни(Ёдгор ва Телемах), қаҳрамоннинг кули ва оила аъзоси қаторидаги дўсти сифатида тасвирланган ёрдамчиси(Қултой ва “илоҳий чўчкабоқар” Эвмей) учратамиз.

Умумий вазиятдаги ўхшашликнинг маълум даражадаги оқибати сифатида, бир қатор тафсилотлар диққатни жалб қилади.

Одиссей кулларини ўзига содиқ қолганликларини синаш учун, ўғлидан қайтиб келганини сир сақлашини сўрайди: “улардан қай бири сени ва мени ҳурмат қилиши ва яхши кўришини, қайсиси бизни унутиб, иззатга лойиқ бўлган сени ҳақоратлаб, иззат-нафсингга тегаётганини билиш учун”. Алпомиш ҳам Одиссейга ўхшаб халқнинг орасида ўз тарафдорлари ва душманларини билиб олиш учун, юртига қайтганини яширади: “халқнинг ичидаги душманларини ўз кўзи билан кўриш учун, халқни ва юртни билиш учун келди у...”. Бу мотив “Алпомиш”нинг бир қатор вариантларида ўзгартирилмасдан қайтарилади: Фозил Йўлдош ўғлида, қорақалпоқ вариантыда, ўғузларнинг “Бамси-Байрак”ида(“ким ўғузлар орасида менга дўст, ким душман эканини кўришим керак”).

Одиссейнинг сохта дўстлари ва сафдошлари унинг ватанига қайтаётганлиги ҳақидаги ёлғон хабар тарқатиб, Эвмейни бир неча марта алдаганликлари учун, энди у Одиссейнинг ўзига ҳам ишонмагани каби, Қултойнинг ёнига нотаниш одамлар келиб, уни ёлғон умид билан аврайдилар, ундан хушxabар учун суюнчи олиб лақиллатадилар: мана шунинг учун ҳам чол Алпомишнинг елкасидаги нишонни кўрмагунча унга ишонмайди(Эврикляя Одиссейни эски ярасидан қолган чандиғидан) танийди.

Одиссейнинг чўпон Эвмейнинг эски уйида меҳмон қилиниш(XIV-XV кўшиқлар) саҳнаси, чўпон Қултойнинг Алпомишни меҳмон қилишига жуда ўхшайди(қорақалпоқ вариантыда Ёдгор ҳам иштирок этади).

Тиланчи Ирнинг Одиссей томонидан жазоланиши(XVIII кўшиқ), маълум даражада Алпомиш ўзининг номини ўзлаштириб олган рақибининг тўй базмида ошпазларни жазолашига ўхшайди – бу эпизод кўнғирот, ўғуз вариантларида ҳам қайтарилган.

Одиссейнинг уйида содир бўлган таъсирли воқеа ҳам “Алпомиш”даги саҳнага ўхшаш: уй олдидаги бир уюм гўнг устида ўлар ҳолатда ётган, қари

кўппак Аргус, тиланчи чолда йўқолган хўжайинини таниб, унинг ёнига судралиб келади, думини ликиллади, жони узилади(XVII кўшиқ). “Алпомиш”да Қалдирғочнинг подасидан бўлган туя, хўжайини йўқлигида ўрнидан турмай, етти йил қимирламай яйловда ётади, унинг яқинлашиб келаётганини сезгач, кўкқисдан ўрнидан туради ва уни ватанига қайтгани билан кутлайди. Туя эпизоди нафақат “Алпомиш”нинг бир неча Қўнғирот вариантларида, шунингдек “Бамси-Байрак” ҳақидаги Анатолия эртақларида ҳам учраши, дostonнинг энг қадимги таркибидан далолат беради. Бойчиборнинг онаси - қари байтал воқеасига ўхшаш сахна унинг вариантларидан бири ҳисобланади: тойини таниган байтал, унинг атрофида хурсанд бўлиб айланади. Байрак ҳақидаги Анатолия эртақларининг бирида, уни ит(“Одиссея”да бўлгани каби) ва айғир, отнинг укаси танийди.

“Алпомиш”нинг аксарият вариантларига хос бўлган, келин ва унинг дугоналари билан бўладиган тўй кўшиқ-айтишувлари, “Одиссея”да мавжуд эмас. Дostonнинг ғарбий вариантларида кўпинча қаҳрамон саёқ хонанда киёфасида пайдо бўлади ва тўй базмида айтган кўшиғи орқали танилади(рус билинасида Добринянинг “куйи”, Ошиқ-Ғарибнинг кўшиғи).

Фақат “Одиссея” ва “Алпомиш” дostonларида “эрнинг қайтиши” билан боғлиқ қаҳрамонлик билан якун топувчи ечим – қаллоб-куёвлар ва тўйга келган меҳмон ўртасида паҳлавонлар камонидан ўқ узиш бўйича беллашув(камонни фақат ватанига қайтиб келган ва унинг соҳиби бўлган қаҳрамонгина торта олади) сақланиб қолган. <...>

<...> Шундай қилиб, Одиссей ва Алпомиш ҳақидаги дostonлар ўртасидаги тавсилотлардаги яқинликни, Гомер эпосининг адабий “таъсири” маъносида қабул қилмаслик керак... Бундай “таъсир” тарихий ҳақиқатга зиддир. Оғзаки эпик ижоднинг ҳар икки асари учун, эҳтимол, кўплаб халқларнинг фольклорида кенг тарқалган энг қадимги эртақ сюжети умумий манба бўлиб хизмат қилгандир... <...>

1957

Т.Белова

В.НАБОКОВ ВА Э.ХЕМИНГУЭЙ (ПОЭТИКА ВА ДУНЁНИ ҲИС ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ)

В.Набоков ва Э.Хемингуэй жаҳон адабиётига услубнинг тан олинган усталари сифатида кирган бўлиб, уларнинг ижоди янги давр бадиий оламини англашнинг характерли жиҳатларини ўзида мужассам этган. Нобель кўмитаси Э.Хемингуэйни нуфузли мукофотга айнан унинг замонавий ривоя услубини яратишдаги ҳайратланарли маҳорати учун лойиқ деб топган. Набоков услуби ёзувчининг ажойиб имкониятлари, унинг тенги йўқ сўз ўйинлари, ранг ва товуш хилма-хилликлари техникаси намойиши сифатида баҳоланади. Ҳар иккисининг индивидуал услубидаги ўзига хосликка қарамай (Э.Хемингуэйда услуб фавқулодда тежамкор, “Қирқилган”, “Телеграф”га хос, типологик жиҳатдан Чехов услубига яқин, Набоковда- метофорага бой, нақшинкор, безакли, шубҳасиз, Гоголь услубини ривожлантирган) ёзувчилар поэтикаси бир неча ўхшаш принциплар асосида шаклланган.

Аввало, бу фактик аниқлик тамойили бўлиб, унинг натижасида Э.Хемингуэй ва В.Набоков асарларида автобиографиклик жиҳатлари яққол кўзга ташланади, Э.Хемингуэй ҳеч қачон ўзи гувоҳи бўлмаган ва ҳис қилмаган нарса ҳақида ёзмаган. Набоков ҳам асарлари учун ўзи “натурачи вазифаси”ни ўтагани бир неча бор таъкидланган. Деярли XX аср тенгдоши сифатида (ҳар иккиси 1899 йилда туғилган) улар асрнинг темир панжаларини, фожеалари ва шафқатсизликларини ўз танида ҳис қилганлар- Э.Хемингуэй фуқаролар ва жаҳон урушларида, Набоков- мажбурий эмиграциянинг оғир синовларида. Ҳар иккиси ҳам доимо Ватандан узоқда яшади ва ижод қилди: Набоков 1917 йил инқилобидан сўнг Германия, Англия, Франция, АҚШ, Швейцарияда, Хемингуэй эса Канада, Италия, Франция, Испания ва Кубада яшаган. Адабиётга иштиёқ, ижодий жараёнга шўнғиб кетиш уларга дунёни қабул қилишдаги фожеавий иккиланишларни енгиб ўтишига ёрдам берди.

Аввал бошда ватанпарварлик шиорларига соддаларча ишонган Хемингуэйда фронтда кўрган-кўчирганларидан кейинги қарахт ҳолати, ёшлик чоғида кадрдон маданий муҳитни тарк этган ва унинг учун маънавий бегона, бошқа миллатга мансуб муҳитга тушиб қолган Набоковда эса бу- “муҳожир фарзандлари” “эътибордан четда қолган авлод” деб аталувчи феномендир.³⁷

³⁷ “Эътибордан четда қолган авлод”- В.Варшавский томонидан маданиятшуносликка оид бир қатор ишлари ва бадиий асарларида “муҳожир фарзандлари”нинг дунёни идрок қилишдаги фожеавий иккиланишларига нисбатан қўлланилган атама.

Хемингуэйнинг қахрамонлик ҳақидаги енгилмас, жасур образларида (Мануэль Гарсиа) ва Набоковнинг бир қарашда “қахрамон кишилар бўлмаган” Цинциннат Ц., Пнин ва ёзувчи Вадим Вадимович образларида уларнинг замонавий дунёдаги одам ахлоқининг идеали- Хемингуэйда “grace under pressure” ва Набоковда, ҳаттоки энг ноқулай шароитларда ҳам яратишдан тўхтамаган, ижодкор инсон образлари Цинциннат Ц., Пнин и ёзувчи Вадим Вадимовичларда мужассамлаштирилганини кўрамиз. Набоков ва Хемингуэй қахрамонлари –жамиятдан четлашиб қолган кишилар, (орқада қолганлар), дайдилар, бироқ муҳим бошпанага оилавий бахтга эга бўлишга муттасил интилиш улар учун хос хусусият саналади.

Рус адабиёти ҳар икки ёзувчи ижоди учун, гарчи турлича даражада бўлса ҳам, муҳим омил бўлди. Кембрижда бўлган пайтларда, Набоков бехосдан йўқотилган Россияни хотирасида тиклашга ҳаракат қилади, ва гўёки ўз ватанини рус адабиёти орқали қайта тиклайди.

“Бегона қирғоқда” асарида у : “Пушкин ва Толстой, Тютчев ва Гоголь менинг оламимни тўрт бурчаги бўйлаб турдилар”³⁸ – уч йилда “қунт билан” тикланган, балки сунъий, лекин менинг ғоят гўзал Россиям якунланди”, деб ёзади у. Ёзувчи бутун вужуди билан рус адабиётига берилади, у Набоков учун ҳақиқий паноҳга, унинг уйига, йўқотилган ватанига айланади. Айни шу пайтларда 1920- йилларнинг бошларида, Парижда бўлган Э. Хемингуэй Сильвия Бичнинг “Шекспир ва Компания” китоб дўконига боради, у бу ерда XIX аср рус ёзувчиларининг асарлари билан танишади ва Достоевский, Толстой, Тургенев, Чеховнинг у учун очилган дунёсига мафтун бўлиб, ғоят завқланиб ўқувчилик даври ҳақида: “Даставвал руслар бўлдилар, кейин бошқа барчалари пайдо бўлдилар. Лекин жуда узоқ вақт фақат руслар эди”³⁹, -деб ёзади.

Бир-бирига ўхшамаган ёзувчиларни яқинлаштирган бошқа, янада аҳамиятли поэтик тамойил икки планли ҳикоя қилиш тамойили ҳисобланади: улар ижодида бадий воситалар ва тасвир усулларининг бирикмалари: ўқувчига муаллифнинг содир бўлаётган воқеликка муносабатини аниқлаш имконини берувчи... такрорий сўзлар, турли-туман мотивлар, асардан асарга ўтувчи рамзий образлар, вазиятлар, калит сўзлар ёрдамида тузилган ҳикоя қилишнинг иккинчи рамзий (метафорик) даражадаги тагмаъносига алоҳида эътибор қаратилади. <...>

<...> Э. Хемингуэй ўзининг образ яратиш принципини “айсберг принципи” деб атади, бунда жуда муҳим, муаллифнинг “энг ўткир, нозик” фикрлари, содир бўлаётган воқеаларга берган хулосаси ҳамда эстетик

³⁸ Набоков В.Собр. соч: в 4 т. М., 1990, Т. 4. С.277.

³⁹ Hemingway E.A Moveable Feast. Renguin Books Ltd. Hatmondsworth, Middlesex. England, 1966. P.97.

идеалини мужассамлаштирилган бўлиб, улар асарларининг тагмаъносида теран яширинган, чунки асар матнининг айнан мазмуни унда яширинган асл маънога мос эмас, саккиздан еттиси ўқувчи нигоҳидан сўз тўқималари ортида яширинган бўлади.

Хемингуэй ёзади: “Ўқувчи тез-тез тасаввурига мурожаат қилиб туриши керак бўлади, акс ҳолда менинг энг ўткир, нозик фикрларимни тушуна олмайди”⁴⁰. Бу принцип маълум даражада В.Набоков асарларига ҳам хос бўлиб, у ўзининг энг асосий фикрларини ва воқеаларга бўлган муносабатини матнда шифрлаб кўяди ва ўқувчи билан нозик ўйин олиб боради. Бу ҳолда ўқувчи нафақат бўлаётган воқеаларнинг шоҳиди бўлади, шу билан бирга у қисман ёзувчининг ҳаммуаллифига, унинг ребусларини ечуви кишига айланади. Буни хусусан Хемингуэйнинг одатдагидан бошқача тузилиш эга бўлган “Бизнинг замонда” (1925) илк ҳикоялар тўпламида аниқ кўрсатиш мумкин: ҳар бир ҳикоя олдидан, мавзуси у билан ҳеч қандай боғлиқ бўлмаган лавҳа-миниатюра берилади: ундаги воқеа-ҳодисалар тинчлик даврида идиллик – романтик шароит фониди (табиат кучоғида, Мичиган кўли қирғоқларидаги кўл урилмаган ёввойи ўрмон) ёки чет элларда (Италия, Франция, Швецарияда) содир бўлади. <...>

Ҳар икки ёзувчи ўзларининг кўплаб асарлари – роман ва ҳикояларида “охирига етказмаслик” принципига риоя қиладилар, шу муносабат билан уларнинг персонажлари бир асардан бошқасига “кўчиб ўтади”. Масалан, Набоковда ўқувчи “Машенька” ҳикоясининг қаҳрамони Машенька ва унинг эри Алферовни “Лужин ҳимояси” романида ҳам учратади. Пнин шу номдаги романидан ташқари “Хира тортган олов”да, кейинроқ эса “Арлекинларга қара!” романида ҳам пайдо бўлади, Хемингуэйнинг Ник Адами ҳам бир ҳикоядан бошқаларига “кўчиб юради”.

Набоков ва Хемингуэй ҳикоялари бадиий нияти ва услубнинг умумийлиги билан ажралиб туради, бу эса ҳар икки муаллифда романга оид новеллистик бошланманинг синтези мавжудлиги ҳақида гапириш имконини беради. Масалан, Набоковнинг “Чорбнинг қайтиши”, “Айғоқчи”, “Фиальтда баҳор” ҳикоялар тўпламларида асосий мавзу- қувғин, беватанлик, Ватанни, онани, ёрни йўқотиш мавзулари бўлиб, ҳикоячи- қаҳрамон эса кўп ҳолларда Хемингуэй қаҳрамонлари каби- муаллифнинг *alter ego* си. Бу бадиий анъана 1920-1930 йилларда америкалик ёзувчилар: Ш.Андерсон (“Уайнсбург. Огайо”), Э. Хемингуэй (“Бизнинг замонда”, “Эркаклар аёлларсиз”), Э. Колдуэл (“Жоржиялик бола”) ва б.га катта таъсир кўрсатган Тургеневнинг “Овчи хотиралари” ва бошқа асарларига бориб тақалади.

В.Набоков каби, Хемингуэй асарларининг теран мазмуни уларнинг

⁴⁰ Hemingway E. Notes in: A Farewell to Arms. Lincoln, Nebraska: 1964. P. 12.

ўзаро муносабати, белгилар мажуми, ўзаро алоқаларида намоён бўлади, бу ўз навбатида китобхонни ёзувчининг ҳаммуаллифи сифатида асарларининг тағмаъносида яширган, “энг нозик, ўткир фикрлари”ини англай олувчи зукко ўқувчи сифатидаги алоҳида ролини белгилайди.

Набоков ва Хемингуэй асарларини киноя, ҳар икки муаллифда мужассамлаштирилган киноядаги вазият, киноядаги контрастлар, якуний жумла ва сарлавҳадаги киноя каби асосий услуб ясовчи тамойиллар бири-бирига яқинлаштиради. Америкача мешчанлик мавзуси ривожлантирилганда, кўпинча киноя сатирага айланади, америкача ҳаёт тарзи танқид остига олинади (Э. Хемингуэйнинг “Совға учун канарейка”, “Эллик минг” хикоялари ва В.Набоковнинг “Лолита”романи). <...>

Шундай қилиб В.Набоков ва Хемингуэй асарларини бадиий образ ва асарлар архитектуроникасини яратишга бўлган ёндашувдаги ўхшаш тамойилларнинг мажмуаси, муаллиф нуқтаи назарини ифодалаш усуллари, рус ва жаҳон адабиётининг бадиий анъаналарига бўлган муносабатлари, шунингдек улар ижодида акс этган дунёни ҳис этишнинг ўзига хос хусусиятлари яқинлаштиради.<...>

1999

ИБН СИНО ВА ДАНТЕ

<...>1955 йил Ереванда А.О.Шахсуварян томонидан “Ибн Сино ва жаҳон адабиёти” мавзуида номзодлик иши ҳимоя этилади. Унда Ибн Синонинг “Ҳайй ибн Яқзон” деб номланган фалсафий, аллегорик қиссасининг мазмуни Дантенинг “Илоҳий комедия” си билан муқояса қилиниб, Ҳайй – Вергилий, ҳақиқатни англашга интиланган қаҳрамон – интеллект Данте ўртасида ўхшашликлар аниқланади: Аввалам бор ҳар иккала қаҳрамон ҳақиқатни англаб етишга интиладилар, на Ҳайй ва на Вергилий қаҳрамонларни ердаги гуноҳларидан холи қилмайдилар, балки кўплаб синовлардан ўтказадилар. Данте дўзахнинг еттинчи қаватида аждаҳони йўлиқтиради, худди шундай эпизод Ибн Сино қиссасида ҳам бор, икки шохлик шайтон “Ҳаййда” берилган, бу Данте дўзахининг саккизинчи қаватида ҳам бор. Ибн Синода фақат тақводорлар кечиб ўтиши мумкин бўлган денгиз бор, Дантеда Аъроф тоғи атрофидаги денгиз, “Ҳайй” да баланд Қоф тоғи, Дантеда “Аъроф” тоғи... шундай қилиб, ҳақиқатан, ўхшашликлар оз эмас. <...>

Савол туғиладики, Данте “Ҳайй мавзуида яратилган асарлар билан таниш бўлганми?” Бунга аниқ жавоб бериш қийин. Рабби бен Эзра (Азро) томонидан 1174 йил яҳудий тилида яратилган “Ҳайй ибн Яқзон” лотин тилига ағдарилган. Аммо уни Данте ўқиган-ўқимагани номаълум. Юқорида тилга олганимиз испан араби, файласуф, ёзувчи Ибн Туфайл яратган фалсафий роман “Ҳайй Ибн Яқзон” Ибн Сино асари номини такрорласа-да, мазмуни бошқа. Ибн Туфайл асарида дашти – биёбонда қолиб, маданиятли муҳитдан узилиб қолган инсоннинг қандай қилиб ақлий етукликка эришувчи ҳақида гап боради.

Ибн Сино асари муаллиф (интеллект) ва ажойиб, гўзал, донишманд нуруний кекса Ҳайй ибн Яқзон ўртасидаги суҳбат шаклида ёзилган. Мажоз услубида яратилган бу асар шарқ файласуфлари орасида катта қизиқиш уйғотган. Фалсафий, ахлоқий категорияларни жонли образлар сифатида гавдалантириш Ўрта аср Шарқ адабиётида кенг тарқалган эди. “Ҳайй ибн Яқзон” ҳақидаги рисола ижобий ва салбий хусусиятлар ўртасида инсонда рўц берувчи ички кураш ҳақидаги оқилона ёзилган ҳикоядир. Бу ўринда Ибн Сино ҳар бир одамда яхши хусусиятлар билан бир қаторда салбийлари ҳам бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Фақат соғлом ақлига одамни адашувлардан сақлайди. Бир вақтларда Е.Э.Бертельс “Ҳайй ибн Яқзон” Дантенинг “Илоҳий комедия” си асосий мавзунинг тимсоли бўлиши мумкин, деган эди. Ибн Сино қиссасидаги Ҳайя тарихи умуминсоний интеллект, яъни

ақли куллий эволюциясининг тарихидир. Ҳар иккала асардаги асосий ўхшашлик абстракт тушунчалар, онг, ишқ кабиларни жонли персонажлар сифатида гавдалантирмоқ ва асрлар давомида қаҳрамонлар турли синовлардан ўтиб покланишларидир, ҳар иккала муаллиф онг кучига, инсон покланишига ишонадилар.

Шарқ ва Ғарб Ўрта асрларининг икки буюк намояндаси Ибн Сино ва Данте яратган асарларнинг ғоявий ўхшашлиги борлиқни англаб етишга беҳад интилиш ва инсоният келажагига Оптимистик муносабатда бўлишдадир. Фикримча, ўрта аср, X ва XIV аср Шарқ ва Оврупо жамиятидаги бир-бирига яқин бўлган асарларини келтириб чиқарди. Бу ўринда таъсир ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас.

Данте илм-фан, фалсафанинг асосий пойдевори Шарқ олимлари томонидан яратилган ва уларнинг асарлари, лотин ва баъзилари миллий тилларга ағдарилган. Оврупо мамлакатларининг зиёлилари бу иасарлар билан танишибгина қолмай, Шарқ олимлари таълимотларини ўзлаштириб, ўз ҳаётлариги тадбиқ этиб, ўзларининг ижтимоий сиёсий шароитларидан келиб чиқиб ўша руҳда асарлар ярата бошлаган даврда яшади ва ижод этди, бу жараёндан четда қолмади. Худди Данте даврида Италия лотин авероизмининг маркази ва умуман Прванс, Сицилиядаги Шарқ маданияти мухлислари, илғор фикрловчи олимлар, миллий тилда, дунёвий айниқса илмий мазмунда шеърлар яратувчи шоирлар ватанига айланган эди. Иккинчи томондан, илғор фикрлашга қарши қаратилган папа ва умуман дин арбобларининг кураши, папанинг Оврупо мамлакатлари сиёсий ҳаётини бошқариши масаласи атрофидаги кескин курашлар ҳам худди шу даврда бўлиб ўтган. Мафкура масаласида асосий прблема инсон масаласи, рух, унинг барҳаётлиги ва Аллоҳга муносабати Данте даври жамоатчилигининг диққат марказида турган. Албатта, замонанинг ўзига хос хусусиятлари буюк шоир дунёқараши ва ижодида ўз ифодасини топади. Мутафаккир шоир Данте кейинги давр Оврупо адиблари ва файласуфлари ижодий йўналишини аниқлаб берди. Унинг асосий кашфиёти исавия дини таълимотига зид ўлароқ, инсоннинг кадр-қиммати, борлиқдаги моҳиятини аниқлаш бўлди.

У даврдаги расмий тушунчага биноан инсон, шахс масаласи дин, ижтимоий табақаланиш ва табиат нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳал қилинган. Дин инсонни Аллоҳ билан боғлаган, лекин уни худонинг қули деб, тупроқ заррачаси билан тенглаштирган, жамиятнинг ижтимоий табақаланиши ва инсоннинг ҳуқуқи ҳамда масъулиятини аниқлаган. Данте “Илоҳий комедия” да ана шу уч омилни янги гуманистик дунёқараш нуқтаи назаридан ёритган.

Ўрта асрлар феодализм жамиятининг мафкураси исавия дини бўлиб, унда инсонлар ҳуқуқи тенглиги расмий равишда эълон қилинган бўлса-да, амалда бу тенглик фақат Аллоҳ олдида, нариги дунёдаги тенглик бўлган. Аммо шунга қарамай, инсонларнинг Аллоҳ олдидаги тенг ҳуқуқлиги кулдорлик жамияти мафкурасига нисбатан ижобий ҳолат эди. “Инсон гарднинг заррачаси” тушунчасига зид ўлароқ, Данте “Зиёфат” да “Аллоҳ донолигининг энг улуғ мўжизаси Инсондир” деб инсонни диққат марказига қўйди. Шоир гуманизм кенг, космик доирада қўйилган, у инсоннинг фалсафий, ахлоқий ва сиёсий доираларини аниқлаб беришга уринган. Инсонга бундай муносабат Овруро, умуман исавия динига эътиқод қўйган халқлар яшаган мамлакатлар учун мутлоқ янгилик бўлиб, тарихий моҳияти исавия таълимотидаги теоцентризм ўрнига антропоцентризмни тасдиқлаш ва шу нуктаи назардан инсон улуғлиги, қадр-қимматини кўрсатиш бўлди.

Юқорида айтилганидек, Шарқда ислом дини буюк файласуф олимлар таълимотида гуманизм, инсон улуғлиги ғояси ҳар тарафлама ишлаб чиқилган ва бу таълимот исавия оврупосига ҳам таъсир ўтказган эди. Шарқда ишлаб чиқилган Инсон ғояси Оврурога ҳам “табиатда инсонни ва инсонда табиатни кашф этишга олиб келади”. Аммо афсуски, шарқдаги “Инсон ғояси” шахс ғоясининг шаклланишига олиб келмади. Бу жараён Ғарб адабиётларидаги Шекспир, Сервантес каби буюк гуманистлар ижодида яқунланди.

XII-XIII асрларда илғор Овруро мамлакатларида авжга чиққан мафкуралар, ғоялар курашига Данте “Янги ҳаёт” ва, айниқса, “Илоҳий комедия” асарлари билан яқун ясади, “гуманизм” тушунчасига янги мазмун берди ва “инсон шахси” моҳиятига аниқлик киритди. Данте шахснинг қадр-қиммати, фазилатлари ва шунинг билан бир қаторда турли шароитда инсонга хос бўлган ижобий ва салбий хусусиятлар ҳам намоён бўлиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Унинг фикрича, инсонни Аллоҳ яратган, ер юзидаги ҳамма нарса инсон учун яратилган, Аллоҳ унга тафаккур ато қилган. Шу боис Аллоҳга суянган ҳолда ёвузликдан узоқлашиб яхшилик қилмоғи лозим. Ҳалол яшаш гуноҳ эмас, меҳнат, ижод ҳаётнинг асосини ташкил қилади. Аллоҳ инсонни фаришталардан паст қилиб яратмаган. Инсон ҳаётда эркин, маълум ахлоқий доирадан четга чиқмаган ҳолда фаолият кўрсатиши мумкин ва у Аллоҳнинг ердаги вакили. Данте бу фикрларни Шарқ мутафаккирлари, Ибн Сино ва Ибн Рўшд таълимотларидан топган. Данте томонидан Лимбга жойлаштирилаги ўтмишнинг буюк шоирлари, мутафаккирлари, айниқса, рим шоири Вергилийнинг йўлбошчилик қилиши унинг маслакдошлари кимлар экани масаласига аниқлик киритган.

Данте “Илоҳий комедия” да нариги дунёни тасвирлагани билан дўзах, аъроф ва жаннатга жойлаштирилган персонажлар тарихий шахслар бўлиб,

кўпчилиги шоирнинг замондошларидир. Асарда у дунё бу дунёнинг давоми сифатида тасвирланган. Данте кўплаб персонажлар билан суҳбатлашади, уларнинг ахлоқ қоидалари ва одамийликка мос келмаган қилмишларини қоралайди, баъзиларига ачинади. Асарни ўқиб Данте давридаги Италия ижтимоий, сиёсий ҳаёти ҳақида яхшигина тасаввурга эга бўлиш мумкин. Лекин адиб тарихни ҳам эсдан чиқармайди. Бунга Аърофга жойлаштирилган Тумарис яққол мисол бўлиши мумкин. Ибн Сино “Зарурий вужуд ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган бир бутунликни ташкил этиб, у энг иродали, кудратли, доно ва билувчи Тангридир. Қолган ҳамма нарсалар имкон тарзида мавжуд бўлиб, ундан, зарурий вужуддан келиб чиқади. Бошқача айтганда, Тангри ва қолган нарсалар сабаб ва оқибат муносабатидир. Бу келиб чиқиш эманация тарзида, яъни куёшдан чиқаётган нур шаклида аста-секин амалга ошади” деган. Данте эса:

Мен тушундим, қандайдир куч оқими,
Мени кўтариб осмонга олиб чиқмоқда;

У менинг кўзимга янги нур бериб ёритди,
Шундай нурки, қанчалик ёруғ аланга бўлмасин,
Кўз унга чидай олади.

Нур менга оқим қиёфасида кўринди,
Сеҳргар баҳордаги соҳилларда кенг ёритилган
Таралиб оқаётгандек

(Рай, XXX).

Даставвал шоирнинг нигоҳи олдида Арши аъло соҳилларида оловсифат гуллар ўсаётган, лаълга ўхшаш чексиз учкунлар чакнаётгандек кўринади. Лекин кўз ёруғликка ўргангач, шоир дастлабки ғояларни ташувчи, космосни ҳаракатга келтирувчи фалак руҳларини кўради. Гуллар такводор одамлар руҳига айланади ва ҳ.к. Дантенинг фикрича, файласуфларнинг олтин занжири ерни осмон билан бирикириб туради. Бу фикр ҳам Ибн Синода бор: узун бир бутун занжирнинг бир чеккасида Яратувчи тангри-зарурий вужуд, иккинчи чеккасида-табиат вужуди ётади.

Ва ниҳоят Ибн Сино “Рисола фи-л-ишқ” асарида “борлик, ҳаёт ишқ туфайли давом этади”, деган ғояни олға сурса, Данте “Илоҳий комедия” сани “Ишқ куёш тва ёритқичларни ҳаракатга келтиради” сўзлари билан тугаллайди.

Данте дунёқарши, ижоди, юқорида кўрган миздек, Шарқ фалсафаси, адабиёти таъсири остида шаклланиган аксиома, рад этиб бўлмас ҳақиқат деб

биламан. Шоир ижорди Оврупо адабиётининг кейинги давр ривожи, йўналишини аниқлаб бергани фанда аллақачонлар тан олинган. Демак, Шарқда яратилган фалсафа, химия, математика, медицина, астрономия, геология, табиат фанлари кейинги даврлар илми учун пойдевор бўлган экан, бадий ижодда ҳам Шарқ адабиётининг таъсирини асло инкор этиб бўлмайди.

(“Шарқ ва Ғарб” китобидан) 1997

Н.Каримов
ТАРЖИМА САНЪАТИ ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Одамзод қаерда, ер куррасининг қайси бир гўшасида яшаган бўлмасин, янги ҳаёт манзилларини кашф этиш, дарёлар, денгизлар, ҳатто уммонларнинг нариги соҳилидаги ҳаёт билан ошно бўлишга, ўша ердаги ҳаёт манбаларидан баҳраманд бўлишга интилган. У шу мақсадда сузишни ўрганган, қайиқлар ясаган, кўприклар қурган. Инсоният тараққиётининг муайян босқичига кўтарилганидан сўнг бошқа мамлакатлар ва қитъаларда яшаган халқлар бадий маданиятидан, нафис адабиёт оламида эришган ютуқларидан баҳраманд бўлишга катта эҳтиёж сезган. Одамзоднинг ана шу эҳтиёж тақозоси билан адабиётлар аро қурган “кўприги” ҳозир кунда “бадий таржима” деб аталади.

Жаҳондаги қайси бир ривожланган мамлакатнинг адабий ҳаётига назар ташламайлик, бошқа халқлар адабиётининг мумтоз намуналари таржима қилинганини кўрамиз. Ўзбекистон ҳам бу масалада истисно эмас.

Жаҳон икки улкан қисмдан – Ғарб ва Шарқдан иборат. Ўзбекистон жаҳоннинг араб, форс, ҳинд ва туркий тиллар устуворлик қилган шарқий қисмида жойлашган. VII асрдан бошлаб Ўрта Осиёда, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида араб тили, маълум сабабаларга кўра, иккинчи она тили мақомида фаолият кўрсатган. Ўзбек олимлари илмий асарларини араб тилида ёза бошлаганлар. Шу даврдан эътиборан араб тилидаги асарлар форсий ва туркий тилларга таржима қилина бошлаган. Айни пайтда араб оламида ҳам форсий ва туркий тилларидаги асарларга қизиқиш уйғонган.

Шу нарса ҳайратланарлики, Шарқда араб тили ҳукмронлик қилаётган бир даврда, 1340 йилда, туркий (ўзбек) тилига илк бор таржима қилинган асар араб муаллифининг эмас, балки форсийзабон Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин” достонидир. Тарих Қутб Хоразмий ташаббусидан илҳомланиб, 1390 йилда форсийзабон Саъдийнинг “Гулистон” асарини туркийга ўгирган Сайфи Саройига хоразмлик устози билан бирга мумтоз ўзбек таржима мактабининг асосчилари бўлиш шарафини берди. Шу даврдан бошлаб ҳозирги Ўзбекистонда бадий таржима ўзбек маданиятининг таркибий қисми сифатида яшаб, даврдан-даврга камол топиб келди.

XIX аср охири – XX аср аввалида рус-тузем, шунингдек, жаҳид мактаблари учун Саидрасул Азизий, Асқар ибн Байрамали Калинин, Абдулла Авлоний дарслик ва мажмуаларининг яратилиши шеърӣ ва насрий таржиманинг изчил тус олиши ва ривожланишида муҳим омил бўлди. 1917 йилдан кейин эса рус адабиёти намуналарининг ўзбек тилига таржима қилинишига катта эътибор берилди ва шу даврда бадий таржима соҳасига

катор истеъдодли журналист, шоир ва ёзувчилар кириб келдилар. 1922 йилдан бошлаб М.Ю.Лермонтов, Н.В.Гоголь, И.С.Тургенев, Л.Н.Толстой, А.П.Чехов, М.Горький, А.Блок асарлари таржима қилина бошлади. 1917 йилдан аввал Саидахмад Сиддиқий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган, аммо чор оҳранкаси чийриғидан ўтолмаган Гоголнинг “Шинель” қиссаси, ниҳоят, 1926 йилда китобхонлар кўлига бориб теги. Аммо бизнинг бахтимизга, халқимиз ва адабиётимиз бахтига, Шекспир ва Шиллер сингари жаҳон адабиётининг буюк намоёндаларининг асарларини юксак бадиий савияда таржима қилишга чоғланган ижодкорлар оз бўлмаган. Улар туфайли 20-30-йиллардаёқ Пушкин, Лермонтов, Гоголь, Толстой, Чехов сингари буюк рус; Сервантес, Шекспир, Шиллер, Мопассан, О.Генри, Твен, Тагор, Роллан сингари машҳур жаҳон ёзувчиларининг ҳам асарлари ўзбек тилига таржима этила бошлаган.

Шундай мураккаб туғилиш ва шаклланиш йўлини босиб ўтган ўзбек таржимачилиги 1935 йилда “Ҳамлет” трагедиясини буюк маҳорат билан таржима қилган Чўлпон туфайли мухташам бадиий мактаб мақомини олишга муваффақ бўлди. Шекспир “Ҳамлет”ининг ўзбек саҳнасида илк бор саҳналаштирилиши маданий ҳаётимизда қандай катта маданий воқеа бўлган бўлса, Чўлпоннинг олтин қаламидан чиққан “Ҳамлет” таржимаси ҳам ўзбек таржима адабиёти тарихида шундай улуғ ва унитилмас адабий воқеадир.

Агар аср бошларидаги жаҳид адабиёти асарлари у ёқда турсин, ҳатто 20-йиллар ўрталарида яратилган ўзбек адабиёти асарларининг тили билан қиёс қилсангиз ҳам, “Ҳамлет” ни таржима қилиш жараёнида Чўлпоннинг А.Қодирий билан биргаликда янги ўзбек адабий тилига пойдевор қўйганига ишонч ҳосил қиласиз. Ҳолбуки, Чўлпон ва Қодирийгача бўлган ўзбек адабий тили XVI асрнинг иккинчи ярми - XVII аср бошларида яшаган Шекспир ва бошқа Ғарб мумтоз шоир ва ёзувчилари асарларини таржима қилишга тайёр эмас эди. Шекспир тилида шундай ғаройиб халқ мақоллари ва мутойибалари, муаллифнинг ўзи тўқиган ҳикматли сўз ва иборалар, тарихий шахс, жой, либос, таом номлари бисёр эдики, уларни ўзбек тилида ифодалаш ва XX асрнинг 30-йилларидаги ўзбек китобхонларига етказиш учун Чўлпон араб, форс ва туркий тиллар оламида яшаган ўзбек тили хазинасини “титкилаб”, эскирган ёки бегона ҳисобланган сўз ва ифодаларга янги ҳаёт бағишлади, ўз бадиий тафаккурининг лисоний имкониятларини ишга солиб, янги сўзлар ва ифодаларини ижод қилди, уларни янги ўзбек тили тароналарида янградиб юборди.

Аслида, буюк асарларни таржима қилишнинг муҳим ва аҳамиятли томонларидан бири ҳам худди шудир.

1937 йил – совет мамлакатада нафақат “Катта қирғин” бошланиб, минглаб давлат, фан ва маданият арбоблари қамоққа олинган, балки Пушкин отилган куннинг 100 йиллиги нишонланган сана ҳам. Шу сўнгги воқеа муносабати билан 1936 йилда Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига мувофиқ Пушкин асарларини таржима этишга киришилди. Шайхзода ва Миртемир Пушкин лирикасини, Ҳамид Олимжон “Кавказ асири”ни, Абдулла Қаҳҳор “Капитан қизи”ни, Темур Фаттоҳ “Лўлилар”ни, Усмон Носир “Боқчасарой фонтани”ни, Ойбек эса “Евгений Онегин” шеърӣ романини ўзбек тилига таржима қилдилар. (Бундан аввал Чўлпон “Дубровский” қиссаси ва “Борис Годунов” трагедиясини ўзбек тилига ўгириб, китобхонларга ҳадя қилган эди.) Чўлпоннинг “Ҳамлет” устида олиб борган ижодий тажрибасини ўрганган Ойбек ва Усмон Носир Пушкин асарларини шундай илҳом билан таржима қилдиларки, бу таржималар ўша даврнинг маданий ҳаётида улкан воқеа бўлди.

Ойбек олдида турган вазифанинг машаққатли томони шунла эдики, французча жой, киши, асар, таом номлари билан тўлиб-тошган, айниқса, шу асар учун Пушкин томонидан маҳсус ишлаб чиқилган 9 ямб (9 ҳижо) ли, абаб, аабб, абба, аа тартибидаги қофия тизимига асосланган 14 сатрли “Онегин банди” билан ёзилган шеърӣ романнинг барча бадий хусусиятларини сақлаб қолиш амримаҳол эди.

Бевосита таржима масалаларига келсак, эркин таржима қилиш керакми ёки айнан таржима йўлидан бориш маъқулми, деган савол туғилади. Шубҳасиз, бадий асар таржимасида энг тўғри йўл – эркин таржима йўлидир. Лекин эркин таржима методини ҳам ҳар қандай асар ва ҳар қандай шоирга нисбатан қўллаш мумкин эмас... Лекин “Евгений Онегин”дек ўзида бутун бир даврни ифодалаган 5 минг йўллик романни эркин таржима қилиш қийин. У кичик шеър эмаски, таржимон унинг ички хусусиятларини англаб, уни янгидан, ўзича шеър тарзида бера билса...

Асардаги ҳар бир деталь маълум бир маънога эгадир. Ҳар бир деталь, ҳар бир чизиқ даврнинг кенг ва ҳар томонлама образини яратишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам биронта чизиқни, биронта детални тушириб қолдириш ёки уларни бошқача бериш таржимада ўша давр образини ҳаққоний ифодалашга путур етказди. Масалан, романдаги “*фагот, флейта*” сўзларини “*карнай*”деб таржима қилиш тўғри бўлмайди. Романнинг бир эпизодида эса Ленский *клавикорда* ўйнайди. Бу сўзни ҳам таржимада бошқа бир тушунча билан алмаштириш маҳолдир. Роман қаҳрамонлари балларда *мазурка, вальс* каби рақсларга ўйин тушадилар. Бу рақс куйларини *сегоҳ, чоргоҳсингари* ўзбек миллий куйлари билан алмаштириш тўғри бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу ўринда, менимча эркин таржима йўлидан бормай,

мумкин қадар оригинал руҳини сақлаб қолишга интилиб, адекват таржима қилиш керак бўлади. Бундай таржима методи Пушкин романининг руҳи ва маъносини бузмаслик имконини беради.

Пушкин асарини таржима қилишнинг бошқа мураккаб томонлари ҳам оз бўлмаган. Шулардан бири романда французча сўзларнинг, французча киши, асар, таом номларидир. “Евгений Онегин” да шундай жойлар ҳам борки, - деб давом этган Ойбек, - уларда французча сўзлар француз тилининг имло қоидалари асосида ёзилган. Бундай сўзлар ёзилишига нисбатан бошқача ўқилади. Бундай сўзларни тўғри талаффуз этиш, умуман, асарни тўғри тушуниш учун китобхон маълум даражада тайёрланган бўлиши керак. Китобхон асарда тасвирланган даврдан ташқари, Европа маданияти билан ҳам танишган бўлиши лозим. Масалан, Ленскийнинг табиатини тушуниш учун Кантнинг кимлигини ёхуд Онегиннинг нима учун Адам Смитни ўқишини билиш керак бўлади. Пушкин асардаги бир-икки чизиқлар орқали уларнинг, шунингдек, бошқа ёзувчи ва олимлар ижодининг моҳиятини очиб беради.

Таржимон олдида турган шундай жумбоқлар Ойбекка “Евгений Онегин”ни эркин таржима этиш имконини беради. Айниқса, “Онегин банди” нинг шаклий белги ва талабларига таржима давомида тўла риоя қилиш ва айти пайтда Пушкин шеърининг бадиий жозибасини сақлаб қолиш масаласи Ойбек олдида ҳисобсиз тўсиқларни қўйди. У шу вақтга қадар поэтик асарлар таржимасида катта тажриба ортирмаганига қарамай, Пушкин асарини юксак савияда таржима қилишга эришди. “Евгений Онегин”, “Боқчасарой фонтани” ҳамда "Демон"нинг Ойбек ва Усмон Носир қаламига мансуб таржималари замонавий ўзбек таржима мактабининг 30 – йилларда эришган энг катта ютуқларидан бири бўлди.

Ойбек Пушкин асарини таржима қилиш жараёнида кўп нарсани ўрганди. Ҳаттоки, 1946 йил октябрида “Қизлар” достонини ёзишга киришганида, ўзи ҳам абаб, абаб, аа тартибида қофияланган 10 сатрлик янги банд тизимини яратди. Афсуски, Ойбек бу банд тизими поэтик тафаккурнинг эркин ва равон оқимига ҳалал бериши мумкинлигини сезгач, ундан воз кечди.

Чўлпон ва Ойбекнинг таржима мактабида шаклланган Миртемир бутун ҳаёти давомида қозоқ, қирғиз, туркман ва озарбайжон адабиётлари намуналаридан ташқари, рус ва жаҳон шоирларининг асарларини ҳам ўзбек тилига қойилмақом қилиб таржима қилди. Лекин Миртемирнинг 50-йилларда Н.Некрасов ижодига мурожаат этиб, “Русияда ким яхши яшайди” достонини таржима қилиши ўзбек таржима мактаби учун фавкулудда катта воқеа бўлди. Айниқса, жулдур рус қишлоқларининг номларию, мужиклар оғзидан чиққан

халқона сўз ва ибораларнинг ўзбекона нусхаларини топгани таржимани аслият турган юксак поғонага кўтариб юборди.

Ўтган асрнинг 40-50-йилларида уруш, тикланиш, янги мафкуравий сиқувлар ва шахсга сиғиниш оқибатларининг фош этилиши каби сиёсий кампаниялардан сўнг, 60-йилларда совет мамлакатада эркинлик шабадаси эса бошлади. Даврнинг шу ҳаётбахш тўлкинида ўзбек адабиётига икки ўта истеъдодли шоир – Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов далил кириб келди. Тарих улардан бирининг зиммасига буюк Гётенинг “Фауст”, иккинчисининг елкасига эса буюк Данте “Илоҳий комедия” асарининг “Дўзах” қисмини таржима қилиш масъулиятини юклаган эди. Улар жаҳон адабиётининг шу икки дурдонасини катта илҳом, маҳорат ва сабр билан таржима қилдилар. Бу таржималарнинг майдонга келиши ўзбек таржима мактаби ва ўзбек шеърятининг янги тарққиёт босқичига кўтарилишига туртки берди.

“Евгений Онегин”нинг “Онегин банди” билан ёзилганлиги Ойбек олдида қандай қийинчиликни туғдирган бўлса, “Дўзах”нинг терцет билан ёзилганлиги ҳам А.Ориповга яйраб таржима қилиш имконини бермаган кўринади. Шу сабабли у “Илоҳий комедия”нинг қолган қисмини таржима қилишга журъат этмади. Лекин у умрининг сўнгги йилларида Дантенинг уч сатрлик банд тизимидан истифода этган ҳолда бир неча гўзал ва пурҳикмат шеърларни яратди. Бу, Данте билан ғойибона мулоқот А.Ориповнинг руҳий оламида чуқур из қолдирганидан дарак берди. Гёте асарини таржима қилиш таржимондан қанчалик катта энергияни талаб қилганига қарамай, Э.Воҳидов “Фауст” таржимасини муваффақият билан тугатди. У шу жараёнда турлитуман сирлар, жумбоқлар билан тўла “Фауст”нинг мағзини чақиб, улуг немиснинг ижодий лабораториясига дадил кира олди.

Бу икки гениал асарнинг ўзбек тилига таржима қилиниши ҳар икки шоир учун катта мактаб бўлди.

Бадий таржима мактаби шаклланмаган миллий адабиётнинг келажаги бўлмайди. Ҳар бир миллий адабиётнинг ривожланганлик даражаси миллий адабий анъаналарнинг барқарорлиги ва ўзига хослиги билангина эмас, балки шу анъаналарнинг бошқа миллий адабиётлар билан ижодий алоқада бойиб, шу адабиётлардаги энг яхши адабий-бадий тамойиллардан, ижодий ютуқлардан баҳраманд бўлиб борганлиги билан ҳам белгиланади.

А.Сабирдинов

ОЙБЕК ВА УОЛТ УИТМЕН

Америка адабиётининг пешқадам ижодкори Уолт Уитмен (1819-1892) шеърятда ўзининг янги сўзини айта олган ҳассос шоирдир. Асарлари қатъий шеърый қолиплардан холилиги билан ажралиб турувчи бу ижодкор айна чоғда ўз даврининг долзарб ижтимоий масалаларига ҳам фаол муносабат билдиради. Табиатнинг гўзал, бетакрор манзара ва оҳангларига уйғун ҳолда Американинг шимоли ва жануби ўртасида 1861 йили бошланган уруш воқелигини ўзига хос тарзда акс эттиради.

XX асрнинг 20-йилларида ана шу улуғ истеъдод соҳиби асарлари билан чуқур танишган атоқли ўзбек адиби Ойбек Уитменнинг бетакрор образлари ва тасвир услубидан қаттиқ таъсирланади. Дарҳақиқат, Уолт Уитмен шеърларида бири иккинчисига ўхшамаган образлар: қулликдан қочган таъқибдаги ҳабаш, гўзал ҳинду қиз, нью-йорклик хонавайрон бўлган аравақаш, хунарманд ва темирчилар, мулкдор фермерлар, жасур денгизчилар бошқаларга ўхшамаган қиёфада акс этарди. Шоир лирик қаҳрамони оддий халқ вакиллари номидан сўзлайди, улар кечинмаларини изҳор этади. Унинг “Май манзараси” шеърисидаги:

*Олма боғлар, борлиқни гулларига буркаган;
Бугдойзорлар – поёнсиз, жонли зумрад гиламлар;
Абадий ва туганмас мусаффордир ҳар тонглар;
Кечки илиқ қуёшнинг сариқ, олтин тумани;
Қизил ё оқ гулларин кўкка тутган сиренлар. –*

сатрларидаги борлиқнинг абадийлиги, гўзаллиги, тонгларининг мусаффо ва туганмаслиги ҳақидаги пейзаж тасвири Ойбекнинг қуйидаги сатрларидаги:

*Чарчаб қолган кун ётоққа йўл солди,
Боғчалардан узоқлашди қуш сози.
Бўшлиқларга титраб, секин тарқалди
Аллақайдан сўфиларнинг овози. –*

яъни тўхтовсиз ҳаракатдаги борлиқ, унинг оҳанглари, рангларидаги эврилишлар, спиралсимон ҳаракатдаги мангулик тасвирига муштарак. Шунингдек, шеърнинг сўнгги:

Аравани лиқиллатиб деҳқон чол

*Ёнгинамдан ўтиб кетди жимгина.
Йўллар қора... тикиларди ёш хаёл
Олтин кўзли кўк қизлари ҳуснига... –*

сатрларидаги ҳаётий ифодалар, нозик чизгиларда ҳам ушбу таъсирни кўриш мумкин. Ёки Ойбекнинг 1936 йилда Чимён тоғлари бағрида олган таассуротлари асосида ёзилган “Наъматак” шеъридаги улуғворлик ва фидойилик олқишланган сатрлар ҳам Уолт Уитмен ижодига уйқашдир. Наъматак борлиққа гўзаллик, эзгулик ҳадя этмоқ учун “юксакда, шамол беланчаги”да нафис чайқалади. Шеърда ваҳший тошлар ижоди бўлган, уларга фусун берган кумуш қорларни юм-юм йиғлатган наъматакдаги матонат, маъсумлик улуғланади. Чимён тоғлари бағрида учратган гўзал, бетакроп манзара таъсирида яратилган ушбу шеърида Наъматак тимсолида минглаб бегуноҳлар қони тўкилаётган жамиятда ўзгаларга эзгулик улашаётган зиёлилар қиёфасини ҳам акс эттираётгандек бўлади шоир.

Сўнги:

*Тоғлар ҳавосининг ферузасидан
Майин товланади бутун ижоди.
Ваҳший қояларнинг ажиб ижоди:
Юксакда рақс этар бир туп наъматак,
Кўёшга бир сават гул тутиб хурсанд! –*

сатрларида бу ҳол ойдинлашаётгандек бўлади. Ушбу шеър беихтиёр Уолт Уитменнинг “Илк момақаймоқ” асаридаги образни ҳам ёдга солади.

Шеърнинг:

*Қиш қафасидан озод, оддий, барра ва нафис,
Бу оламда одатлар ҳам, сиёсатбозликлар ҳам, пул ишлари ҳам
бўлмаган каби
Қишнинг илиқ майса пучмоқларидан
Олтин шафақдек сокин, беозор
Баҳорги илк момақаймоқ
Фариштадек маъсум юзин кўрсатди, -*

Мисраларида қиш қафасини ёриб, маъсумлиги билан бойлигу сиёсатбозликка асосланган жамиятга қарама-қарши турган момақаймоқдаги курашчанлик, нафосат улуғланади.

Уолт Уитмен ва Ойбек ижодидаги муштарак жиҳатларни аниқлашда Жамол Камолнинг қўйидаги сўзлари муҳим ўрин тутди: “Бизнингча, Ойбек шеърятининг ягона пафоси, унинг индивидуал поэтик услубида бир-бирига боғлиқ бўлган икки муҳим момент белгиловчи роль ўйнайди: 1) хамиша ҳамма ерда нафосатни кўришга ва уни тасдиқлашга қаратилган, маълум даражада, шоирнинг “шеър – ахлоқий гўзалликдир” деган ўзига хос ақидасидан келиб чиқувчи тамойил; 2) лирик жанр доирасида эпик назарга эга бўлиш, лирик ҳолат, лирик лавҳаларни эпик назар билан кўриш, ёритиш тамойили”. Юқоридаги жиҳатларни Уолт Уитмен асарларида ҳам кўриш мумкин.

*Қани ким ҳозир мўжизага ишонар?
Мен эса ҳар нарсада мўжизани кўраман:
Монхеттен кўчаларидан ўтганим дамлар,
Тубсиз осмон тоқига назар солган чоқ,
Тўлқинли соҳилда ялангаёқ кезиб,
Ё ўрмонда қайсидир дарахт остида,
Ё яқинлар билан кундуз, ёр билан тунлари суҳбатлашганда,
Дўстлар билан даврада базм қурган онларим,
Ёки ўтлоқзор ичра подадек кезганимда,
Ёки ажойиб нинач, қушларга боққанимда
Ёки мўжизалар шафақ, ё чақнаса сокин, тиниқ юлдузлар,
Баҳордаги ҳилолнинг ажиб, сокин ҳолати,
Ва уларнинг барчаси менинг учун – мўжиза.
Муштарак ва айро ҳолда – бари-бари мўжиза.
Ҳар бир кун ва туннинг сониялари мўжиза,
Кенгликлар ҳар бир қуб дюми мўжиза,
Ҳар бир фазовий борлиқ квадрат ярди мўжиза,
Ҳар бир фут ва унинг қаърида яшириндир мўжиза,
Мен учун денгиз барча мўжизасин очади;
Балиқлар – қоялар – тўлқинлар ҳаракати –
Кемалар – ундаги одамларнинг барчаси.
Яна сизга қандай мўжиза керак!*

тарзида тилсимотларга тўла борлиқдан олган ҳайратини ошкор этади. Муттасил ҳаракатдаги олам, поёнсиз коинот, инсоннинг мураккаб олами, табиатининг рангин жилоларидан ҳайрат туйғуси Ойбек шеърларининг ҳам асосини ташкил этади. Унинг “Табиат тўртликлари” шеърида табиат ходисалари, унинг фаслларидаги ранглар товланишидан ҳайратга тушган

лирик қахрамон кечинмалари мўжизага тўлиқ борлиқ тасвири жараёнида очила боради.

*Кўркига тўймаймен – уфқда қуёш
Булутлар юзига қирмизи бўёқ
Суркаб ўтганидан қоладирман маст,
Изида хаёлга толурмен узоқ... –*

Табиатнинг улуғворлиги инкор этилиб, унинг ҳар қандай мўжизалари рад этилаётган даврларда Ойбек инсон борлиқнинг зарраси ва у билан муштарак эканлигини баралла куйлади, борлиқнинг инсон тафаккури англашга ожиз кўплаб сиру синоатлари борлигига иқроор бўлди.

Уолт Уитмен ва Ойбек ижодидаги уйғун жиҳатлардан яна бири – ҳар икки шоирнинг некбинлигидир. Уларнинг ҳаёт йўлларида ҳам бу ўхшашлик кўзга ташланади. Дарҳақиқат, умрининг сўнгги йилларида Уитмен ҳам, Ойбек ҳам фалаж ҳолатда тўшакка михланганларига қарамай ёруғ туйғулар сингган асарлар яратишда давом этдилар.

Хуллас, Уолт Уитмен ва Ойбек ижодидаги муштараклик, ижодий таъсир тилсимот ва мўжизаларга тўла борлиқ тасвирию талқинларида улардан туғилган ҳайрат туйғусининг ўзига хос ифодаларида, ижтимоий-сиёсий масалаларни нозик кечинмалар фонида акс эттириш услубларида, лирик жанр доирасида эпик кўламдорликка эришиш ва сюжетли шеърлар орқали лиро-эпик тасвир имкониятларини намоён эта билишларида, ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий масалалар ҳамда табиат ходисалари акс этган шеърларда некбинликнинг устуворлик касб этишида кўзга ташланади.

Сувон Мели

ДАНТЕ ВА НАВОИЙ: ЮКСАК ФАЗОЛАРДА УЧРАШУВ

Даҳо санъаткорлар ижодида муштараклик бўлиши муқаррар ва табиий.

Икки ҳодисани юзлаштириш ҳар икки ҳодисанинг аввал кўрилмаган кирраларини кўришга, илгари унча намоён бўлмаган жиҳатларини ёритишга имкон беради. Яъни улар бир- бирига шуъла ташлаб, бири иккинчисида, иккинчиси биринчисида акс этади.<...>

Данте ва Алишер Навоий замондош бўлишмаган. Уларни икки асрча вақт, ўн минглаб чақирим масофа ва буткул ўзга диний-маданий қатлам ажартиб туради. Аммо улар учрашадиган умумий майдон бор. Бу майдон академиклар Н.И.Конрад ва Жирмунскийларнинг фикрича, Шарқу Ғарб учун муштарак ҳодиса бўлган Ренессанс яъни Уйғонишдир. Уйғониш умумжаҳоний ҳодиса сифатида Данте ва Навоийни юксак нуқталарда бирлаштириб туради.

Данте ва Алишер Навоийнинг ўз она тиллари тақдирида ўйнаган буюк тарихий роли маълум. “Она тилига туганмас ишқ, унинг тақдирю камолоти учун масъуллик ва ғамхўрлик- мана сўз даҳоларини бирлаштирувчи биринчи фазилат. Данте италян тилини халқаро йўқламада нечоғлик барқарор этган бўлса, Навоий ҳам шундай вазифани- жаҳоншумул ватанпарварлик ишини адо этди. Этник жиҳатдан бағоят хилма-хил, қанчадан-қанча шеваларда гаплашувчи кишилар тилига хос сўзларни адабий тил доирасига олиб кирди. Навоийнинг журъати ва жасорати, маҳорати туфайли ўзбек адабий тили мукаммал шаклланишга эришди”⁴¹<...>

Умумийлик хусуийликда юз кўрсатади. Шундай хусуий жиҳатлардан икки даҳонинг асосий асарлари-“Илоҳий комедия” ва “Хамса”нинг бош қаҳрамони масаласи ва бундан келиб чиқадиган баъзи ҳолатларга диққат қилайлик.<...>

“Хамса” дostonларида баён этилган воқеалар ўз-ўзича эмас, балки шоирнинг, Алишер Навоийнинг уларга хос муносабати билан қимматлидир.

Воқеаларнинг оддий баёни эмас, балки шоирнинг воқеликка шахсий муносабати биринчи ўринга чиқиши жиҳатидан “Илоҳий комедия” ва “Хамса” қондош чизгиларга эга.

Муштараклик замирида доим тафовут бор. Данте “Илоҳий комедия” нинг муаллифлигидан ташқари- бош қаҳрамони, асар воқеа тизимининг асосий иштирокчиси. “Хамса”да бошқачароқ. Навоий асарнинг муаллифи, яратувчиси, аммо у “Илоҳий комедия” дагиддек, воқеаларда бевосита

⁴¹Абдулла Орипов. Адабий қайдлар. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 1991 йил, 21 март.

иштирок этмайди, айтайлик, Фарход билан учрашиб, унинг такдирига шерик (масалан, Шопур сингари) бўлмайди. Унинг асардаги иштироки бўлкча. Навоий воқеани фақат баён этмайди, уни ҳам таҳлил, ҳам тадқиқ этади. У кечаётган ва тасвирланаётган воқеаларга устама маъно берувчи олий ҳакам.

Сюжет (воқеа тизими) ўртамиёна шоирни бошқаради, буюк шоир эса анъанавий сюжетга жон ато этиб, янгича талқинга эришади. Навоий аввалдан ишлатилган воқеа (“афсона”) танига руҳ киргизиб, уни асос қилган ҳолда янги бадиият оламини яратади.

Ёзмоқта бу ишқи жовидона

Мақсудим эмас эди фасона.

Мазмунига бўлди руҳ майли,

Афсона эди анинг туфайли.

(“Лайли ва Мажнун”)

Бу тўрт мисра бутун “Хамса”ни тушуниш ва тадқиқ этишда муҳим очқич вазифасини ўтайди. Асарни даҳо Навоийнинг “руҳ майли” бошқаради. Бу шунчакишоирона кўтаринки гап бўлмай, “Хамса”да муаллиф, яъни Алишер Навоийнинг ўта муҳим, мутлақо образ сифатидаги ўрнини белгиловчи илмий қайддир.

Демак, муаллифнинг руҳоний қуввати асаср жараёнида ҳукмронлик қилади, афсона (тасвирланган воқеа-ҳодисалар) ушбу етакчи кучга қарам. Бўйсунган ҳолда мавжуд бўлиб, ўз навбатида руҳ майлининг муайян жиҳатини намоён этади. Руҳ ушбу воқеалар баёнида товланади, жилоланади.

“Хамса”ни жаҳон адабиётидаги мустақил ва буюк бадиий обидага айлантирган бош омил-даҳо Навоийнинг руҳ майли дейиш айна ҳақиқатдир.

Афсона ва руҳ майли орасидаги икки тарафлама муносабат асарга буткул ўзгача тароват бахш этади. Шунинг учун деярли бир хил воқеа тизимидан Низомий, Хусрав Дехлавий ва Навоий буткул мустақил асарлар яратишади. ҳар бир шоир “руҳ майли” мустақил бадиий оламини вужудга келтиради.

Данте “Базм” асарида санъат асарини тушуниш ва шарҳлашда тўрт хил маънони кўрсатади: дастлабки маъно, аллегорик маъно, сабоқли маъно ва аногогик, яъни олий маъно ёки асарни руҳий- маънавий жиҳатдан англаш.

“Хамса”да баён этилган воқеаларнинг дастлабки маъноси билан чекланмай, бешликни яхлит ҳолда намоён этувчи олий маънони англашга ҳаракат қилмоқ лозим. Данте нигоҳи билан “Хамса”га назар ташлаш, бир даҳо кўзгусида иккинчи даҳони кўришга интилиш адабиёт илми ҳамда маънавиятимизни бойитади.

Аристотель –буюк Арасту ўзининг “Пайдо бўлиш ва йўқолиш ҳақида” асарида ёзилади: “Муҳаббат доим бирикув, адоват, нифок сабабчисидир”.

Данте инсонлар орасида низо ва нифок уруғини сочганларга дўзахнинг саккизинчи ҳалқасидан жой ажратади. “Уларнинг жазоси ўзига хосдир: маҳкум бир доира бўйлаб тинмай айланади, бир нуқтага етганда, иблис уни шамшир билан ёриб ташлайди. Маҳкум доирани яна айланиб келгунга қадар жароҳат битади, ўша жазо эса яна такрорланади”⁴²

Нифок солиш Данте назарида жуда катта гуноҳ бўлиб, фақат сотқинлик ва хоинликка чўнғроқ гуноҳдир. Сотқинлар ва хоинлар дўзах тўққизинчи доирасининг тубида метиндек мустаҳкам музлик- Коцит исканжасида жазо топадилар.

Сотқин одам тарқасида яна бир нифокқа- нифок устига нифокқа дучор бўлади. Унинг вужуди руҳидан айрилади.

*Билиб қўй, сотқинлик рўй берган замон
Рух кетиб, вужудга иблис киргайдир.
Вужуд аввалгидай юргайдир яшаб,
То муддат битгунча кечиргай умр.
Рух эса тубанга юмалагай заб...⁴³<...>*

Дантега кўра, битта одамнинг борлиғи иккига ажралиб, вужуди одамлар орасида-ю, руҳи дўзахда қийноқдалиги, А.Навоийга кўра эса, икки ошиқ қалбнинг руҳлари бирлашиб, бир баданга жо бўлиши қизиқ хулосаларга ундайди.

Муҳаббат йўқ жойда тубанликка йўл очик, сотқинлик севги дарахтида эмас, адоват бутоғида етишади. Адоват одам борлиғини парчалаб ташлайди. Муҳаббат охир-оқибатда ҳатто хунхор кучларни бирлаштиради. Бир-бирларини кўрарга кўзи йўқ Лайли ва Мажнун қабиладошлари икки ошиқ қалб садоқати қаршисида лол қолиб, низони унутадилар.

Яна Арасту сўзлари эсга тушади: Муҳаббат бирикув, адоват нифок сабабчисидир.

Данте сотқин одам тириклигида иккига бўлиниб, руҳини дўзахда, иблисий вужудини тириклар орасида қолдиришга урғу берар экан, гўё: вужудга алданманг, баъзан унда одам эмас, тблис макон этган бўлиши мумкин, дейди. У яна: сотқин ўзи сотган одамни ёки ҳақиқатни эмас, аввало ўзини жазолайди. Ёмонлик ўзини-ўзи ихтиёрий жазолашдир, деб таъкидлайди.

⁴² Данте Алигъери. Илоҳий комедия. Дўзах. Тошкент, 1975, 186-бет.

⁴³ Юқоридаги манба. 226-бет.

Алишер Навоий ҳақиқатнинг бошқа муҳим томонини очади. Агар инсон ошиқ бўлса, унинг руҳи пок бўлиб, ўзи каби пок руҳлар билан топишади, бирликда (вахдатда) яшайди. Нопок вужуд эса ҳатто ўз руҳини тутиб туролмайди<...>

Одамни ҳаракатга келтирувчи, уни том маънодаги Инсон айлантирувчи куч, ҳазрат Навоий наздида, Ишқдир. Ул зот “Лайли ва Мажнун” достонида ишққа қарата дейди: “Фалак сенга шундай куч берганки, мисни ҳам олтин қиласан. Инсон гавдасининг лойи тупроқдан бошқа нарса эмас. Сен инсонга яқинлашгач, унга ошнолик қилгач, у қиёмга айланади” (насрий баёндан).

Одам зотига шундай улуғворлик бахш этувчи Ишқ Дантенинг Амури каби бутун коинотни юргизиб турса не ажаб?!<...>

1998

Д.Қуронов
Жаҳон адабиётига йўл

<...> XX аср бошидаги Туркистон ижтимоий-тарихий шароитининг ўзига хослиги, маълумки, икки асосий омил: 1) капиталистик ижтимоий муносабатларнинг қарор топа бошлагани ҳамда 2) Туркистоннинг мустамлака ўлкаси бўлганлиги билан белгилангандир. Яъни, юртимизда янгича ижтимоий муносабатларнинг қарор топа бошлаши ижтимоий-тарихий тараққиётнинг табиий ҳосиласи эмас, кўпроқ ташқи омиллар таъсири билан боғлиқ эди. Ижтимоий тараққиёт бобида Европа мамлакатларидан анча ортда қолган Россия таъсирида ҳали анчагина мустаҳкам феодал асосларга капиталистик муносабатлар пайвандлана бошланди. Албатта, бу нарса ижтимоий-тараққиёт суръатини тезлатди, бироқ юртимизда эскилик ва янгиликнинг ажиб қурамаси вужудга келдики, ҳар иккисининг орасидаги фарқ яққол кўзга ташланиб қолди. Бу эса, табиийки, эскиликни тугатиш, жамият ҳаётини ислоҳ этишу миллатни тараққий эттириш заруратини кун тартибига қўйди. Аини шу заруратни теран идрок қилган фидойи зиёлиларимизни ягона МАҚСАД атрофида бирлаштирган маърифий-ислоҳий ҳаракат миллий тарихимизга жадиличлик номи билан кирди. Маълумки, жадиличлик ҳаракатини атрофлича ва илмий холис ўрганила бошланганига ҳали кўп бўлганича йўқ, у ҳақдаги йирик фундаментал тадқиқотларнинг пайдо бўлиши яқин келажакда кутилади. Табиийки, биз бу ўринда жадиличлик ҳаракатининг мавзуимизни ёритиш учун зарур ўринларигагина тўхталамиз.

Асримиз бошидаги Туркистон ижтимоий-тарихий шароитининг миллий адабиётимиз тараққиётига таъсирини ёрқинроқ тасаввур қилиш учун, фикримизча, уни Европа адабиёти тарихи билан муқояса қилиш фойдалидир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, жадиличлик ҳаракати ўзининг кўп жиҳатлари билан XVIII асрда Европада кенг қулоч ёйган маърифатчилик ҳаракатига ўхшашдир. Ҳар икки ҳаракатга хос муштарак нуқталарга бир қур назар солинсаёқ, бизнингча, бу фикримизда жон борлиги англашилади. Аввало шуки, ҳар икки ҳаракат ҳам феодал асослар емирилиб, уларнинг ўрнида капиталистик муносабатлар қарор топа бошлаган пайтда майдонга келган. Яъни, ҳар икки ҳаракатнинг юзага келишини заруратга айлантирган ижтимоий тарихий шароитнинг ўхшашлиги улардаги ўхшашликни келтириб чиқарган. Феодал ижтимоий муносабатлардан фарқ қилароқ, капиталистик муносабатлар жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун тенг бошланғич (старт) имкониятлар очиши билан характерланади. Янги шароитда инсоннинг

тақдири ва жамиятдаги ўрнини илгаригидек ижтимоий келиб чиқиши эмас, ақлу заковати, тадбиркорлигию омилкорлиги белгилайди. Кўринадикки, янгича ижтимоий муносабатлар шахснинг ижтимоий мақомини ўзгартирди, у энди ўзини ижтимоий шахс сифатида — жамиятнинг ва ўзининг ҳаётига фаол таъсир кўрсата оладиган унсур сифатида англай бошлайди. Шахс мақомининг ўзгариши билан феодал-монархик тартибларнинг эскиргани, жамият ҳаётини ислоҳ этиш зарурати тобора равшан кўзга ташлана боради. Европанинг қатор мамлакатларида айна шу хил шароит юзага келганида майдонга чиққан ҳаракат маърифатчилик ҳаракатидир. Маърифатчилик ҳаракатининг ижтимоий-тарихий шароит билан узвий боғлиқлигини шундан ҳам кўрса бўладики, унинг ғоялари европа мамлакатларининг ҳаммасига бир пайтда эмас, конкрет мамлакатда бунинг учун мос ижтимоий шароит юзага келгандагина ёйилган: аввал Англияда, кейинроқ Францияда, сўнг Германияда(маълумки, жадинчилик ғояларининг крим, Татаристон, Озарбайжон, Туркистон ҳудудларига ёйилишида ҳам шунга ўхшаш ҳолни кузатиш мумкин: уларнинг ҳар бирида ғоянинг ўзлашиши ва оммалашув даражаси турлича бўлган). Жадинчиликка ўхшаб, Европа маърифатчилигининг ҳам ягона ҳаракат дастури бўлган эмас, ҳар икки ҳаракат ичида ҳам қарашлар турличалиги (бироз консервативроқ қарашлардан то радикал қарашларгача) мавжуд эди. Маърифатчилар эскирган ижтимоий асосларни тамомила инкор қилиб, янги — инсон табиатига мос, "ақл"га мувофиқ жамият қуриш ғояси билан чиққанлар. Жадинчиларга ўхшаб, улар ҳам ижтимоий ислоҳни амалга оширишда маърифат ёйишни асосий воситалардан бири деб билганлар. Ўз ғояларининг имкон қадар кенг доирада ёйилишини истаган маърифатчилар нашриёт-матбаа ишларига катта аҳамият берганлар, кичик ҳажмли ва арзон рисолалар чоп этиб тарқатганлар. Маълумингизки, жадинчилик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндалари(Бехбудий, Мунаввар қори, Ибрат ва бошқ.) ҳам ноширлик билан шуғулланганлар. Боз устига, жадинчиларнинг юқоридагича мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлари ўзбек миллий матбуотининг шаклланишига олиб келгани ҳам маълум.

Мутахассислар европа маърифатчилигини "фалсафий, ижтимоий, ахлоқий концепция", янгича дунёқарашга асос бўлган МАФКУРА деб ҳисоблайдилар. Янги мафкуранинг ўзагини "инсон ақлу заковатигина дунёни ўзгартириши мумкин", деган қараш ташкил этади. Дарҳақиқат, маърифатчилик ғоялари ижтимоий онгнинг кейинги тараққийсига жиддий таъсир кўрсатди: ХҮІІІ асрдан бошлаб моддиюнчилик қарашлари тобора кўпроқ кишиларнинг онгини забт эта боради. Муайян ижтимоий шароит

махсули сифатида дунёга келган бу мафкура жамият ҳаётининг барча соҳаларида, айниқса, адабиёт ва санъатда туб бурилишлар ясади. Европада маърифатчилик ғоялари таъсирида янгича эстетик принципларга таянган адабиёт шаклландики, унинг асосида "дунёни ва инсонни ўзгартиришга қодир ғоявий адабиёт керак", деган ақида ётади. Яъни, бошқача айтсак, маърифатчиларнинг ижтимоий идеали — "инсон табиати ва "ақл"га мувофиқ жамият қуриш" маърифатчилик адабиётининг эстетик идеалига айланди. Бу эса адабиётнинг-да шунга мувофиқ ҳолда ўзгаришини тақозо қилди. Мазкур ўзгаришлар орасида энг муҳими — идеалнинг "ерга тушгани"дирки, бунинг натижаси ўлароқ бадиият, гўзаллик тушунчаларига ҳам жиддий таҳрирлар киритилди.

Жадидчилар каби маърифатчилар ҳам адабиётда, аввало, ўқувчиларни тарбиялаш асосида ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилиш воситасини кўрганлар. Шу боис ҳам маърифатчилик адабиётидаги қатор жиҳатлар жадид адабиётидаги тамойилларни эсга солади. Бадиий адабиётга конкрет мақсадга эришиш воситаларидан бири сифатида қараганлари учун ҳам маърифатчиларнинг асарларида кўпинча қаҳрамонлар орасида очиқ ғоявий қураш кечади, қаҳрамонлар тилидан муайян ғоялар айтилади, қисқаси, ғоя асарнинг бирламчи унсурига, уни ифодалаш муаллифнинг бирламчи мақсадига айланади. Шу жиҳатдан, айрим адабиётшуносларнинг "маърифатчилик реализми" атамасидан кўра "дидактик реализм" атамасини маъқул кўришлари бежиз эмас, албатта. Зеро, маърифатчилик адабиёти, бир томондан, адабиётни ҳаётга яқинлаштирди, иккинчи томондан, уни тарбия воситаси деб билди. Маълумингизки, айти шу икки тамойил жадид адабиётининг ҳам моҳиятини белгиловчи хос хусусиятлар сифатида кўрсатилиши мумкин.

Маърифатчилар ўз мақсадларини амалга ошириш учун қулай имкониятлар берувчи санъат турлари ва жанрларга айрича аҳамият берганлар. Хусусан, улар театрни ўз ғояларини тарғиб этиш минбари деб билганлар, шу боис ҳам драматик жанрлар ривожлантирилган, сахнада ўйналаётган воқеалар ҳаётийлик касб этиб борган. Дидро, Лессинг каби йирик маърифатчилар театр санъатига, драматургияга бағишланган махсус тадқиқотлар яратишганки, бу ҳам юқоридаги фикримиз далилига хизмат қилади. Шунинг ҳам айтиш керакки, маърифатчилик адабиётида бадиий проза айниқса фаол ривожлантирилди: "эпистоляр роман", "саёҳатнома роман", "тарбия романи", "фалсафий қисса" каби қатор янги жанрлар ишлаб чиқилди; инсон характерини яратишнинг янги-янги имкониятлари кашф этилди, янги

усулу воситалар жорий қилинди.⁴⁴ Маърифатчилик адабиётида, айниқса, ҳаётни атрофлича бадиий таҳлил этишу яхлит бадиий концепцияни ифодалаш имконини берувчи роман жанри гуркираб ривож топди. Шу ўринда жадиидчиларнинг миллий театримизни шакллантириш йўлидаги жонбозликларини, жадиид нашрларида бот-бот учраб турган "бизга тиётр ва рўмон китоблари керак" қабилидаги хитобларни эсласак, муштараклик яна ҳам бўртиб кўзга ташланади.

Эътиборли жиҳати шундаки, Европадаги маърифатчилик адабиёти билан жадиид адабиётининг ўхшашлик жиҳатлари бадиий шакл бобидаги изланишларда ҳам кўзга ташланади. Масалан, француз адиби Монтескьенинг "Форс хатлари", инглиз ёзувчиси Голдсмитнинг "Дунё фуқароси ёки хитойлик киши хатлари" номли асарларида Европа воқелиги чет эллик кишилар — бирида форс, иккинчисида хитойлик киши нигоҳи орқали берилади. Бу хил бадиий-композицион усулга мурожаат қилинишининг сабабларини кўя турайлик-да, Фитратнинг "Мунозара", "Ҳинд сайёҳи" асарларида ҳам шу йўлдан борилганини эслайлик. Ёки "Мунозара"нинг диалог шаклида қурилганини олайлик. Қадимги юнон файласуфлари фойдаланган бу шакл ХУШ асрда маърифатчилар томонидан тирилтирилган, Дидро, Лессинг, Гердерларнинг фалсафий-публицистик асарлари(хатто Дидронинг "Рамо жиян" романи)дан айримлари айни шу шаклда ёзилган эди. Ўйлашимизча, мазкур масала махсус ўрганилса, булардан бошқа ҳам муштарак ўринлар топилиши, эҳтимол.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан кўринадикки, европа маърифатчилик адабиёти билан жадиид адабиёти орасида қатор ўхшашликлар мавжуд. Бунинг сабаби эса, бизнингча, кўпроқ ҳар икки адабиётни юзага келтирган ижтимоий-тарихий омиллар, ҳар икки ҳаракат кўзлаган мақсадлардаги ўхшашлик билан изоҳланиши мумкин. Албатта, ҳар икки адабиётда ҳам конкрет ижтимоий-тарихий шароитнинг ўзига хослиги, адабий-маданий анъана билан боғлиқ специфик хусусиятлар ҳам йўқ эмас. Бироқ масаланинг бу жиҳатига тўхталиш бизнинг мақсадимизга кирмайди. Шу боис ҳам юқоридаги мулоҳазаларнинг ўзигаёқ таянган ҳолда илк хулосаларни чиқаришга журъат қиламиз.

Бизнингча, Туркистондаги жадиидчилик ҳаракати ҳам худди Европа маърифатчилиги каби МАФКУРА эди. Конкрет ижтимоий-тарихий шароитда — юрт мустамлака зулми остида эзилган, жаҳон таракқиётидан узилиб,

⁴⁴ Бу шаклда муфассал маълумот олиш учун қаранг: История всемирной литературы: В 9 т. Т.5.- М.,1988.- С.19-32

колоқлик домига тушиб қолган бир пайтда бу хилда яшаб бўлмаслигини теран идрок этган зиёлилар ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилиш, миллатни тараққий эттириш тараддудига тушган эдилар. Уларнинг ислохотчилик ғоялари миллий турмушнинг барча соҳаларига — маориф, маданият, дин, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш, ижтимоий муносабатларга — бирдек тааллуқли эди. Айтиш керакки, худди Европа маърифатчилиги каби жадиदчилик ҳам ягона ҳаракат дастурига эга эмас эди. Яъни, жадидчилик ҳаракатига қўшилган кишиларнинг қарашларида муайян фарқлар бўлгани ҳолда, уларни умумий мақсад — миллатни маърифатли қилиш орқали юртни тараққий эттириш (ботиний мақсад сифатида миллий озодликни ҳам айтиш жоиз, чунки амалга оширилажак ишлар пировард натижада истиқлолга олиб келиши лозим эди) ҒОЯлари бирлаштирар эди. Жадидчилик ғояларини оммалаштиришда адабиётнинг роли бениҳоя катта эди, бироқ, айтиш пайтда, бу улкан тарихий миссияни уддалаш учун адабиётнинг ўзидан ҳам шунга мос ҳолда ўзгариш, янгиланиш талаб қилинарди. Айтиш шунинг ижтимоий-адабий зарурати теран англаган ижодкорларнинг изланишлари натижаси ўлароқ, миллий адабиётимиз сифат жиҳатидан янгиланди. Яъни, асримиз бошида майдонга келган жадидчилик ҳаракати миллий адабиётимиз тарихида сифат жиҳатидан **янги** — **жадид** адабиётини майдонга чиқарди. Бу адабиётнинг мазмун-моҳиятини белгилаган асосий эстетик тамойиллар сифатида тубандагиларни кўрсатиш мумкин: а) эстетик идеалнинг "ерга тушган"и, яъни, жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий идеали унинг эстетик идеалига айлангани; б) ижтимоий йўналтирилганлик, муайян ғояни сингдиришга сафарбар этилганлик; в) тематик жиҳатдан реал ҳаётга яқинлик; г) мазмун ва шаклнинг халқчиллашуви. Буларнинг бари миллий адабиётимизда реалистик тамойилларнинг интенсив равишда эгалланиб боришига асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур янгиликлар миллий адабиётимиз ўз тараққиётида жаҳон адабиёти томон юзланганидан, жаҳон адабиётининг илғори бораётган магистрал йўлга тушиб олганидан далолат эди. <...>

(“Чўлпон насри поэтикаси”.- Т.: Шарқ, 2004.- Б.8 - 13)

Адабиётлар:

1. Литературный энциклопедический словарь –М.: 1987.
2. Дима А. Принципы сравнительного литературоведения. -М.: Прогресс 1977.
3. В.М. Жирмунский. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. Избр.труды. -М.:1979.
4. Жирмунский В.М. Средневековые литературы как предмет сравнительного литературоведения (Известия АН СССР. Отделение литературы и языка. - Т. XXX. Вкп. 3. - М., 1971. - С. 185-197)
5. Авестисян А. Гёте и Данте. Вопросы литературы. М. 1990.
6. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литератур. -М.: Прогресс. 1979.
7. Минералов.Ю.И. Сравнительное литературоведение(компаративистика) учебник для бакалавриата и магистратуры –М.: Издательство Юрайт, 2017. -387 с.
8. Конрад Н.И. Запад и Восток. — М.: 1972.
9. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб Т.: Ўзбекистон .1997.
10. Эшонбоев А. Қиёсий-тарихий метод ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, №4. –Б. 38-46.
11. Основы сравнительного и сопоставительного литературоведения. - Казань: Казан.гос. ун-т, 2007.
12. Қосимов А. Адабиётда типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсир. Тошкент: Фан. 2004.
13. Курбонов П. Байрон ижодида Шарқ мавзуи. // Ўзбек тили ва адабиёти,2008, №4.-Б.46-53.
14. Сувон Мели. Навоий ва Данте Юксак фазоларда учрашув// Жаҳон адабиёти,1998, № 2.-Б. 6-12.
15. Просветительство в литературах Востока. М.Наука 1973.
16. Типология и взаимосвязи средневековых литератур Востока и Запада. М. Наука 1974.
17. Перков Т.М. Проблемы исторического развития литератур. Л.1984.
18. Чехов и Германия / Под ред. В.Б.Катаева, Р.-Д.Клуге. М.,1996.
19. Мухаммаджонова Г. Қиёсий адабиётшунослик, Фарғона, 2011.
20. Адабий алоқалар ва таъсирлар // Адабиёт назарияси.-Т.: Фан, 1979.-Б. 69-70.
21. Комилов Н. Ибн Сино ва Данте.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1989.
22. Особые межлитературные общности-5: Дюришин Д. и коллектив. (Отв.ред. Мирза-Ахмедова П.) –Т.: Фан. 1993.
23. У.Ҳамдамов, А.Қосимов. Жаҳон адабиёти. (Ўқув кўлланма).-Т.: “Баркамол файз медиа”, 2017.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1. Компаративистикасининг тараққиёт босқичлари.....	8
2. Адабиётшуносликда “Жаҳон адабиёти” концепцияси.....	29
3. Адабий алоқа турлари. Контакт алоқа типологияси. Контакт алоқа шакллари.....	38
4. Ташқи алоқалар	47
5. Ички алоқалар	49
6. Таржима – контакт алоқа шакли.....	53
7. Санъат турларининг воситачилик функцияси.....	62
8. Типологик ўхшашликлар.....	66
9. Қиёсий таҳлил масалалари.....	73
10. “Қиёсий адабиётшуносликка кириш” курси бўйича назорат саволлари.....	78
11. Илмий-танқидий манбалар.	79
12. А.Н.Веселовский. Поэзиянинг таърифи.....	79
13. А.Н.Веселовский. “Тарихий поэтика” муқаддимасидан. Саволлар ва жавоблар.....	82
14. В.М.Жирмунский. Шарқ ва ғарбнинг адабий муносабатлари қиёсий адабиётшуносликнинг муаммоси сифатида.....	85
15. В.М.Жирмунский. Адабий оқимлар халқаро ҳодиса сифатида.....	87
16. В.М.Жирмунский. Алпомиш ҳақидаги эпик дoston ва Гомернинг “Одиссея”си.....	88
17. Т.Белова. В.Набаков ва Э.Хемингуэй (поэтика ва дунёни ҳис этиш хусусиятлари).....	91
18. Ф.Сулаймонова. Ибн Сино ва Данте	95
19. Н.Каримов. Таржима санъати ва жаҳон адабиёти	100
20. А.Сабирдинов. Ойбек ва Уолт Уитмен.....	105
21. Сувон Мели. Данте ва Навоий: Юксак фазоларда учрашув.....	109
22. Адабиётлар	113